

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқига
УДК 821.512.133–1(093)

Юлдашева Моҳигул Тулиевна

АВАЗ ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНА ВА МАҲОРАТ

10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: Қорақалпоғистон
Республикасида хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари
доктори, проф. Ҳ. Ж. Абдуллаев

Тошкент – 2006

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ — — — — —	3 — 11
I боб. АДАБИЙ АНЪАНА ВА ИЖОД ТАКОМИЛИ	
1.1. Аваз шеъриятининг кўлами ва жанр таркиби — — — — —	12 — 25
1.2. Аваз ғазалиётида мавзу ва лирик қаҳрамон талқини — — —	26 — 43
II боб. ИЗДОШЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК ҚИРРАЛАРИ	
2.1. Аваз — моҳир татаббуънавис — — — — —	44 — 57
2.2. Мухаммасларда анъана ва ўзига хослик — — — — —	57 — 78
2.3. "Таржеъбанди хомиса" — издошликнинг мумтоз намунаси	78 — 95
III боб. БАДИИЯТ ВА МАҲОРАТ	
3.1. Аваз шеъриятида бадий санъатлар — — — — —	96 — 113
3.2. Шакл унсурлари ва поэтик маъно талқинлари — — — — —	113 — 131
ХУЛОСА — — — — —	132 — 135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати — — — — —	136 — 147

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ватанимиз мустақилликка эришгач, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ислоҳотларнинг босқичма – босқич амалга оширилиши билан бир қаторда, маданий ва адабий меросимизга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бу жараёнда адабий қадриятларнинг ижтимоий ҳаётдаги ва комил инсон тарбиясидаги ўрни ҳамда мавқеига эътибор кучаймоқда. Бой маданий – адабий меросимизни тўплаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш маънавиятимизнинг ўзак масалаларидандир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида қатор маърифатпарвар ижодкорлар етишиб чиқди ва элга танилди. Булар орасида шоир Аваз (1884–1919) ижоди ўзининг сермазмун ва ранг – баранг жанрлардаги асарлари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг лирик меросида кўп асрлик адабий анъаналарга ижодий муносабат, уларни мазмунан бойитиш ва шаклан такомиллаштиришга қаратилган янгича ёндашув кўзга яққол ташланади. Афсуски, йирик сўз санъаткори Авазнинг бадиий олами ҳозиргача етарли тадқиқ этилмади. Шоир ижодига бағишланган мавжуд тадқиқотларда асарларининг ғоявий йўналишига асосий эътибор берилиб, бадиий маҳорати ва ўзига хос жиҳатлари етарли ёритилмади. Ваҳоланки, Аваз ижоди мисолида ўтган аср бошидаги ўзбек шеъриятидаги анъанавийликнинг янги сифатлар касб этиши ва замон руҳига монанд

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

жанрий изланишлар жараёни ёрқин акс этганки, бу ҳол тадқиқотга алоҳида долзарблик бағишлайди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Аваз ижодига қизиқиш унинг илк асарлари яратилаётган даврдаёқ бошланган эди. Деярли бир асрлик тарихга эга бўлган авазшуносликни шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин.

1. Аваз ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларни акс эттирувчи замондошларининг асарлари яратилган илк босқич. Булар, асосан, тазкиралар ва тарихий асарлардан иборат ¹.

2. Аваз адабий меросини тўплаш, нашр қилиш ва илмий ўрганиш босқичи. XX асрнинг 40–50–йилларида бошланган бу босқич асосини монография, рисола, илмий оммабоп мақолалар яратиш ташкил этади.

Адабиётшунос Ю.Юсупов ўзининг “Демократ шоир Аваз Ўтар ўғли” сарлавҳали мақоласи билан шоир ижодини илмий ўрганишни бошлаб берди ва “Аваз” номли адабий–биографик очерк китоби билан шоир ижодини кўламдор тадқиқ қилишга ҳаракат килди². Бу каби изланишлар Ю.Юсуповнинг “Хоразм шоирлари” ва “Ўт чақнаган сатрлар”³ монографияларида давом этиб, Аваз ижодининг такомил босқичлари, мавзу доираси, жанрлар кўлами каби масалаларнинг айрим жиҳатларини қамраб олди. Аваз ҳақида 50–йиллардаги энг салмоқли холис фикрлар академик шоир Фафур

¹ Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №9596; Аҳмад Табибий. Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №1152; Аҳмад Табибий. Мухаммасоти мажмуатун шуарои Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №1134; Ҳасанмурод Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч. Хоразм, 1992. – Б.64–67; Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм навозандалари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б.78–80; Жуманиёз Хевақий. Тарихи гулшан. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №7421; Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 2–жилд. –Тошкент: ЎзР ФА. Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. – Б. 384–387.

² Юсупов Ю. Демократ шоир Аваз Ўтар ўғли // Шарқ юлдузи. 1954. №10. – Б.120–125; Ўша муаллиф. Аваз. Адабий–биографик очерк. –Тошкент: ЎзР ФА, 1954.

³ Юсупов Ю. Аваз Ўтар ўғли // Хоразм шоирлари. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – Б. 5–43; Ўша муаллиф. Ўт чақнаган сатрлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 133–171.

Ғуломга тегишлидир. У ўзининг "Атоқли демократ санъаткор" сарлавҳали маърузасида Авазнинг ўзбек миллий адабиётидаги ўрнини ва ижодининг туб моҳиятини белгилаб берди¹.

Адабиётшунос В.Мирзаев Аваз Ўтар ўғли ҳаёти ва ижоди ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлаб, шу асосда рисола нашр эттирди². Монографик йўналишдаги бу тадқиқотда Аваз ижодий меросининг таркиби унинг девонларига суянган ҳолда белгиланиб, асосий эътибор шоирнинг маърифатпарварлик ва озодлик ғояларини ифодалаган шеърлари таҳлиliga қаратилди. Аваз асарларини, қисман бўлса—да, чоп этиш ва ўрганиш 70—80—йилларда ҳам давом этди. Шунини айтиш керакки, бу жараёнда ўша даврдаги мафкура таъсири, хусусан, адабий—маданий меросга, асосан, ғоявийлик тамойили билан ёндашув излари мавжуд эди.

Аваз ижодини нисбатан кенгроқ ёритишга қаратилган тадқиқот Н.Қобулов, В.Мўминова, И.Ҳаққуловнинг "Аваз ва унинг адабий муҳити" монографиясидир³. Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, унда шоир Авазнинг мавжуд қўлёзма девонлари илк марта батафсил тавсифланган, шу давргача номаълум бўлиб келган айрим ғазаллари илова қилинган. Шунингдек, Аваз даври адабий муҳити тасвири янги маълумотлар билан бойитилиб, шоир ижоди ва ҳаётига оид таҳлилда анча теранлик ва фикрлар баёнида изчиллик кўзга ташланади.

Мустақиллик йилларида Аваз ижодига қизиқиш янада кучайди, қатор мақолалар ёзилди, шоир ҳақида янги маълумотлар тўплаш давом этди. Бу изланишларга хос асосий хусусият — шоир ижодини миллий тафаккур асосида холис ва чуқурроқ таҳлил этишдир. Йирик

¹ Ғафур Ғулом. Атоқли демократ санъаткор / Танланган асарлар. 2—жилд. — Тошкент: Фан, 1973. — Б. 84—107.

² Мирзаев В. Аваз Ўтар ўғли (маърифатпарвар ва революцион демократ куйчи). — Тошкент: ЎЗР ФА 1961.

³ Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. — Тошкент: Фан, 1987.

адабиётшунос А.Ҳайитметов ўз мақоласида Аваз девонларидаги ғазал, мухаммас, рубоий, қасида, мустазод каби жанрларнинг ўзбек мумтоз шеърятимиздаги ўрнини таъкидлаган бўлса¹, М.Солаева Аваз ғазалиётидаги адабий ворислик таъсирининг айрим қирраларига тўхталади². Шунингдек, Ҳ.Абдуллаев, М.Пирназаров, И.Ёқубов, У.Сотимов мақолаларида ҳам Аваз ижодий меросининг муайян жиҳатлари қаламга олинган³.

Турли савиядаги ушбу ишлар, табиийки, Авазнинг бой ва ранг – баранг ижодий меросининг барча қирраларини қамраб ололмайдди. Дарҳақиқат, мавжуд тадқиқотларда Аваз ижодий камолотида адабий анъаналарнинг, хусусан, устоз ижодкорларнинг ўрни, шоирнинг образ яратиш, шеърини санъатлар қўллаш, умуман, воқеликни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги ва маҳорати каби муаммоларни махсус тадқиқ этиш мақсади қўйилмаган. Шоир ижодини яхлит тасаввур қилиш эҳтиёжи эса бу адабий меросни ғоявий – бадиий бир бутунликда, поэтик мазмун ва гўзал шакл уйғунлиги асосида таҳлил қилишни тақозо этади. Зеро, А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, "Ҳозирги кенг китобхонлар оммасига маълум шеърлар шоир ижодининг бешдан бир қисмидир. Демак, Аваз ижодини ўрганиш ҳали олдинда"⁴.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университети Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси илмий тадқиқотлар режаси билан мутаносиб бўлиб, унинг мавзуси университет Илмий кенгашида тасдиқланган.

¹ Ҳайитметов А. Аваз лирикасида жанр ранг – баранглиги / Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 42.

² Солаева М. Навоий ва Хоразм шоирлари. – Урганч: Мураббий, 1993. – Б. 85–90.

³ Бадиий тафаккур ва адабий жараён / Тўплам. – Тошкент. 2004. № 3. – Б. 7–29.

⁴ Ҳайитметов А. Кўрсатилган асар. – Б. 42.

Тадқиқотнинг мақсади. Аваз ижодий мероси таҳлили асосида унинг XX аср ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаш, лирик жанрларни ғоявий—бадий жиҳатдан бойитишда адабий анъана ва янгиликни уйғунлаштирган йирик сўз санъаткори сифатидаги бадий маҳоратини тадқиқ этиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- Авазшуносликда ҳозиргача қилинган ишларга холисона муносабат билдириб, шоир меросини миллий истиқлол ғояси, янгича тафаккур асосида тадқиқ этиш;

- шоир ижодида Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий анъаналарига ижодий ёндашув ва уларни бойитиш хусусиятларини аниқлаш;

- Аваз девонларининг қўлёзма ва нашр нусхаларини қиёсий таҳлил этиш, ҳар бирига хос жиҳатларни аниқлаш;

- шоир лирикасини мазмун ва жанрлар жиҳатидан тасниф ва талқин қилиш;

- мумтоз шеърятда етакчи ўрин тутган ғазал ва мухаммас жанрларида акс этган Авазнинг поэтик маҳоратини кўрсатиш;

- поэтик образ, бадий тил, индивидуал услуб, шеърый санъатлар ва шаклий унсурлардан фойдаланишда шоир ўзига хослигини таҳлил этиш;

- Аваз шеърятини анъана ва маҳорат тушунчалари уйғунлашувининг намунаси эканини исботлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация Аваз шеърятининг шаклланиши ва такомилдаги адабий—эстетик ва ижтимоий омиллар, бой фактик материаллар ҳамда бирламчи манбалар таҳлили асосида яратилди. Бу жараёнда

адабиётшуносликдаги кейинги давр тажрибаларига ижодий ёндашилган ҳолда илк бор мавзунини шоир ижодининг бутун мураккаблиги ва тадрижий такомил билан боғлиқ ҳолда ёритишга ҳаракат қилинди. Хусусан, барҳаёт бадиий анъаналарга муносабат, даҳо сўз санъаткорларига издошлик шакллари, поэтик маҳоратнинг ижодкор дунёқараши ва бадиий салоҳияти билан алоқадорликда бўлган ўзак масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, Авазнинг Навоий ва Огаҳийга халафлик мақомидаги ўзига хослиги, анъаналарни бойитиш ва индивидуалликни кучайтиришдаги ҳиссаси ғазал ва мухаммас асосида кенг изчил тадқиқ этилдики, бу ҳам тадқиқот илмий янгилигини бирмунча кучайтиради.

Бундан ташқари, тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолларда:

- тадқиқот объектини ташкил этувчи ишончли ва кўламдор қўлёзма ва нашрларнинг бир қисмини илк марта кенг таҳлилга тортилишида;

- Аваз ижоди XX аср бошидаги ўзбек шеърятининг ёрқин саҳифаларидан бири ҳамда поэтик анъана ва маҳорат уйғунлигининг намунаси эканлигида;

- шоир шеърятини анъанавий муҳаббат мавзусини маърифий – ижтимоий қарашлар билан янада бойитишга ҳамда лирик жанрлар ранг – баранглигини оширишга қўшилган ҳисса бўлганини кўрсатишда;

- Авазнинг поэтик маънони таъсирчан ва ўзига хос ифодалашда вазн, қофия, радиф каби поэтик унсурларни ўринли қўллашдаги маҳоратининг очиқ берилишида кўринади.

Шунингдек, Авазнинг мавжуд девонларидаги мисралар ҳажмига муайян аниқлик киритилиб, кейинроқ топилган шеърларини

қийёсий – матний таҳлил этилиши ҳам тадқиқотимиз илмий янгилигига дахлдордир.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва таҳлил услуби.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини шакллантириш ҳамда адабий – маданий меросдан фойдаланиш ҳақидаги асарлари ишнинг методологик асосини ташкил этади. Тадқиқотнинг таҳлил услуби асосини ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг ижодий меросини ўрганиш бўйича тўпланган тажрибалар ташкил қилади. Жумладан, XX аср ўзбек адабиётшунослигининг йирик вакиллари Фитрат, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султон, А.Қаюмов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Ҳ.Болтабоев, И.Ҳаққуловнинг қатор илмий ишларидаги хулосаларга таяндик. Ишнинг таҳлил услубини белгилашда тарихий – қийёсий метод асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти Аваз поэтик маҳоратига алоқадор масалаларнинг миллий ғоя ва янги илмий қараш асосида тадқиқ этилгани билан белгиланади. Ушбу тадқиқот кўламдор лирик мерос соҳиби Аваз ижодининг замини, мазмун моҳияти, бадиияти ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилди, шоир ижодий салоҳиятининг айрим янги қирраларидан хабардор бўлиш имконияти туғилди. Аваз шеъриятидаги турли жанрларнинг қийёсий таҳлили орқали бадиий ижоддаги муштараклик, ворислик ва ўзига хослик тушунчаларига оид мулоҳазалар келажакда бошқа шоирлар ижодига доир тадқиқотлар учун ҳам муайян аҳамият касб этади. Шунингдек, тадқиқот материалларидан XX аср бошидаги ўзбек адабиёти тарихини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари учун ХХ аср ўзбек адабиёти тарихидан дарслик, қўлланма ва маъруза матнлари тайёрлашда, ихтисослик фанларидан машғулотлар ўтказишда, манбашунослик бўйича амалга ошириладиган тадқиқот ишларида ёрдам беради. Ундан филология факультетларида "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи", "Миллий уйғониш даври адабиёти тарихи", академик лицейлар, касб – ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида "Ўзбек адабиёти тарихи" фанларидан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот манбалари. Диссертация учун Аваз ижодий меросини қамраб олган қуйидаги манбалар танланди:

I. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзма девонлар ва баёзлар:

1. 7102 – рақамли девон, ҳажми 209 varaқ, хаттот Болтаниёз ибн Қурбонниёз кўчирган.

2. 942 – рақамли девон, ҳажми 282 varaқ, хаттот Болтаниёз ибн Қурбонниёз кўчирган.

3. 3451 – рақамли "Девони Аваз" номли девон, ҳажми 160 varaқ, хаттот Муҳаммад Юсуф кўчирган.

4. Авазнинг невараси Ойжон Авазова бисотидаги қўлёзма девон.

5. 1910 йилларда Хивада тузилган баёзлар (№ 1131, 1143, 1157, 1175 ва ш.к.).

II. Авазнинг 1951, 1956 йилларда нашр этилган "Танланган асарлар"и, 1976 йилда чоп қилинган "Девон"и, 1984 йилда босилиб чиққан "Сайланма"си.

III. "Ойна", "Юғурмия" журналлари, "Хоразм хабарлари" ва "Инқилоб қуёши" газеталарида босилган шеърлари.

Тадқиқотнинг илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши. Тадқиқот Урганч давлат университети Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасида тайёрланган. Ҳозирги ўзбек адабиёти ва Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраларининг қўшма йиғилишида ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлимида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Шунингдек, тадқиқот Низомий номидаги ТДПУдаги Илмий семинарда муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг асосий хулоса ва материаллари бўйича қатор йиллардан буён Урганч давлат университети филология факультети талабаларига махсус курс ўқиб келинмоқда. Шунингдек, иш юзасидан турли даражадаги илмий – назарий конференция ва семинарларда маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни турли нашрларда тадқиқотчи томонидан чоп этирилган 11 мақолада ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, етти фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 147 бет.

I боб. АДАБИЙ АНЪАНА ВА ИЖОД ТАКОМИЛИ

1.1. Аваз шеъриятининг кўлами ва жанр таркиби

Аваз Ўтар ўғли (1884–1919) XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг Хоразмдаги йирик намояндаларидан биридир. У атиги 35 йил умр кўрса—да, ўзининг ноёб истеъдоди ва салоҳияти билан адабиётимиз тарихида атоқли ва ардоқли шоирлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. 14–15 ёшларида ижод оламига кириб келган Аваз Шарқ мумтоз адабиёти ва халқ ижодиёти анъаналаридан илҳом ва рағбат олиб, ижоднинг тадрижий такомил йўлини босиб ўтди, ўлмас шеърият яратди ва 18 ёшида халқ ўртасида шоир сифатида танилди, 25 ёшида эса иккита девон тартиб беришга улгурди.

Аваз ижтимоий—маънавий ҳаётда тарихий бурилишлар ва сифат ўзгаришлари бошланаётган даврда яшаб ижод этди. Халқ онгида ўзини ўзи англаш, миллий уйғониш туйғусининг кучайиши ва бу жараёнда ижоднинг ижтимоий—эстетик аҳамиятининг ошиши ҳамда турли шакл ва усулларда намоён бўлиши янада кучайди. Зеро, Аваз ижодида, бир томондан, анъанавий мавзу ва жанрлар кенг тараққий этган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг мазмун—моҳияти янги давр қарашлари билан янада бойиди, шаклий ранг—баранглик касб этиб, поэтик имкониятлари кенгайди. Бу хусусиятлардан биринчиси, Авазнинг 1910 йилгача бўлган ижоди учун, иккинчиси эса, кейинги ўн йиллик даври учун устувордир.

Аваз адабий мероси атиги йигирма йиллик ижод маҳсули бўлса ҳам, у салмоқ ва мазмун жиҳатдан нодир қадриятдир. Аввало, бу шеърият ўзининг сермаҳсуллиги ва жанрий ранг—баранглиги билан ажралиб туради. А.Ҳайитметов буни алоҳида таъкидлаб ёзади: "Аваз Ўтар ўғлининг шеърий мероси Алишер Навоийнинг лирик

мероси ҳажмига яқин бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида Навоидан кейин лирика соҳасида бунчалик сермахсул иждокор кам"¹. Назаримизда, бу мероснинг умумий ҳажмини белгилашда турлича қарашлар давом этмоқда. Бунда асосан икки хил ёндашувни кўриш мумкин:

1) Авазнинг мавжуд икки девонидаги (тўрт қўлёзма ҳолида) мисралар сонига асосланиш;

2) девонлар тузилган 1909 йилдан сўнг вақтли матбуотда босилган ва адабиёт ихлосмандлари бисотида сақланган асарларнинг мисралари миқдорига таяниш.

Аваз ижодининг тадқиқотчиси В.Мўминова "шоирнинг оригинал девони иккита бўлиб, улардаги мисраларнинг умумий миқдори 40300га яқин" деб белгилайди². А.Ҳайитметовнинг тахминича эса девонларга рақамланмай кейинчалик қўшиб ёзилган ғазаллар 500 дан ортиқдир. Демак, ғазалларнинг умумий миқдори қатор тадқиқотларда қайд этилганидек, 1700 (1800) эмас, балки 2200га яқиндир. Бундай фикрни Аваз ижодининг тўпловчиси ва тадқиқотчиларидан бири Айёмий ҳам шеърларнинг умумий миқдорига нисбатан билдирган эди. У "илмий муассасаларнинг фондларида ва бизнинг қўлимизда сақланаётган шоир асарлари кўздан кечирилганда шу маълум бўлдики, у 1910 йилгача қарийб эллик минг мисрача шеър ёзган" деб таъкидлайди³. Муаллиф бу ўринда Аваз ижодининг мухлисларидаги қўлёзмалар ва хотиралар асосида кейинчалик маълум бўлган шеърларни назарда тутган бўлиши мумкин.

¹ Ҳайитметов А. Кўрсатилган асар. — Б.42.

² Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Кўрсатилган асар... — Б. 191.

³ Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. — Б. 160.

Аваз, асосан, лирик шоир бўлгани сабабли унинг ўзбек шеъриятидаги ўрнининг бир жиҳати жанрлар ривожига қўшган ҳиссаси ва уларни мазмун ҳамда шакл жиҳатдан бойитиш, такомиллаштириш йўлидаги хизматлари билан белгиланади. Бу жиҳатдан Аваз Навоийнинг муносиб издоши бўлиб, у ўн иккита жанрда ижод этди (Навоийда бу рақам ўн етти эканини эслайлик).

Хусусан, ўзбек адабиёти тарихида (Табибийдан кейин) энг кўп мухаммас ёзган шоир ҳам Аваздир (1910 йилдан сўнг ёзилган мухаммаслари номаълум бўлиб қолмоқда). Шунингдек, Аваз Навоийдан кейин энг кўп қитъа ёзган шоирлардан бири бўлиб, бу жанрни янада тараққий эттириб, юқори поғонага кўтаргани, умуман, XX аср бошидаги ўзбек шеърияти тараққиётини Авазсиз тасаввур этиш қийин экани шоир ижоди аҳамиятининг холис эътирофидир¹.

Кейинги даврда ушбу тадқиқотни яратиш жараёнида Аваз қўлёзма девонларини ва бирламчи тарихий манбалардаги маълумотлар қайта кўздан кечирилиб, шоир асарлари ҳажми ва жанрлар таснифига оид баъзи жиҳатлар аниқланди. Жумладан, айрим асарлари сонини белгилашдаги ҳар хиллик, айрим шеърлар ёки уларнинг бандларини нашрдан тушириб қолдириш ёхуд қисқартиш ҳоллари кузатилди. Юқоридагилар инобатга олиниб, қўлёзма девонлардаги асарларни миқдор ва жанр жиҳатидан тасниф қилишга, уларнинг жорий нашрларга нисбатини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Бу ҳолат қуйидаги жадвалда кўринади:

№	Шеърлар	ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди.		Жами	Жорий нашр. Сайланма
		Инв. № 7102	Инв. № 942		

¹ Ҳайитметов А. Кўрсатилган асар. – Б.46.

1	Ғазал	Саҳ.ўрт. 959 Саҳ.ҳош. 360	Рақамланган 376 Рақамланмаган 477	2172	418
2	Мустазод	1	3	4	4
3	Мухаммас	Саҳ.ўрт. 31 Саҳ.ҳош. 18	Саҳ. ўрт. 146 Саҳ. ҳош. 20	215	39
4	Мураббаъ	—	10	10	9
5	Мусаддас	Саҳ.ўрт. 2 Саҳ.ҳош. 3	10	15	2
6	Мусамман	—	6	6	4
7	Мусаббаъ	1	—	1	—
8	Таржеъбанд	—	6	6	6
9	Соқийнома	—	5	5	2
10	Рубоий	—	92	92	73
11	Қасида	Саҳ. ўрт. 1 Саҳ. ҳош. 2	3	6	—
12	Қитъа	—	28	28	28
	Жами:	1378	1182	2560	585

Эслатма: Инв. №942 рақамли девонда саҳифа ўртасида рақамланган мухаммаслар 147 та бўлиб, 92 – рақам қолиб кетган, шунга кўра, 146 мухаммас деб қабул қилдик. Шунингдек, мазкур девонда рақамланмаган ғазалларнинг баъзилари саҳифа ўртасида (296), баъзилари саҳифа ҳошиясида (181) жойлашган.

Девонларда мавжуд бўлиб, чоп этилмаган ва кенг китобхонларга маълум бўлмаган асарлардан айрим намуналарни илк марта илмий таҳлилга тортдик.

Кўринадики, Аваз ижодий меросида асосий мумтоз лирик шакллар қамраб олинган бўлиб, “қадимий тарихга эга бўлган

адабиётимизнинг ғазал, мухаммас, рубоий, мураббаъ, қитъа жанрлари яна бир карра ўзининг яшовчанлигини кўрсатди"¹. Бу яшовчанлик, аввало, ўша жанрлар намуналаридаги юксак ғоя, ҳаётий мазмун ва гўзал бадиий шаклнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда шоир маҳоратида намоён бўлади. Хусусан, "шоири тоза вале тозалуғ ичра овоза Аваз" (Табибий) яратган қасидадаги олқиш, рубоийдаги донишмандлик, мухаммасдаги дилхушлик, қитъадаги ўктам мулоҳаза ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шоир ғазаллари, айниқса, кўламдор ва мавзу доираси ранг – баранг бўлиб, поэтик маҳоратининг кўзгусидир. Зеро, Аваз ижоди ғазалдан бошланиб, ғазалда ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Бу тасодифий эмас, албатта. У мазмундор ғазаллар сонини мингдан ошириш мақсадини ифодалаб:

Аваз, жаҳд этки, сан назм аҳли ичра,
Зиёд этмакка назминг минг ғазалдин², —

деган эди. Шоир минг эмас, икки мингдан ортиқ ғазаллар битдики, улар мумтоз шеърятимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Авазнинг ўзбек мумтоз шеърятдаги ўрнини белгилашда, табиийки, шоир яшаган тарихий шароит, етакчи адабий анъаналар ва шахсий ижодий иқтидор каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Зеро, Аваз бадиий ижод майдонига кириб келганида ўзбек шеърятда анъанавий лирика, мавзу, ғоя, образ, услуб ва тасвир воситалари етакчи ўринда бўлиб, ҳар бир ижодкор уларга муайян муносабатда бўлар, айримлари анъана доирасида қолиб кетса, баъзилари уларни ижодий ўзлаштириб, ўз поэтик улушлари билан бойитар эди. Аваз кейинги гуруҳга мансуб бўлиб, бадиий ижодда анъанавийлик доирасида новаторликка эришган шоирдир. Бинобарин, чинакам халқчиллик, анъаналарга ижодий муносабат, шеърятнинг мавзу

¹ Ҳайитметов А. Кўрсатилган асар. — Б.47.

² Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. — Б. 147.

доирасини кенгайтириш, бадий камолот Авазнинг адабиётимиздаги ўрнини белгиловчи мезонлардир. Тўғри, бу жараён осон кечмади. Кўплаб бошқа шоирлар қатори, унинг ижод йўли ҳам шаклланиш, такомил ва камолот босқичларини босиб ўтди. Жумладан, у ижодининг илк даврида мавжуд анъаналарга шунчаки эргашиб, тор мавзуларда эротик, бадий бўш, жўн мисралар ёзди, аммо у маддоҳ шоир эмас эди. Лекин у шу доирада қолиб кетмади, изланишда давом этди. Шеърини ижодни ўз ҳаёт мазмунига айлантирган Аваз нақадар сермахсул қалам тебратгани ҳақида ўз ғазалларида алоҳида таъкидлайди:

Дединг етти ғазал бир соат ичра,
Аваз, назм ичра устодингга таслим¹.

Ёки:

Биҳамдилаҳ, Аваз дилкаш ғазалдан ҳафтада бўлди,
Икки юз эликни айтурга таъбимни тақозоси².

Бу албатта, адабиёт тарихида ниҳоятда кам содир бўладиган ҳодисадир. Аваз ижод машаққатларини англаш йўлидаги ана шундай беқиёс заҳматкашлиги, фидоийлиги билан замондош ижодкорлардан фарқ қилар эди. У ўзига хитоб қилиб: "Эй Аваз, оламда мақсуд истасанг, лаҳзае хоби фароғат айлама" дер экан, унинг эзгу истаги халқига кўп ва яхши асарлар ёзиб қолдириш эканлигини таъкидлайди.

Гарчи "Шарқ шеърини — анъанавий шеърини бўлиб, унинг дахлсиз анъанавий шарт, қоиди, талаб ва хусусиятлари аён бўлса ҳам анъана истеъдодни тарбиялайди, дид, савия, имкониятларнинг очилиши ва кенгайишига беҳад таъсир кўрсатади"³. Анъананинг бундай таъсири Аваз ижодида ёрқин акс этди. Бу ҳол, аввало,

¹ Аваз. Сайланма. Адабиёт ва санъат, — Тошкент: 1984. — Б. 124.

² Аваз. Сайланма. — Б. 96.

Авазнинг ижтимоий воқеликка, инсон тақдирига теран муносабатининг фаоллашиб боришида ва ижод масъулиятини чуқурроқ ҳис қилишида кўринади. Жумладан, шоирнинг илк девонидаги шеърлар мазмунини, асосан, анъанавий ишқ мавзуси ташкил этган бўлса, иккинчи девондаги асарлар ижтимоий – фалсафий, ҳажвий ва дидактик мазмун билан ҳам бойиди. Шунингдек, кейинги девондаги шеърларнинг жанр ранг – баранглигини анъананинг “истеъдодни тарбиялаш” натижаси сифатида изоҳлаш мумкин.

Аваз – миллий уйғониш даврининг шоири. Бу уйғониш, аввало, халқ онгида, унинг ҳаётга муносабатида, руҳиятида бошланди ва бадий ижодда ҳам акс этди, турмуш ҳодисаларига, инсон қисматига янгича қарашлар пайдо бўла бошлади. Бу жараённи теран англаган Аваз ўз ижодида мумтоз анъаналарга суянган ҳолда уларни ўзгараётган даврга монанд қарашлар билан бойитди. У Навоий, Мунис, Огаҳий ижодий тажрибалари билан бир қаторда, XX аср бошида кенг ёйилган маърифатпарвар – демократик адабий анъаналарга ҳам таянди. Муқимий, Завқий қарашларига ҳамоҳанг асарлар яратди. Омmani уйғотишга даъват этувчи бундай оҳанглар, бир томондан, илм – маърифатни эгаллашга даъват шаклида, иккинчи томондан, 1910 йиллардан бошлаб эса зулм ва хўрликка қарши эрк ва озодлик учун курашга чақириш сифатида воқе бўлди. Бу икки йўналиш ҳам Аваз ижодида баралла акс этди.

Авазнинг мумтоз шеърятимиз ривожига қўшган ҳиссасини лирик жанрлар ранг – баранглигида ҳам кўриш мумкин. Табиийки, мумтоз поэзиямизнинг барча босқичларида ғазал ҳамма шоирлар учун етакчи жанр саналиб, бошқа кичик жанрларга камроқ мурожаат

³ Ҳаққулов И. Авазнинг шеърый маҳорати ҳақида // Аваз ва унинг адабий муҳити. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 165.

этилган. Аваз эса Огаҳийдан кейин кўплаб лирик жанрларда қалам тебратган ва уларнинг нодир намуналарини яратган шоирдир. Хусусан, шоир шеъриятининг кўламдорлиги ва жанрлар хилма – хиллигида **мусаммат** шакллари салмоқли ўрин тутади. Булар қофияланишда ғазал тизимини сақлаган ҳолда муайян мисраларни жамловчи бандлардан ташкил топган **мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамманлардир**. Улар тегишли жанрнинг чинакам намунаси бўлиб, ҳар бирига шоирнинг ижодий улуши, ўзига хос муайян ғоявий – бадий топилмаси пайвандланган. Булар орасида айниқса, ғазалдан кейинги ҳажман катта жанр мухаммасда Авазнинг новаторлик маҳорати ёрқин акс этган. Шунинг назарда тутиб, мухаммасга оид кузатишларимизни алоҳида фаслда ёритишни маъқул кўрдик. Авазнинг мусаммат такомилга қўшган ҳиссаси **мураббаъ** жанрида яққол кўринади. Унинг иккинчи девонида ўнта мураббаъ мавжуд.

Маълумки, мураббаънинг биринчи намуналари ғазалиётда Фузулий ижодида учрайди. Ўзбек шеъриятида эса илк мураббаъларни Огаҳий яратган, Муқимий ва Аваз эса бу анъанани давом эттирган. Баъзи ишларда мураббаънинг ХХ асрда икки йўл билан – халқ оғзаки ижоди таъсири орқали ва Фузулий ижоди таъсирида ривожлангани қайд қилинади. Назаримизда, мураббаънинг фольклорда яратилиши бироз илгари даврларга мансублиги мантиққа яқиндир. Чунки халқ қўшиқлари билан кўп жиҳатдан муштарак бўлган бу жанр намуналари XVII – XVIII асрларда Хоразмда кенг тарқалган "Ошиқ" дostonлари таркибида ҳам учрайди. Табиийки, Авазнинг оғзаки ижоддаги бу анъанага бефарқ бўлиши мумкин эмасди.

Аваз мураббаъ ёзишда алоҳида маҳорат кўрсатган. Унинг мураббаълари ҳам, асосан, ишқий мавзуда:

Мани кўрмакка хуш келдинг, аё маҳбуби жононим,
 Вафодору муҳаббатлиғ, лаби ширин суҳандоним,
 Нетонг, қурбонинг ўлса нақди имоним, дилу жоним,
 Тараҳҳум айладинг, эй хўблиғ Мисрида султоним¹.

Аваз мураббаъларида ҳаётни улуғлаш, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, ёр гўзаллигини мадҳ этиш ҳислари ибора ва ташбеҳлар асосида чиройли ифодаланган. Мураббаъларда биринчи банднинг сўнгги мисраси ҳар банд охирида такрорланиб келади ва асар яхлитлигини таъминлайди. "Ошом этарга ман била жонбахш саҳбо келмади", "Топмайин мақсудини кўнглида армон ўлмасун" мисралари билан ниҳоя топувчи мураббаъларда дилдорнинг бевафолиги, унинг ғайри сори эҳсон айлаши, натижада ошиқнинг ҳижронда, кўнгли маҳзун бўлиб, армонда қолиши, руҳиятини тушкунлик забт этиб, изтироб чекиши ифодаланса, "Баҳор айёми сайри боғ этарга, эй суманбар кел", "Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга" мураббаълари кўтаринки руҳ билан ниҳоя топади:

Қул десам, тонг йўқ, ҳамоно Юсуфи Канъон санга
 Ким, бу ёнглиғ ҳусни бахш айлади Субҳон санга,
 Садқа бўлсун, эй гўзал, юз ҳуру минг филмон санга,
 Кўрган айлар орзу қилмоқ ўзин қурбон санга ².

Аваз поэтик маҳорати **мусамман** жанрида ҳам намоён бўлади. Мусамматнинг бу шакли ўзбек мумтоз шоирлари ижодида кам учраса ҳам, уларда ижодкор бадий салоҳиятининг муайян қирраси акс этади. Анъанавий саккиз мисрадан ташкил топадиган ушбу

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 238.

² Аваз. Сайланма. — Б. 234.

жанрда Аваз ўз фикрларини янада кенгроқ ифодалашга, унинг банд, қофия, такрор каби шаклий унсурларидан моҳирлик билан фойдаланишга ижодий ёндашган.

Аваз мусамманларидан баъзиларининг қофияланиши а—а—а—а—а—а—а—а, б—б—б—б—б—б—а—а тарзида бўлиб, ҳар банднинг охирида такрорланиб келган байт шеърнинг асосий мазмунини таъкидлашга хизмат қилади. "Эй рафиқ" радифли мусамманда эса такрор қўлланувчи байт йўқ. Шунинг учун ҳам мусамман бандларидаги кейинги иккиликлар ғазал қофияланишига эга бўлади. Унинг:

Сабрим Аваздек йўқ бўлиб ҳижронда кам-кам қолмади,
Вуслатни айлаб орзу ман зори бемор, эй рафиқ¹

байти билан ниҳоя топиши, яъни мақтаъда шоирнинг ўз тахаллуси келтирилиши мусамманнинг мустақил яратилганлигидан далолат беради.

Аваз мусамманлари ҳам унинг бошқа лирик жанрлардаги асарлари сингари ошиқона мавзуда бўлиб, уларда лирик қаҳрамон — ошиқнинг руҳий кечинмаларига кенг ўрин ажратилади:

Ҳар одамнинг талаб йўлида гар ихлоси комилдур,
Гумонсиз жумлаи мақсуд бирла коми ҳосилдур,
Анинг шаънида гўё ояти тасдиқ нозилдур,
Румузи ишқким, роҳи ҳақиқат сори шомилдур,
Ки улви манзилатлар зумраи ушшоқа дохилдур,
Биҳамдилаҳ, бу сирдин булҳаваслар хайли ғофилдур,
Мурод шоҳидининг васлиға сидқ аҳли восилдур,
Садоқат файзини билган киши донову оқилдур².

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 286.

² Аваз. Сайланма. — Б. 288.

Фикримизча, 5 банд (40 мисра)дан иборат бу мусамманда ошиқона мазмундан кўра орифона кайфият устунлик қилади. Мусамманнинг сўнгги икки банди ижтимоий мазмун касб этади. Шоир энди панд – насиҳат йўлига ўтади:

Эрур бир феълким, тасдиқ ани интибоҳ этгил,
 Ани билмакни жаҳдин доимо беиштибоҳ этгил,
 Балойи ногаҳондур кизбким, андин паноҳ этгил,
 Ўлар ҳолатда ҳам деб рост сўз, ҳолинг табоҳ этгил,
 Демасманким, дебон ёлғонни номингни сиёҳ этгил,
 Нажоте ҳар балодин истасанг, сидқинг гувоҳ этгил.

"Шоири интибоҳ" Аваз интибоҳликни, яъни бедорликни, уйғоқликни ҳар бир инсон ўзи учун одат қилиб олишини истайди. У ёлғонни "кутилмаган бало" атаб, одамларни ундан эҳтиёт бўлишга, ўлар ҳолатда ҳам рост сўзни айтишга чақиради. У ҳамма балонинг нажоти садоқатда, вафода деб билади.

Маълумки, мумтоз шеърятимизда қофия ва радиф бадииятнинг асосий унсурларидан саналиб келган. Ижодкорнинг салоҳияти эса қофия ва радиф учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жозибадорлиги билан ҳам белгиланган. Мусамманда ҳам қофия ва радиф мисрани шакллантирувчи, яъни ундаги руҳбобликни вужудга келтирувчи асосий воситалардир.

Аваз ушбу шеърда қофиядош сўзлардан моҳирлик билан фойдаланган. Қофия кўпинча радиф билан биргаликда қўланади. Мазкур шеърнинг биринчи бандида радиф йўқ. Иккинчи бандда "эй ошиқи содиқ" ундалмаси радифни вужудга келтирган ва ифодаланаётган фикрни таъкидлашга хизмат қилган. Охирги байтда радиф жуфт сўздан танланган: "оҳиста – оҳиста" сўзи радиф вазифасида келиб, шеърга ўзгача сокинлик бахш этган. Бошқа

бандларда оддий, бир сўздан иборат радифлар иштирок этиб, шоирнинг гоёвий – бадий ниятини ўқувчи онгига етказишга хизмат қилган.

Аваз девонидаги шеър турларидан яна бири – **соқийнома**. Хоразм адабий муҳиtida XX асргача соқийнома жанри учрамайди. Маълумки, бу жанр Навоийгача бўлган ўзбек адабиёти тарихида мустақил жанр сифатида тараққий этмаган, фақат лиро – эпик асарлар таркибида соқийга мурожаат тарзидаги парчалар шаклида мавжуд бўлган. Бу ҳол хоразмлик шоирларнинг дostonлари учун ҳам характерлидир. Лекин Авазнинг хизмати шундаки, у соқийнома жанрининг Хоразм адабий муҳиtidaги энг мукамал 5 та намунасини яратди.

Бадий адабиётда май ғам – ғуссани тарқатиш ва кайфиятни кўтариш воситаси сифатида қўлланилади. Шоир “кел бу дам, эй соқий”, “соқий, кетур ул майи ширин”, “соқий, кетур ушбу дамда қадаҳ”, “кетур, соқий, ҳамул гулранг соғар” каби мурожаатлари орқали соқийдан май сўрайди. Май ичиб, дардига таскин топмоқчи бўлган қаҳрамон ҳаётдан завқланиш, дил нохушлигига малҳам топишда соқийга мурожаат этади:

Аваздек бўлмишам ошуфта аҳвол,
 Чекиб беҳадду сон ҳасрат маҳу сол.
 Кетур, соқий, ҳамул мийнои рангин,
 Берур эрди ғаму дардимға таскин¹.

Авазнинг “Кетур, соқий”, “Соқий” каби соқийномаларида лирик қаҳрамон – “мен” орқали ички кечинмаларини таъсирли ва маснавий шаклда ифодалаш, шахсий туйғулар талқинида муҳим

¹ Аваз. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 365.

фалсафий— ахлоқий мотивларни ҳам акс эттириш каби жанрга хос асосий хусусиятлар тўла мужассамлашган.

Бундан ташқари, Авазнинг поэтик меросида муҳим аҳамият касб этувчи ва сон жиҳатдан нисбатан салмоқли бўлган **рубойи, мусаддас, қитъа ва қасида** каби жанрлар ҳам шоир ижодий салоҳияти ва маҳорат қирраларини аниқлашда ишончли манба сифатида алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Шу ўринда Аваз ижоди билан боғлиқ бир баҳсталаб масалага тўхталиб ўтишни лозим топдик. Авазнинг 942— рақамли қўлёзма девонида 28 та қитъаси жамланган. Бироқ, шоирнинг 1976 йилда чоп этилган "Девон"и ва 1984 йилда нашр этилган "Сайланма"сида 30 та қитъа берилади. Биз қўлёзма ва босма нашрларни солиштириш натижасида шуни аниқладикки, босма нашрлардаги 4,5— рақамлари остида берилган тўрт қатордан иборат шеърлар аслида битта қитъа бўлиб, қўлёзманинг 279^a бетида 1— рақам билан кўрсатилади. Нашрлардаги 1,2,3— рақамлари остида берилган "Сипоҳи пора истар", "Билинг, ушбу замон ғамнокидурман", "Эшон дегани либоси малла" деб бошланувчи шеърлар Аваз асарлари қўлёзма девонларининг ҳеч бирида учрамайди. Аваз ижодига мансублиги исботланмаган бу каби шеърлар нотўғри тадқиқ натижасида Авазга нисбат берилган. Қўлёзмадаги жорий нашрга киритилмаган қитъалардан бирини келтириб ўтсак:

Эйки, давлат топмоқ бўлса мақсудинг олам аро,
 Сидқу ихлосинг била беш ишни қилғил борҳо.
 Бири шукри неъмат айт, рози насибангға бўлуб,
 Бири доим шоҳи одил ҳақиға этгил дуо.
 Бири қилмоқ хизмати устодни жон боринча,
 Бири сандин рози ўлсунлар ато бирла ано.
 Бири сабр ўлса ҳамиша одатинг оламдаким,

Мужиби давлат эрур ул бешиси, бил доимо (6 – қитъа).

Аваз ижоди мумтоз шеърятимиз мазмунини инсон эркини улугловчи руҳ билан бойитди, ижтимоий сатиранинг таъсир кучини янада оширди. Унинг 1910 йилдан сўнгги даврга оид ижодининг моҳиятини озодликни қўмсаш мотивлари ташкил этади. "Халқ", "Ҳуррият", "Уламоларга хитоб" каби шеърлари поэзиямизда янги сўз, чинакам назмий жасорат бўлди. Бунинг исботини академик Ойбекнинг қуйидаги сўзларида кўрамиз: "илмларнинг аҳамиятини англашда халқни оқартириш ва ҳаётни аста – секин янгилаш кераклигини тушунтиришда илгари силжиган Аваз Ўтар эпикурик кайфиятли шоир, эскиликнинг ўткир танқидчиси, илм ва маорифнинг оташин агитатори"¹.

Умуман, Аваз ижоди мумтоз шеърятимизни XX асрнинг бошларида бойитган ноёб дурдоналардан бири, Аваз эса "ўтмишнинггина шоиримас, бугун, келажакнинг ҳам шоири. Аваз маҳоратининг ўлмас қудрати ҳам шунда"².

1.2. Аваз ғазалиётида мавзу ва лирик қаҳрамон талқини

Шарқ шеърятида ғазал кенг тарқалган лирик жанр бўлиб, мумтоз шоирлар ижодида асосий ўрин тутаяди. Ўзбек мумтоз шеърятининг ҳам бутун тараққиёти давомида, аниқроғи, XX асрнинг иккинчи чорагигача ғазал етакчи мавқега эга бўлди. Бундан Аваз ижоди ҳам мустасно эмас. Шоир ижодий меросида ғазалнинг устувор бўлиши табиий ҳол эди. Чунки Аваз ижод майдонига кириб келган пайтда шеърый иқтидорни ғазалчиликда синаб кўриш анъанаси кучли эди. Иккинчидан, Хоразм адабий муҳитида Аваз яшаган даврда эпик

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 13– жилд. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 288.

² Ҳаққулов И. Авазнинг шеърый маҳорати ҳақида // Аваз ва унинг адабий муҳити. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 173.

шеърятга нисбатан лирика, хусусан, ғазалнавислик кенг ёйилган бўлиб, бу ҳол муסיқа санъатининг ривожини билан ҳам боғлиқ эди.

Аваз ижоди ғазалчилик тармоғида муайян ўзгаришлар рўй бераётган даврда бошланди. Бир томондан, асрий анъаналарга ва нисбатан турғун хусусиятларга эга бўлган ишқий лирик ғазалчилик ўз мавқеини сақлаб қолаётган бўлса, иккинчи томондан, жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий – маърифий янгиланишга, эркинликка интилиш кайфияти ғазалчиликни демократик, эркесварлик ва ҳуррият мотивлари билан бойитди, шаклан тармоқлаштирди. Бошқача айтганда, ғазалчилик анъаналари маърифатпарварлик даврига келиб, янги йўналишга эга бўлди, янги мақсадларни ифодалай бошлади. Зеро, профессор Н.Маллаев таъкидлаганидек, бу даврда "ғазалнинг халқчилиги, ижтимоий – сиёсий қиммати янада ўсди, у ижтимоий адолатсизликка қарши халқ курашининг, янги маърифатнинг овозини куйлади ҳамда тили ва бадиий услуби билан кенг халқ табақаларига яқинлашди"¹.

Аваз таланти ва ҳозиржавоб сўз санъаткори сифатида ана шу адабий жараённинг икки қиррасида – анъанавий ва янгиланаётган замонавий ғазалнависликда ҳам фаол иштирок этди ва ранг – баранг ҳамда гўзал ғазаллар яратди. Табиийки, бу икки йўналиш ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Булар, бизнингча, қуйидагилар:

1) Аваз ижодида анъанавий ғазалчилик намуналари миқдор ва ҳажм жиҳатдан нисбатан кўламдордир;

2) анъанавий ғазаллардаги ошиқ – бош лирик қаҳрамон ўрнига янги ғазалиётда маърифатли ва эркпарвар инсон тимсоли олдинги планга чиқа бошлади;

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожини Навоийнинг роли ҳақида // Навоийга армуғон. – Тошкент: 1968. – Б. 146 – 147.

3) анъанавий ғазалиётдаги ишқ талқинида романтик – руҳий тасвир устувор бўлса, янги ғазалиётда реалистик – ҳаётий тасвир етакчилик қилади.

Бинобарин, Аваз ғазалларига хос ижодий методлар хусусида бир манбада қуйидаги жумлалар келтирилган: “Аваз реализми ростгўй эди. “Фидойи халқим”, “Халқ”, “Зевар ҳам, Саодат ҳам” ғазалари сиёсий лириканинг яхши намуналари сифатида, уларда ҳукмдорларнинг бузуқ, бераҳм, адолатсизлиги, халқнинг бору будини шилиб олиши фош этилиб, эркпарварлик, инсонпарварлик ва байналмилаллик ғоялари тарғиб этилди. Авазнинг ҳамма халқларни иттифоқ бўлишга, ҳурриятга чақириши (“Ҳуррият”) катта янгилик эди”¹.

Аваз ғазалиёти ушбу жанрга хос барча асосий хусусиятларни тўла акс эттирувчи ғазалиёт бўлиб, унинг шаклий таркиби, ғоя ва мавзу доираси ҳамда поэтикаси мукамаллик намунасидир. Унда анъанавий ғазалиётнинг якпора ва пароканда (воқеабанд) шакллари кенг қўлланилган бўлиб, ишқий лирикага хос кўламдор мазмун – моҳиятни образли ва таъсирчан ифодалай олган. Зеро, якпора ғазаллар шоир ижодининг биринчи ва иккинчи (1900–1909 йиллар) босқичлари учун кўпроқ характерли бўлса, воқеабанд ғазаллар кейинги (1910–1919 йиллар) босқич учун устуворлик қилди. Инсон қалбининг мураккаб кечинмалари, руҳий олами, эзгуликка интилишларини, умуман, ишқ фалсафасини тараннум этган якпора ғазаллар шоирнинг ҳаёт ҳақидаги теран қарашларининг бадий ифодаси бўлса, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги айрим ҳодисалар, конкрет воқеа ва фактлар ҳамда социал табақалар ҳақида баҳс этувчи

¹ Адабий турлар ва жанрлар. 2 – жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 195.

пароканда ғазалларда қисман эпик шеърятта хос сюжет унсурлари лирик кайфият билан моҳирона уйғунлашади.

Аваз ғазалиётини мавзу жиҳатдан шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) ишқий; 2) ҳажвий; 3) ижтимоий – маърифий ғазаллар. Айрим тадқиқотларда учинчи тип ғазалларнинг пейзаж, фалсафий – орифона, публицистик, ахлоқий – таълимий каби шакллари ҳам қайд этилиб, уларга Авазнинг “совуқ”, “Саодат ҳам”, “миллат”, “халқ”, “этдингиз”, “мактаб” радибли ғазаллари киритилган ¹.

Бундан ташқари, шоир ижодида анъанавий тарзда ҳамд ва наът ғазаллар ҳам мавжуд. Жумладан, 7102 – рақамли девондаги 1,15,16 – ғазаллар, 942 – рақамли девондаги 3,4,7 – ғазаллар ҳамд, 1,5,6 – ғазаллар эса наът ғазалларнинг намуналаридир. Аваз ижодидаги ҳамд ғазаллар ичида тавҳид ҳамдлар ва муножот ҳамдлар учрайди:

Зиҳи сунъингдин ўлмишдур бори арзи само пайдо,

Демай арзи само, ҳар дамда кулли мосуво пайдо ²

матлаъли ғазалида Оллоҳнинг сифатлари: Унинг якка – ягоналиги, икки оламнинг яратувчиси эканлиги, ҳамма нарсага қодир эканлиги таърифланади ва шоир:

Тараҳхум қилмасанг ё Раб, Авазни ҳолиға бу дам,

Гуноҳи дардиға бўлмоқ не мумкиндир даво пайдо, –

дея Оллоҳга илтижолар қилади, гуноҳларини мағфират қилишини сўрайди.

Шоир наътларида пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васаллам одамзоднинг сарвари – энг буюк зот сифатида таъриф этилади:

Ҳақ деди: эй шоҳи русул, васфингда “лав лака ламаа”,

¹ Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 29 – 30.

² Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №7102. – В. 15^а.

Уммат мисоли бор десам жумла каби тонг йўқ санго ¹.

Бу — “ҳадиси қудсий”даги “лав лака лама халақтул—афлок” Оллоҳ томонидан пайғамбаримизга айтилган “Агар сен бўлмасанг фалакларни яратмас эдим” ҳадисидир. Ҳазалда пайғамбаримиз Тангри таолонинг ҳабиби, бошқа жамики анбиёларнинг шоҳи сифатида эътироф этилади. Шоир лирик қаҳрамони пайғамбаримизга мурожаат қиларкан, Ундан шафоат кўрсатишини, яъни билиб—билмай қилган гуноҳларидан кечишида Оллоҳ билан ўзи ўртасида воситачи бўлишини, маҳзун дилини шод айлашини тилайди. Шоир ижодида меърожнома наътлар ҳам учрайди:

Меърож шоми зоти Ҳақ нури бўлиб мазҳар санга,

Бўлди тамоми анбиё ул навъиким чокар санга².

Байтда меърож кечасида пайғамбаримизга Оллоҳ нури зоҳир бўлганлиги, ул зот барча набийлар ичида энг улуғи эканлиги қаламга олинади.

Шунингдек, шоир ҳазалнинг ички шаклий ранг—баранглигидан ҳам кенг фойдаланган: ҳазали мусажжаъ (марказий рукнлари қофиядош бўлган ҳазал), ҳазали қитъа (биринчи байти қофиясиз бўлган ҳазал), ҳазали ҳусни матлаъ (матлаъдан кейинги байтнинг ҳар иккала мисраси матлаъга қофиядош бўлган ҳазал), ҳазали муламмаъ (форс—тожик ва ўзбек сўзлари асосидаги ҳазал), қўшалоқ вазнли, қўшалоқ қофияли ҳазал ва бошқалар.

Аваз ҳазалиёти фақат кўламдорлиги ва мавзу доирасининг хилма—хиллиги билан эмас, балки ғоявий юксаклиги, мазмун—моҳиятининг чуқурлиги ва бадий нафосатнинг ўзига хос таровати

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 1^б.

² Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 6^б.

билан ҳам аҳамиятлидир. Шоир меросининг етакчи жанри ғазалнинг асосини ишқий – лирик мавзу ташкил этади.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ғазал жанри пайдо бўлган пайтидаёқ, асосан, аёлларни мадҳ этиш воситаси вазифасини бажарган. Шоир ижодидаги ишқий ғазалларнинг ўзини ҳам ғоявийлик жиҳатидан гуруҳларга ажратиш ўринли. Чунки уларнинг баъзиларида ҳижрон изтироблари, ошиқнинг руҳий ҳолати ўз ифодасини топса, баъзилари маъшуқанинг мадҳига, таъриф – тавсифига бағишланади, яна баъзиларида ишқда собитқадамлик, садоқат ва вафо тараннум этилса, бошқаларида маҳбуба кирдикорларидан сабр косаси тўлган ошиқнинг ишқдан воз кечишга даъват этувчи нолалари ифодасини топади, яна бошқаларида эса маҳбубанинг ошиқ муҳаббатига хайрихоҳлиги ва бунинг натижасида ошиқда умидворлик туйғуси пайдо бўлиши каби ҳолатлар ифодаланса, бошқаларида маҳбубанинг ағёр сари кетиши ва унга илтифот кўрсатиши, даҳр аҳлидан, чархи дундан шикоят мотивлари билан боғлиқ равишда баён қилинади.


Аваз ижодида маҳбуба мадҳига, таъриф – тавсифига бағишланган ғазаллар салмоқли ўрин тутади. Маҳбубани таърифлашда шоир кўпроқ ташбеҳ санъатига мурожаат қилади: унинг тишини гавҳарга, хатларини райҳони тарга, мужгонларини ўққа, қошларини ёйга, сочларини сунбулга қиёс этади. Унинг кофар кўзлари ошиқни ақлу ҳушидан айиради, ништар каби киприклари эса уни ҳалок қилиш учун қасд қилади. Маҳбуба юзидан ногаҳон ниқобини олганида ошиқ бағри ишқ ўтида ўртаниб кабоб бўлади. Лирик қаҳрамон – ошиқ маҳбубаси чашми уни ўлдиришидан ғам емайди. Чунки лаъли лаби унга қайта жон ато этишига умид боғлайди. Агар маҳбубаси уни ошиқлари ҳисобига қўшиб қўйса, унда

зарра армон қолмайди. Агар бир бора маҳбуба ошиқ кулбасига меҳмон бўлиш учун ташриф буюрса, ошиқ унинг пойи қадамига жонини нисор этишга ҳам тайёр.

Шоир бир ўринда маҳбубанинг ҳусни жамолини ойга, қуёшга, сўзларини қанду шакарга менгзаса, бошқа ўринда унинг юзи шу қадар нурафшонки, ҳаттоки осмонда ой ва қуёш ҳам унинг нурига муҳтож, ундан нур ато этишини тилашади, қанду наввот, шакар эса унинг лабининг асалидан умидвор, дейди. Икки фаттон кўзларидан боғда наргис гўзаллик тиласа, лаъл билан ёқут икки лабидан гадо янглиғ чирой сўрайди. Бир оғиз каломи эса дуру лаълу тенги йўқ гуҳардан ҳам қимматроқдир. Қаддига сарву ар – ару шамшод банда, сочига эса анбару атру мушки тар муҳтож:

Юзинг нурига, эй шўх, хуршиду қамар муҳтож,
 Лабинг шаҳдиға ҳам қанду набот ила шакар муҳтож.
 ...Лабингга лаъл ила ёқут эса икки гадо ёнглиғ,
 Каломингга дуру лаълу беҳамто гуҳар муҳтож¹.

Авазнинг маъшуқа таъриф – тавсифи келтирилган барча шеърлари учун қуйидаги кўриниш муштаракдир:



Қуйидаги ғазалда маҳбубанинг қошлари ажал жаллодининг шамширига, кўзлари эса хунрезликда шаҳри Ҳайбар кофарига,

¹ Аваз. Сайланма. – Б.69.

шабранг зулфи Чин гулзори сунбулига, мавзун қади жаннат боғининг ар – арига, гўзал юзи жаннат гулистонию, руҳпарвар лабининг боли унинг кавсарига менгзалади. Унинг сурати, қиёфаси эса Оллоҳнинг ердаги нури, тажаллиси, мазҳари сифатида эътироф этилади:

Суратинг, эй жон, эрур руҳи мужассам шакл аро,
Талъатинг эрса агар нури тажалли мазҳари¹.

Шу боисдан ҳам унинг сўзидан бадий сўз гавҳари хижолат чекади, юзларидан гўзаллик юлдузи уялади. Аваз ижодида, ошиқ руҳий ҳолати ва маҳбуба таъриф – тавсифини ифодалашда гул, булбул, кабки дарий, сарв, оҳу каби тимсоллар билан бир қаторда, "ниҳол" тимсолига ҳам мурожаат қилинади. Баъзи ўринларда "дилрабонинг қадди ошиқнинг жон ила кўнгил гулистонида кўкарган бир ниҳол" сифатида эътироф этилиб, шу боис ҳам ундан асло воз кечиш мумкин эмаслиги баён қилинса, бошқа ўринда тамсил санъати воситасида собитқадамлик, аҳдига содиқлик улуғланади:

Сан ҳам ҳамиша сидқ ила қил фақр кўйида нишин
Ким, топғуси эйким камол бир ерда турғонда ниҳол².

Байтда таъкидланишича, ишқ аҳлининг қисмати ҳамиша фурқат, рақибларнинг эса насибаси субҳи масо висолдир. Бироқ ўксинишга ҳожат йўқ. Фақат садоқат билан фақр кўйида ошён тутиш лозим. Чунки ниҳол бир жойда турганидагина камол топади. Ўша гўзал парилар авлодидан. Унга анис бўлишнинг иложи йўқ. Сабабки, одамзод пари билан ҳеч қачон дўст бўлмаган. Эй Аваз, бало аскарари оёғи остида поймол бўлмай десанг, ўзингни муҳаббат даштида раҳрав қилма, дейди шоирнинг лирик қаҳрамони.

¹ Аваз. Сайланма. – Б.112.

² Аваз. Сайланма. – Б. 91.

Қуйидаги байтда эса маҳбуба ўзгача кўриниш, ўзгача бир рафтор намоён этади. У ҳусну малоҳатда хўбларнинг шоҳи. Шу боисдан ҳам ошиқларга кўп ҳам эътибор қаратавермайди. Дилрабонинг ҳам бошқа маҳвашлар каби хатту киприку чашми сиёҳ рангида. Балки ўша сиёҳ (қора ранг) ошиқнинг толеини тийра, қалбини забун айлагандир. У ошиқ ҳолидан хабар олмайди. Аксинча, ўзини тағофулга солиб, баҳона ўйлаб, ундан гила қилади. Бошқа жами дилбарлар унинг қошида хизматкор кабидирлар. У эса ўзини подшо каби тутаяди. Жафоу жаврни одат қилиб олган. У шу даражада бераҳмки, гар ошиқ гуноҳ қилгудек бўлса, ҳеч афв этмайди. Аксинча, уни қатлга буюради. У ҳаттоки ушшоқ аҳлини қатл қилиш учун маҳбублар хайлидан сипоҳ ҳам тузган. У жангга отланар экан, ноз ахшабин ҳар ёнга суриб, бошига эса заррин кулоҳ кийиб майдонга чиқаяди:

Чиқғусидур ноз ахшабин ҳар ён суруб майдон аро,
Боши уза эгри қўюб заррин кулоҳ, ул дилрабо¹.

Хуллас, Авазнинг ишқий мавзудаги ғазаларида маҳбуба таъриф – тавсифига кенг ўрин берилади. Авазнинг ҳижрон мотивларида яратилган ғазаларида ўзбек шоирлари Нодира, Увайсийларга ҳамоҳанглик сезилиб туради. Шоирнинг “оқибат”, “эт”, “айт” радифли ғазалари Нодиранинг худди шу радифли ҳижрон қўшиқлари билан уйғунлик, муштараклик касб этади. Лекин уларнинг ҳар бирида давр зайли ва дунёқараши билан боғлиқ жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, Нодира ғазаларидаги ҳижрон мотивлари, асосан, турмуш ўртоғи Амир Умархоннинг вафоти билан боғлиқ бўлса, Аваз ижодида ҳижрон изтироблари қаламга олиниб, ижтимоий мазмун кучаяди:

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 138.

Орзуи васл этар дучори фурқат оқибат,
Келтуруб бошингга минг ошуби офат оқибат¹.

Нодиранинг “айт” радифли ғазалида сабога мурожаат қилиниб, рози дилини ёрига етказиш сўралса, Авазнинг “айт” радифли бир неча ғазалларида ҳижрон талқинида умуман ошиқлар руҳиятидаги ғалаёнлар ўз ифодасини топади. Аваз лирик қаҳрамон — қосидга мурожаат этади, яъни Нодира ғазалидаги ёрга хабар етказувчи “сабо” тимсоли ўрнини Авазда “қосид” эгаллайди:

Қосид, бориб мандин салом ул сарвари хўбона айт,
Сунбул сочу рухсори гул, икки кўзи мастона айт.

Ғазаларнинг ғояси бир бўлгани ҳолда, биридаги фикр иккинчисида такрорланмаслиги жиҳатидан алоҳидалик, яхлитлик касб этади. Ошиқ руҳияти “ҳижрон ичра юз минг туман армонда қолмоқ”, “ёр рухсори ҳижронида икки кўзи тийра бўлмоқ”, “ҳижрон аро бесабру беорому беҳуш ўлмоқ”, “ғунча мисоли хотири танг бўлмоқ”, “қумри каби фарёду нола чекмоқ” каби иборалар орқали очиб берилади. Лирик қаҳрамоннинг дили фироқ оламига тоқат қила олмайди, натижада у ўлимга рози бўлади:

Минг ўлганимдан ҳажр аро, бир ўлганим марғубдур,
Қатл эттали келсун бу дам, ул чашми хунхоримга айт.

Ҳижрон мавзусидаги ғазалларда ҳам маҳбуба таъриф — тавсифига кенг ўрин ажратилади. Бир ғазалнинг ўзида маҳбуба шафқатосор, хуршидрухсор, вафодор, шунингдек, бераҳм, сангдил, жафокор, дилозор, чашми хунхор каби сифатлар билан таърифланади.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт, —

¹ Аваз. Сайланма. — Б.182.

дея хитоб қилган шоира фикрини Аваз муҳаббатга эришиш учун ихлос билан, ғайрат билан ҳаракат этиш лозим эканлигини уқтириш билан янада ривожлантиради:

Тиларсан гар муҳаббат риштасини,
Тутуб ихлос ила жаҳди тамом эт¹.

Аваз ғазаларида маъшуқанинг жабр – зулмларидан шикоят мотивлари акс этган мисралар ҳам учрайди. Ҳаттоки лирик қаҳрамон:

Ёримга нолам айламас таъсир, Аваз, гўё қазо

Маҳбубларнинг қалбини хилқатда фўлод айламиш², – дейишгача бориб етади. Маъшуқадан шикоят мотивлари чархи дундан нолиш ғоялари билан уйғунлашиб кетади:

Ё раб, замоне бўлмадим, ошуби даврондин халос,
Бўлгон мисоли кимсае зиндони аъдодин халос³.

Аваз лирик қаҳрамони дунёда неки ғам – алам, неки ташвишу кулфат бўлса, барчасига гирифтор бўлади. Лекин қанча изламасин, биргина бўлсин, соҳиби меҳру муҳаббат топа олмайди. Натижада, Мирзо Бобур каби нола чекади:

Эй кўнгул, ман кўрмаган дарду балият қолдиму?!
Келмаган бошимга савдо бирла офат қолдиму?!⁴

Аваз ғазалиётида шоир яшаган давр, ижтимоий – сиёсий ҳаёт воқеалари ҳам ўз аксини топади. Аваз фисқу фасод асосига қурилган бу жаҳон биносини сув устида турган пуфакка ўхшатади. Пуфакнинг умри қисқа бўлгани каби “ушбу жаҳон ободининг охир хароб бўлишини” башорат қилади. Бу ўткинчи дунёнинг нималар асосига қурилганлигини англаёлмай боши қотади. Лекин шундай бўлса – да,

¹ Аваз. Сайланма. –Б. 190.

² Аваз. Сайланма. –Б. 208.

³ Аваз. Сайланма. –Б. 177.

⁴ Аваз. Сайланма. –Б.194.

ҳаргиз шитоб қилмасликка, тадриж билан иш кўришга ҳаракат қилади.

Айланг, Аваздек орзу фақру фано кошонасин,
Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўстлар¹, –
дея шоир охир – оқибатда бу дунёнинг жамики қувончу шодликларидан этак силтаб, фақру фано кошонасини ихтиёр этади.

Шоир ўзи яшаган даврда одамларга насабию мансабига, молу дунёсига қараб муомала қилинганлигини, буларнинг ҳаммаси оддий халқ – фуқаронинг бошига кулфат бўлиб ёғилганлигини қуйидагича баён қилади:

Қилмагайлар они одамдин ҳисоб аҳли замон,
Бўлмаса киссасида ҳар кишининг нуқраю зар.

Эй Аваз, йиғламайин ҳасрат чекиб найлайким,
Фуқаро бошида бордур неча минг шўр ила шар².

Аваз дунё ҳақида фалсафий мушоҳада юритар экан, унинг бебақо, бемадор ва бевафо эканлигини таъкидлайди ва одамларни унга дил бермасликка чақиради. Унга дил берган одамнинг бошига фақат офат ёғилиши муқаррарлигини, бу олам бойлигу хазиналари одамлар бошига фақат меҳнату ранжу алам етказганлигини уқтиради ва яна бир ҳаёт ҳақиқатини – оқил, ҳушёр кишиларнинг душманлари ҳам бисёр бўлишини қуйидагича ифодалайди:

Кишиким, оқилу ҳушёр бўлса,
Ҳазар қилғучи ондин борҳодур³.

Маълумки, адабиётда панд – насиҳат руҳидаги асарлар мавжуд бўлиб, лирик усулда яратилган, ибратли сўзлар асосига қурилган бундай асарлар дидактик поэзияни юзага келтиради. Унинг илк

¹ Аваз. Сайланма. – Б.150.

² Аваз. Сайланма. – Б. 152.

намуналари сифатида "Қутадағу билиг", "Ҳибат ул — ҳақойиқ" каби асарлар эътироф этилади. Адабиётда кенг тарқалган ғазал жанрининг мавзу доираси кенгайиб бориши натижасида дидактик руҳдаги ғазаллар ҳам майдонга келди.

Аваз ижодида бойликка ружуъ қўймасликка, қаноатли бўлиш, ҳимматли бўлишга, бир — бировга меҳр — оқибатли бўлишга даъват этувчи мисралар ҳам анчагина:

Бўлма, эй кимса, ҳамиша бу сифат мағрури ганж,
Ким, не ёнглиғ айлади Қорунни кофар зўри ганж?!¹

Шоир Қорун образига ишора қилар экан, у ўнлаб хазиналарга эга бўлган мамлакатдаги энг бадавлат одам бўлса ҳам, ўша бойликлар унга вафо қилмаганлигини, куфронийлиги учун уни ер ютганлиги, бу фоний дунёда ҳамма нарса — бойлик ҳам, амал — мартаба ҳам, шон — шуҳрат ҳам ўткинчи эканлигини одамларга уқтирмоқчи бўлади.

Қалби вайроналарни ганжи жуд ила обод қил,
Лутфи Ҳақдин истасанг бўлғой санго маъмури ганж.

Бу байтлар устоз Навоийнинг:

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай,²

байтларига мазмун жиҳатдан ҳамоҳанглик касб этади ва Ҳақ лутфидан иноят истаган инсонларни қалби вайрон кимсаларга, биринчи навбатда ҳиммат кўрсатишга, сийму зари бўлмаса, ширин каломи ва очиқ чеҳраси билан муомалада бўлиб, ўксик қалбига таскин — тасалли беришга, тушкун кайфиятига кўтаринки руҳ бахш этишга, дардига шерик, кулфатига ошно бўлишга даъват этади. Шоир "файзи маъни"ни дарвешлардан излайди. Чунки ўткинчи дунёнинг

³ Аваз. Сайланма. — Б. 167.

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 69.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 5 — жилд. — Тошкент. Фан, 1999. — Б. 431.

орзу – ҳавасларидан этак силтаб, фақат Оллоҳ ёди, Оллоҳ зикри билан яшовчи бундай инсонларнинг қалби маънан гўзал, руҳан тетик бўлади. Шу боис уларгина инсонлар юрагига маъно дурларини сочиш ва улардан саховат, меҳр – шафқат, ҳиммат, иймон, диёнат каби инсонийлик чечакларини ундириш имкониятига эга бўладилар. Бу фикрларни шоир кўҳна харобаларда хазина кўмилиши билан боғлаб, тамсил санъати воситасида ҳаётий мисол билан далиллайди.

Мифологик тасаввурларга кўра, кўмилган хазинани гўё йирик заҳарли илонлару аждарҳолар қўриқлаб ётар эмиш. Шунга кўра, шоир ҳирс билан хазина йиғишни одат қилган кимсаларни илону аждарҳоларга қиёс этади. Бундай бойлик инсонга вафо қилмайди. Муродини заҳарга айлантиради, жисмини эса кулфатга гирифтор айлайди, эҳсон қилувчиларнинг икки дунёси обод бўлади, қаноатли инсон эса икки оламга манзур бўлади, дейди. Бу дунёда йиғилган олтин – кумуш қабрда илон – чаёнларга айланади, деган қарашга кўра, шоир ўз – ўзига “тилла жамғармақдан ҳазар қилгинки, эртага қабрингда улар илон – чаёнларга айланиб, ўзингни чақмасин”, – дейди:

Эй Аваз, жамъи зар этмақдин ҳазар қил, тонглаким –

То саросар бўлмасун гўрингда мору мўри ганж.

Навоий: “Кимки қаноатни одат қилса, қаноат уни бой қилади”, – дейди. Худди шундай Аваз ҳам:

Азиз ўлмоқ тиларсан олам ичра,

Ўзингга пеша қил доим қаноат, –

дер экан, инсонларни қаноатли бўлишга, таъмагир бўлмасликка чақиради. Шоирнинг ҳиммат хосиятига бағишланган “ҳиммат” радифли ғазали ҳам насиҳат оҳангида яратилган:

Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат,

Они айлар ҳамиша сарвари аҳли жаҳон ҳиммат¹.

Шоир ҳимматли инсонларни аҳли жаҳоннинг сарвари деб билади. Иккинчи байтдан насиҳат оҳанги бошланади. Эй биродар, қўлингни ҳиммат қилишдан тортмагилки, ҳиммат одам авлодини комрон айлайди. Сидқидилдан назар ташласанг, ҳиммат одамлар ўртасида кишининг айблари ва хунуклигини бекитишини кўрасан. Ҳимматда ажойиб хосият бор. У паривашлар забонини мўъжизбаён қилади. Кимки ҳимматли бўлса, барча жон нақди унинг "фидои хоки пойи" бўлса, камлик қилади. Кишига абадий умр ҳиммат туфайлидир. Бўлмаса нега Ҳотамнинг овозаси оламда ҳимматдан нишон. Сахий ва ризқ берувчи Оллоҳдан муроди дил тилар бўлсанг, аввало, унинг бандалари бўлган инсонларга ҳиммат кўрсат. Шунда Оллоҳнинг ўзи сени тақдирлайди. Шоир бир шахс — "эй биродар" га хитобан бошлаган ҳиммат баҳсидаги фалсафий — ахлоқий насиҳатини умум — "эй аҳбоб"га билдирилган истак сўзлари билан ниҳоялайди ва кимки олам ичра олиҳиммат бўлса, унга бор — йўқ мол — дунёси, ҳатто нақди жонини ҳам садқа қилишга тайёр эканлигини билдиради. Шеър қандай фикрда бошланган бўлса, ўшандай, яъни "Жаҳон ичра агар ҳар кимсадин бўлса аён ҳиммат" мисраси билан тугалланади ва муқаддима билан хотима якоҳанглик касб этади.

Не хуш бўлғай муяссар бўлса ҳиммат аҳлига давлат,

Ки ондин ожизу дармондаларга етгуси қувват² .

Ушбу байт билан бошланувчи ғазал ҳам насиҳат руҳида яратилган бўлиб, юқоридаги ғазалнинг давоми сифатида янграйди. Кимки ҳимматли бўлса, унда минг кишича ғайрату журъат бўлади. Натижада, у ҳар ерда, ҳар доим зафар ва ғалабага эришади. Ҳасосат аҳли билан ҳиммат аҳли ҳеч қачон бир — бирига эл бўлмайди. Чунки

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 185.

² Аваз. Сайланма. — Б. 186.

бирига зулм ила кин одат бўлса, иккинчисининг пешаси раҳм ила шафқатдир. Шу боисдан ҳам шоир ҳиммат аҳлига давлат муяссар бўлишини тилайди. Шунда улардан ожизу дармондаларга қувват етади. Шоир ўзига, шу қатори, жамики инсониятга мурожаат қилиб айтадики:

Дило, ҳиммат қилурдин эҳтироз этма сабоҳу шом

Ки, эрмиш мужиби умр ила давлат даҳр аро ҳиммат.

Авазнинг маърифий йўналишдаги ғазалларида шоир маҳоратининг яна бир қирраси намоён бўлади. Чунончи, ғазалларда асосий маърифий маъно ташувчи "мактаб", "миллат", "халқ" таянч сўзларининг радиф ўрнида ишлатилиши ва уларга алоҳида семантик – услубий урғу қаратилиши жанр тузилишига кириб келган янги унсурлар эди. Етти байтли "мактаб" радифли ғазал поэтикасида реалистик мазмун ва тамойил устун бўлиб, анъанавий жанр қисмларининг янги типдаги шеърга трансформациясидаги формал поэтик ўзгаришлар характерлидир:

Аваз, ҳимматни қил олий очарға эмди мактабким,

Балои жаҳлу нодонликни барбод этгуси мактаб.¹

Кўринадики, ғазалда лирик қаҳрамон – шоирнинг ўзи. У мумтоз ғазалиётдаги ошиқ ёхуд ринд эмас, балки маърифат тарғиботчиси, зиёга даъват этувчи жонкуяр инсондир. Бу ўринда диққатга молик жиҳат шундаки, "ўз ижодларини романтик ғазалиётдан бошлаган ва уни давом эттираётган шоирларнинг реализм позициясига ўтишини очиб бериш Аваз сингари классик адабиётнинг сўнгги ва янги адабиётнинг илк бошловчилари ижодига хос эволюцион лабораторияни кашф этиш ҳам кўпгина адабий – эстетик муаммоларга калит бўлиши шубҳасиздир" ¹.

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 21.

¹ Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 71.

Авазнинг:

Фалақдин бўлғуси ҳар дам манго юз минг бало ҳодис,


Қутулсам гар балодин, ҳодисоти можаро ҳодис ², —

деб бошланувчи ғазали ҳасби ҳол типида яратилган бўлиб, Муқимий, Мунис, Комил қарашлари билан ҳам уйғунлик касб этади. "Ҳодис", "халос" радифли ғазаларида фалақдан, ҳукмрон синфларнинг ярамас кирдикорларидан шикоят қилинса, "совуқ" радифли ғазалида бу шикоятларга табиат инжиқликлари ҳам қўшилади. Шоир "хисрави кишваркушо"дан битта чекмон беришни тилайди. Йўқса совуқ уни бешак ўлдириб, бу фоний дунёда армонда ўтишига сабабчи бўлишини айтади. Бу ўринда "совуқ"нинг рамзий маъноси ҳам бўлиб, ижтимоий — сиёсий ҳаётдаги тенгсизлик, ҳукмрон табақалар, жаҳолат аҳлига бўлган самимий; камбағал деҳқонлар ва шоир, олим каби санъат аҳлларига нисбатан бўлган қўпол, совуқ муомала ҳам назарда тутилади. Шунингдек, шоирнинг "Билмадим, ё раббано, ваҳ, не балодур ўксурук", "Биҳамдилаҳ, касалдин яхши бўлдум ушбу соат ман", "Ё раб, замоне бўлмадим, ошуби даврондин халос" каби мисралар билан бошланувчи ғазалари ҳам ҳасби ҳол ғазаларнинг типик намуналари бўла олади. Шоир ғазаларида анъанавий ошиқ ва маъшуқа образларидан ташқари, ринд, маърифатпарвар, комил инсон, ориф қабилар лирик қаҳрамон сифатида майдонга чиқади ва ошиқ — садоқат, ринд — ҳушёрлик, маърифатпарвар — зукколик, комил инсон — етуклик, ориф — фидоийлик тимсоли кўринишида намоён бўлади.

Умуман, мавзу доирасининг кенглиги ва ранг — баранглиги, унда ишқ ва садоқат мотивларининг устуворлиги ҳамда образлар тасвирининг кўламдор ва ўзига хослиги Аваз ғазалиётининг муҳим

² Аваз. Сайланма. — Б. 176.

хусусиятидир. Бу ғазалиётда анъанавий ишқ мавзуси кейинчалик ижтимоий – сиёсий, ахлоқий – маърифий мавзулари билан бойигани каби салбий образлар талқинида ҳам шоир маҳорати тобора юксала борди. Бу образлар ва уларнинг хусусиятларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:



Биринчи бобдаги масалалар юзасидан кузатишларимиз қуйидаги хулосалар учун асос беради:

1. Аваз XIX аср охири ва XX аср бошидаги ўзбек миллий адабиётининг йирик намояндаларидан бўлиб, унинг ижодий мероси шу давр бадиий тафаккурининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Ҳажман кўламдор ва жанр жиҳатидан ранг – баранг бўлган бу шеърий мероснинг асосий қисми ҳозиргача қўлёзма ҳолида сақланмоқда.

2. Аваз шеърияти ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари бағрида шакланган бўлиб, унда Инсон, Ҳаёт ва Ишқ фалсафаси куйланади. Ўндан зиёд жанрлардаги қирқ мингдан ортиқ мисрани қамраб олган ва икки мукамал девонга жам бўлган бу шеърият Авазнинг ўзига хос поэтик иқтидор соҳиби, барҳаёт анъаналарнинг моҳир давомчиси эканлигидан далолатдир. Биринчи девонда анъанавий ишқ мавзусидаги шеърлар, асосан, ғазал кўпчиликини ташкил этса, иккинчи девонда бу мавзу маърифатпарварлик ғояси билан бойиди ва жанрлар таркиби янада кенгайди.

3. Аваз лирикасининг негизини ғазал жанри ташкил этади. У бу анъанавий жанрга ижодий ёндашар экан, муҳаббат, халқпарварлик,

инсоний комиллик каби устувор ғояларни тарғиб қилди, ғазалнинг шакл жиҳатдан якпора, пароканда; мавзу жиҳатдан ишқий, орифона, ижтимоий, ҳажвий каби турларининг ажойиб намуналарини яратди. Асосий лирик қаҳрамонлар — ошиқ ва маъшуқа тимсолларида реал ҳаётдаги эзгулик ва ёвузлик, маънавий етуклик ва тубанлик, эрк ва тутқунлик каби зид тушунчалар талқин этилди. Аваз ўз шеърияти билан мумтоз адабиётдаги ижтимоий зулмдан норозилик оҳангини чинакам исёнкорлик руҳи даражасига кўтарди.

4. Аваз шеърияти мавзу доирасининг кенглиги, жанрлар таркибининг хилма–хиллиги билан ўзига хосдир. Унда ишқий ва ижтимоий–маърифий мавзу устувор бўлиб, у ғазалдан ташқари, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман каби мусаммат шаклларида ҳамда рубоий, қитъа, соқийнома, таржеъбанд, қасида каби бошқа жанрлардан таркиб топган ва улар анъана ва новаторлик ҳосиласи сифатида диққатга лойиқдир.

II боб. ИЗОШЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК ҚИРРАЛАРИ

2.1. Аваз – моҳир татаббуънавис

Мумтоз адабиётимиздаги анъаналардан бири ворислик ва издошлиқдир. Кўп асрлик тажриба шунини кўрсатдики, шеърятдаги издошлик анъанани ижодий давом эттириш ва қайта яратишга қаратилган. Бу жиҳатдан Навоий ва Огаҳий асарлари кўплаб шоирларга асос бўлиб хизмат қилган.

Аваз, биринчи навбатда, Навоийдан маҳорат сирларини ўрганди:

Эй Аваз, қил жаҳд, девонингни қилмоқ истасанг,

Гар Навоию Табибий дафтариға ҳамрадиф¹.

Аваз шеърятда устозлар ижодидан рағбатланиш, уларга издошлик қилиш асосан қуйидаги шаклларда кўринади:

1. Ҳазаларга татаббуълар битиш.
2. Тахмислар боғлаш.
3. Навоий "Ҳамса"сига издошлик.

Маълумки, татаббуъда кимнингдир изидан бориш, излаш, тадқиқ этиш, ўрганиш, мос келиш, қайта яратиш каби маънолар англашилади. Адабиётшунос Б.Файзуллоев бу жараённи "татаббуънавислик анъана, янгилик ва маҳорат учлиги билан боғлиқ фаолиятдир", – дея баҳолайди².

Навоий татаббуънависликни ўзи учун улуғ мактаб, устоз шоирлар билан беллашиш майдони, мусобақа тури, шунингдек, устозлар ҳурмат – эҳтиромини жойига қўйиш воситаси деб билган. Профессор Абдурауф Фитратнинг эътирофича, "Девони Фоний"да

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 200.

² Файзуллоев Б. Ўзбек шеърятда татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари. Ф.ф.н. дисс. автореферати. – Тошкент: 2002.

кўпроқ Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий асарларига (хусусан, қасидаларига) татаббуълар боғланган¹.

XIX аср охири ва XX аср бошларида матбуъ татаббуъ (кишининг таъбига мувофиқ, лойиқ келадиган, маъқул) ёзиш кенг тус олди ва бу даврнинг Хоразм адабий муҳитида етишган шоирларига Навоийнинг ўзи пир, унинг ҳар жиҳатдан етук, ўлмас ижод намуналари эса асос асар вазифасини ўтади. Бу анъанани новаторона давом эттирган шоирлардан бири Аваз бўлиб, унинг кўпгина татаббуълари Навоий шеърлари асосида майдонга келган.

Аваз ижодида Фузулий, Мунис, Огаҳий, ғазаларига боғланган татаббуълар анчагина. Жумладан, Навоийнинг "эй рафиқ" радифли ғазалига боғланган туркум татаббуълари, "фироқ", "айласа", "айлаб", "бўлмаса бўлмасун, нетай" радифли, Фузулий ғазалига боғланган "сўр" радифли, Огаҳий ғазаларига боғланган "устина", "арзимас", "айлансун" радифли татаббуълари Авазнинг мазкур соҳадаги маҳоратини очиб беришга етарлича асос бўлиб хизмат қилади.

Устозлар ғазаларига битилган татаббуълар, бир томондан, мазмун моҳияти ва шакл жиҳатдан ўзаро ўхшашликка асосланса, иккинчи томондан, ғоя ва мавзу муштараклиги сақланган ҳолда, ифода воситалари (қофия, радиф кабилар) бошқача бўлади. Жумладан, Навоийнинг "Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб" деб бошланувчи ғазалига Аваз яратган татаббуъ ва тахмис бунга далилдир. Навоийнинг "айлаб" радифли ғазали "Фавойид ул – кибар" девонидан 59 – рақам остида ўрин олган. Авазнинг Навоий ғазалига боғланган татаббуъсида устоз шоир ғазалининг шакл белгилари ҳам (вазн, радиф), мазмуни, образлари, шунингдек, тасвирий воситалари ҳам, асосан, сақланган. Фақат шакл

¹ Фитрат. Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида. / Танланган асарлар. 2 – жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 8–9.

белгиларидан қофия янгиланган. Яъни, Навоий ғазалида “шитоб”, “гулоб”, “таноб”, “изтироб”, “хушоб”, “жавоб”, “итоб”, “ҳижоб”, “хароб”, “хоб” сўзлари, Аваз ғазалида эса “оромижон”, “аён”, “камон”, “хуршидсон”, “дурфишон”, “ниҳон”, “қон”, “комрон” сўзлари қофияни вужудга келтирган. Ғазаллардаги ошиқ ва маъшуқа образлари ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга.

Навоий ғазалидаги маъшуқа гўзал ва мафтункор, гул юзли, ширин сўзли, мужғони ханжар, зулфи анбар, ошиққа садоқатли ва вафоли. Ғазалда маъшуқа портрети билан ошиқ руҳияти уйғунликда тасвирланади. Ғазал воқеабанд бўлиб, маъшуқанинг оқшом чоғи ошиқ кулбасига ташриф буюриши ва қуёшдек чеҳра жамолидан тийра кулбанинг нурафшон бўлиши, келиб ўлтириб, ошиққа ёнидан жой кўрсатиши ва ундан ҳол сўраши, ошиқнинг маҳбубаси ҳузурда лол қолиши, кейин маҳбубанинг унга соғар тўла май узатиши – ю, уни ичган ошиқнинг ҳушдан кетиши ва маҳбуба оёғига бош қўйиши, ниҳоят, уни ишрат тунида васл уйқуси элтиши изчил баён қилинганки, бу ғазалнинг сюжетлилигини таъминлаган.

Ҳар иккала ғазалда ҳам маъшуқа ошиқ кулбасига келиб, унга илтифот кўрсатса – да, Навоий ғазалидаги маъшуқа садоқатли, вафолилиги, Аваз лирик қаҳрамонининг маъшуқаси эса ошиққа кўп ситамлар кўрсатиши билан фарқланади. Шу боисдан ҳам Аваз ғазалидаги ошиқ Навоийнинг лирик қаҳрамони каби маҳбубаси олдида ўзини йўқотиб, жим қолмайди, аксинча, унинг саволига яъни, ҳол сўрашига киноя билан жавоб беради. Аваз ғазалида лирик қаҳрамоннинг бевафо ёри туфайли чеккан азобларига кўпроқ диққат қаратилса – да, ёр илтифотидан беҳад хурсандлиги ҳам ифода этилади:

Аваз, тут хотиринг хуррамки, келдим, деди ул дилбар,

Муродим ҳосил айларга, не эрса комрон айлаб¹.

Аваз ғазали шундай ниҳоя топади. Асос асарда эса навоийона интиҳо — дунёвий ишқни илоҳий ишқ — тасаввуф билан боғлаш, ҳар иккала ишқни ғазал мазмунига сингдириб юбориш устуворлик касб этади:

Ониким, элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Навоийнинг “Ғаройиб ус — сиғар” девонида “эй рафиқ” радифли иккита ғазал мавжуд бўлиб, биринчиси 311 —, иккинчиси 321 — рақам остида ўрин олган. Бу ғазаллар ғоявий мазмуни жиҳатидан бир — бирига яқин, шунингдек, ҳар иккаласи ҳам арузнинг рамали мусаммани мақсур вазнида ёзилган. Лекин уларда фикр қайтариқлари, ифода ўхшашликлари учрамайди. Биринчи ғазалда лирик қаҳрамон ниҳо усули орқали рафиққа мурожаат этар экан, ўз кечинмалари ва мулоҳазаларини қуйидагича баён этади:

Бўлмас эрмиш дилраболар аҳди маҳкам, эй рафиқ,
Ғар киши дерким, бўлур, тутма мусаллам, эй рафиқ!

Дилраболар таърифида бошланган ғазал бора — бора ижтимоийлик касб этиб, маҳвашларнинг бевафолиги, аҳдида содиқ турмаслигини баён қилиш орқали лирик қаҳрамон даҳри дуннинг ҳам пасткашлиги, ўткинчилигига ишора қилади. Киши қанчалик машаққат чекмасин, тақдири азалнинг ёзуғидан қочиб қутулолмайди, шунингдек, бу дунёнинг сир — синоатларини ҳам тўлалигича эгаллай олмайди. Натижада, шоирнинг лирик қаҳрамони “муғ кўйида расво бўлишга” азм этади ва барча ишқ аҳллари каби у ҳам бу дунё ғавғоларидан этак силтайди:

Ич, дағи тутқил Навоийға қадаҳким, арзимас

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 48.

Бир нафас ҳушёр бўлмоғлиқга олам, эй рафиқ!
 Кейинги ғазалда юқоридаги фикрлар давом эттирилади:
 Кимки, васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ,
 Кўз тут ул шамъ ўтидин – ўқ доғи фурқат, эй рафиқ.

Байтдаги тазод санъатига асос бўлган "васл" ва "фурқат" сўзлари маҳбуба бевафолигини таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Лирик қаҳрамон "васл софи мумкин эрмас" тушунчаси орқали қийинчиликларсиз, азобу машаққатларсиз, ҳижрону ғурбатларсиз висолга эришиб бўлмаслигини эътироф этади ва висолни бодага қиёс этиб, рафиқни "ул бода сари рағбат" қилмасликка, васл эмас, ҳатто "ишқ" сўзини ҳам тилга олмасликка даъват этади. У рафиққа ақл ва сабринг биносини офат сели бузмасин десанг, дилраболар юзидаги шабнамдек тер доначаларига боқмагил, хўрлик истамасанг, "шўх чобуқлар ғубори тавсанига" кўз солмагин дея мурожаат этади. Агар маслаҳатларини қабул қилмаса, унинг бошига ҳам лирик қаҳрамоннинг қисмати тушажагини башорат қилади:

Гар Навоийдек бошингга тушса бир қотил ғами,
 Анда дағи кўргасен не бўлса қисмат, эй рафиқ.

Биринчи ғазалда "маҳкам", "мусаллам", "одам", "мотам" каби сўзлар, иккинчи ғазалда "улфат", "фурқат", "рағбат", "шиддат" каби сўзлар қофияни вужудга келтирган.

Ю. Юсупов ва В. Раҳмоновлар томонидан 1984 йилда нашрга тайёрланган шоир Авазнинг "Сайланма"сидан "эй рафиқ" радифли тўртта ғазал ўрин олган¹. Бу татаббуълар ҳар жиҳатдан етук бўлиб, шоирнинг маҳорати юксак ижодкор эканлигини намойиш эта олади. Бу ғазалларнинг баъзилари мазмун жиҳатдан Навоий ғазаллари билан муштарак, баъзилари эса устоз шоир лирик

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 214–215.

қахрамонидан фарқли ўлароқ, рафиқни сабрли бўлишга, ҳар қандай вазиятда ҳам журъатли бўлишга чақиради ва меҳнату машаққатнинг натижаси роҳат билан якунланишига умид уйғотади:

Бўлса мақсуду мурудинг субҳи вуслат, эй рафиқ,

Етса сабр айла баногаҳ шоми фурқат, эй рафиқ.

Бу ўринда "субҳи вуслат" ва "шоми фурқат" бирикмалари тазод санъатига асос бўлган. Аваз лирик қахрамони ишқда собитқадам. У бошига юз минг офат ёғилса — да, ўз истаги йўлида ҳеч чекинмайди. Нигори бошига ҳар қанча маломат тошини ёғдирмасин, уни турли уқубатларга дучор қилмасин, ундан шикоят ҳам қилмайди. Аксинча, "ҳажри дарди чоҳидан чиқмоқлик" умидида жон борича ҳаракат қилади. У бекаслигу бечоралиқда қиёмат қойимнинг азобини тортса — да, ёруғ кунлар келажагига ишонч билан яшайди ва ғазал кўтаринки кайфиятда якун топади:

Гар Авазнинг меҳнату оломи беғоят эса,

Не ажабким, бор онинг сўнгида роҳат, эй рафиқ.

Бу ғазал ҳам рамал баҳрида ёзилгани ҳолда, қофиялари жиҳатидан ҳам Навоий ғазали билан умумийлик касб этади. Шоирнинг:

Бўл ҳамдам ул дилдорға, айлаб фидо жон, эй рафиқ.

Шоядки, бўлғойсан даме озоди ҳижрон, эй рафиқ

матлаъли ғазали ҳам юқоридаги ғазалнинг давоми сифатида янграйди. Бунда анъанавий рақиб образи ҳам иштирок этадики, лирик қахрамон рафиққа мурожаат этар экан, "нахли муроди самар топишини" истаса, ундан сирини пинҳон тутишини маслаҳат беради.

Жон берса ўлган жисмима, тонг йўқ, Масиҳодек келиб,

Ширин табассум кўргузуб ул лаъли хандон, эй рафиқ.

Байтда шоир талмеҳ сифатида Масиҳ образига мурожаат қилар экан, унинг ўлган одамга қайтадан жон бахш этиш (тирилтириш) хусусиятидан фойдаланади.

Токи бир ой ишқи ичра мубталоман, эй рафиқ,
Тортарам ондин бери юз минг бало ман, эй рафиқ
бошланмали ғазал ҳам қофияларининг тузилиши, турфалиги ҳамда бадиияти жиҳатидан аҳамиятлидир. Ғазалда "мубталоман", "бало ман", "аро ман", "норавоман" каби сўзлар қофия бўлиб келган. Кўринадики, қофияларнинг баъзилари битта сўздан иборат бўлгани ҳолда, баъзилари таркибли, яъни иккита сўздан ("бало ман", аро ман) тузилган. "Норавоман", "мубталоман" сўзларидаги "ман" шахс — сон қўшимчаси бўлса, "бало ман", "жафо ман" бирикмалари таркибидаги "ман" кишилик олмошини ифодалайди. Ғазалдаги кўпгина байтлар тазод асосига қурилган, яъни унда лирик қаҳрамоннинг висолни орзу этиб, ҳижронда қолиши, меҳру муҳаббат изҳор айлаб, жафо кўриши, ҳамманинг мақсади ҳосил бўлгани ҳолда, унинг "кому муроди нораво" бўлиши каби ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Навоийнинг "фироқ" радифли қуйидаги бошқа бир ғазалида ҳижрон изтироблари янада таъсирчанроқ ва ташбеҳларга бой тарзда ифода этилади:

Қон ёшим сориф юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фироқ¹.

"Заъфаронзор" ва "лолазор" сўзлари бу ўринда истиорани юзага келтирган. Биринчиси, ошиқнинг сариқ юзига, иккинчиси эса қон ёшига нисбатан қўлланилган. Кейинги байтда унинг ашқига қиёсан гавҳар тушунчаси қўлланилади ва "фироқ уйи"га киргач, яъни

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 3-жилд. — Тошкент. 1988. — Б. 256.

айрилиқ савдоси бошига тушгач, ошиқнинг тинмай кўз ёш тўкиши таъсирчан ифода топади:

То фироқ уйига кирдим, ваҳки, ашкимдин эди,
Гарчи юз гавҳар аёғимға нисор этти фироқ.

Лирик қаҳрамон — ошиқ телбаликка юз тутди. Гоҳи — гоҳида унинг ҳуши ўзига келади. Шунда у сабр ва тоқат қилиш кераклигини англаб етади. Бироқ фироқ уни яна ихтиёридан айиради. У ҳушига келганида ишқ андуҳидан афғон қилмасликка ҳаракат қилади. Лекин бу даввосида собит тура олмайди. Ниҳоят, у юз минг қозиқ билан "ғам" маҳкамланган кўнглидан "фараҳ"ни қувиб солади. Шундай бўлса — да, ёри васли умидидан воз кечмайди:

Эй Навоий, васл аро бўлғайки, боқиб кулгамен,
Доғларниким кўнгулга ёдгор этти фироқ.

Авазнинг ушбу ғазалга назира тарзида яратилган ғазали мазмун моҳияти, ғояси, қофия ва радиф каби шакл унсурлари жиҳатидан Навоий ғазалига ўхшаса — да, такрор баён бўлмай унинг таъсирида яратилган ўзига хос бир асардир. Аваз ғазалида вазн янгиланган. Навоий ғазали рамал баҳрида ёзилган, Аваз ғазали эса ражази мусаммани солим вазнида яратилган:

Найлайки, минг андуҳ била ғамға дучор этти фироқ
Ҳам кўзларимга бу ёруғ оламини тор этти фироқ.

Навоийдаги "ошкор", "лолазор", "нисор", "беихтиёр", "беқарор", "шармсор", "устувор", "ёдгор", "иқтидор" қофияларининг Аваз фақат иккитасидан ("ошкор", "беқарор") фойдаланади ва ўз ғазалини "дучор", "тор", "нисор", "интизор", "зор" каби янги қофиядош сўзлар билан бойитади. Ғазал содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, уни ўқиганда ўқувчи кўзи ўнгида озғин, заиф, кўзлари нурсиз, бироқ ёри

йўлида интизор термулган, ранги сарғайган, қадди эса ғам юкидан эгилган ошиқ образи намоён бўлади. Ғазалнинг:

Қўймай дилимда, эй Аваз, бир зарра орому шикеб,

Найлайки, минг андуҳ била ғамға дучор этти фироқ

байти билан ниҳоя топиши, яъни матлаъдаги мисранинг мақтаъда такрорланиши радди матлаъ санъатига асос бўлади ва ғазал ғоясини, лирик қаҳрамон руҳиятидаги изтиробни таъкидлашга хизмат қилади.

Навоийнинг кўпгина асарларида давр руҳи ўз ифодасини топади. Шоир подшоҳларни адолатга, инсофга чақиради, риёкор шайх ва мунофиқ дин арбобларини ўткир сатира остига олади. У ўзининг "Маҳбуб ул – қулуб" асарида риёкор шайхлар ҳақида гапирар экан, булар олтин каби ялтирасалар-да, аслида мисни эслатадилар. Уларнинг кароматлари ҳийла ва найрангдан иборатдир. Саллалари салобатли бўлса – да, бошларидаги ифлос хаёллари сочларининг тукидек кўп. Эгниларидаги ридолари айбларини беркитувчи парда бўлиб, уларнинг ҳар бир ипини риё чархи йигиргандир. Улар эл кўрсинга найрангбозлик тасбеҳини ўгириб, узундан – узун намоз ўқийдилар. Тўхтовсиз ўқиган дуолари – ҳийла, барча ҳаракатлари – ёлғон, каби фикрларни билдиради. Шоирнинг "шайх" радифли шеърида ҳам худди шу мазмун ўз ифодасини топган бўлиб, Авазнинг унга боғланган татаббуъси ўз даври ҳукмрон табақа вакилларининг кирдикорларини фош этувчи асар сифатида аҳамиятлидир.

Навоий ғазали ўн байтдан, Аваз ғазали эса тўққиз байтдан иборат. Татаббуъ асарда асос асардаги радиф ва қофиялар деярли сақланган. Навоий ўзини ҳақиқий ишқ аҳлидан санаб, бошқаларга бу илоҳий неъматни манъ этувчи, сода манзарли, аммо лода (аҳмоқ) сифатли шайхлар ҳақида:

Май устидаги хасча қилмон ҳисоб,

Агар су уза солса сажжода шайх¹, — дейди. Шоир Аваз бу фикрни янада мукаммаллаштиради. У риёкор шайхларнинг майхонада кеча — кундуз майхўрлик қилиши, ҳаттоки бир қадаҳ май учун жойнамозини ҳам гаровга қўйишга тайёр эканлигини қуйидагича ифодалайди:

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,
Май учун қилур раҳн сажжода шайх².

Шайхлар халққа маърифат, зиё тарқатиш ўрнига, одамларни залолат ва жаҳолат йўлига бошлашлари, бунинг учун эса фириб тузоғини ясаб, тасбеҳдан дона сочишларини бадий образлар воситасида Ҳазрат Навоий шундай баён этади:

Ёяр доми тазвир эл сайдиға
Қилиб субҳадин дона омода шайх.

Навоий “шайх” радифли яна бир ғазалида ушбу фикрни янада такомиллаштириб, эл сайди учун мусалло — жойнамозни дом, тасбеҳни эса дона деб таъриф этади. Ғазабга минган пайтларида уларнинг одамийлигидан асар қолмаслигини эслатиб, Навоий йиртқич ҳайвонга қиёсласа, Аваз эса маст бўлиб, ҳар кимга бир ҳамла қилишини қутурган итга ўхшатади.

Ғазаллардаги “риё баҳри”, “тамаъ заврақи”, “жаҳолат роҳи”, “залолат тариқи”, “тазвир доми” каби бирикмалар улуғ ижодкорлар фикр ва ғояларни юксак бадий савияда ифода қилишлари учун восита бўлган.

Сурарга риё заврақин ҳар сори,
Асосин қилур ўйлаким хода шайх.

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 4—жилд. — Тошкент. 1989. — Б. 85.

² Аваз. Сайланма. — Б. 24.

Бадиий адабиётда заврақи май — қайиқ шаклидаги май қадаҳи тимсоли мавжуд бўлиб, соқийномаларда унга кенг мурожаат этилади. Аваз мазкур ғазалидаги лирик қаҳрамон шайхнинг салбий хислатларини фош қилар экан, унинг риё заврақини ҳар сори суриш учун ўз ҳассасидан эшкак сифатида фойдаланишини баён қилиш орқали ўқувчида нафақат шайхнинг ўзига, балки унга тегишли бўлган нарсалар — ҳассаси, хирқаси, тасбеҳи кабиларга нисбатан ҳам кучли нафрат уйғотади. Шоир агар одамлар сенга ўхшаса, то қиёматгача уйғонмай ётар эди, дейди. Яъни бу билан таъмагирлик, иккиюзламачилик, бировнинг меҳнати эвазига кун кўришликни қоралайди. Хулосада эса ҳар иккала шоир ҳам агар бир “озода шайх” топса, унинг хизматини қилиб, дуосини олиб, унга мурид тушишга тайёр эканлигини изҳор қилади:

Аваз, хизмат айлаб дуосини ол,
Жаҳон ичра топсанг бир озода шайх.

Аваз ижодидаги “икки шайх” радифли бошқа бир ғазалидаги фикрлар мазкур ғазал ғоясига ҳамоҳанглик касб этади ва унинг давоми сифатида намоён бўлади. Шоир шайхларнинг ички қиёфасини очиб берар экан, уларни шайтонга қиёслайди:

Иблис халқ ичра кириб оздурмоқи ҳожат эмас,
Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки шайх¹.

Аваз шу тариқа риёкор шайхларни ҳажв тиғи остига олади, улар ҳийла — найранг илмида шунчалик моҳирки, макр ва ҳийладан шайтонга дарс ҳам берадилар, шайтонлик расм — русумларини жорий этиб, элни тўғри йўлдан оздирадилар, — дейди ва мақтаъда ўзига мурожаат этиш орқали халқни улардан хабардор бўлишга даъват этади:

¹ Аваз. Сайланма. — Б. 23.

Зинҳор пандимни эшит, ҳушинг бор эрса, эй Аваз,
Оздурмасунлар то сани бўлғил хабардор, икки шайх.

Демак, Аваз Навоийдан нафақат ишқ сирларини ўрганган, балки ижтимоий – сиёсий мавзуда қалам тебратганда ҳам улуғ шоирга эргашиб, унинг беназир ижодидан рағбат олиб асарлар яратган.

Аваз ижодининг ғоявий – бадий юксалиши Муҳаммадризо Огаҳийнинг номи билан ҳам боғлиқ. Огаҳийнинг бой ва серқирра ижоди Аваз учун маҳорат тимсоли бўлди. У Огаҳийни ўзининг устози сифатида тан олади:

Огаҳийдек, эй Аваз, назмингда таъсир ўлмаса,

Сода ашъоринг била девони дафтардин не ҳаз ¹.

Авазнинг кўпгина ғазаллари Огаҳий ғазаларига ҳамоҳанг. "Устина", "арзимас", "айлансун" радифли ғазалари шулар жумласидандир. Аваз ўз ғазаларида Огаҳийга издошлик қилади, унинг фикрларини давом эттиради ва ривожлантиради. Шу ўринда Авазнинг Огаҳий ғазалига боғланган "айлансун" радифли татаббуъси ибратлидир. Огаҳий ғазали тўққиз байтдан иборат бўлиб, "айлансун" радифидан олдин "бошингдин", "қошингдин", "гуҳарпошингдин", "тошингдин", "йўлдошингдин", "ёшингдин", "фошингдин", "қаллошингдин", "ошингдин", "ёшингдин" сўзлари қофия тизимини ташкил этади. Аваз ғазали эса етти байтдан иборат бўлиб, тўртта сўз айнан такрорланган. Шу билан бирга, ғазал янги – "фаррошингдин", "дурпошингдин", "авбошингдин", "чирмошингдин" – қофиядош сўзлари билан бойитилган. Маълумки, қофиянинг асосини равий ташкил этади. Юқоридаги қофиядош сўзларнинг барчасида **ш** товуши равийни вужудга келтирган. Огаҳийнинг ҳам, Авазнинг ҳам ғазаллари бир хил мавзуда яратилган. Ҳар иккаласи ҳам ишқий

¹ Аваз. Девон. – Б. 4.

мавзуда, ҳар иккаласи ҳам маъшуқани васф этишга қаратилган, шунингдек, ҳар иккала ғазалнинг ҳам вазни бир хил, ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган:

Юзинг очким, қуёш садқанг бўлиб, бошингдин айлансун,
Янги ой юз тавозеъ кўргузуб, қошингдин айлансун¹.

Огаҳий байтларида ташбеҳ санъатини қўллаб, маъшуқанинг юзини қуёшга, қошини янги ойга, лабларини лаълу ёқутга қиёслайди. қуёш, ой сенинг садқанг бўлуб, сенга тавозеъ кўргузиб, сендан айлансин, киши қалбини шодлантирувчи лаълу ёқут сенинг маъно гавҳарларини сочувчи ҳаётбахш лабингдан айлансин, деса, Аваз ўз татаббуъсида устоз фикрларини ривожлантиради, ўхшатишларини давом эттириб, асарни янги ташбеҳлар билан бойитади:

Кўзингдин наргиси шаҳло, қадингдин тўбийи сидра,
Саккиз жаннатни ҳури ўн саккиз ёшингдин айлансун...

Чаманда оразингдин гул, қадингдин сарв ила шамшод,
Яна ҳам доғи сунбул, зулфи чирмошингдин айлансун².

Шоирнинг маҳорати шундаки, бир вақтнинг ўзида ҳам ўхшатади, ҳам маъшуқа сифатларининг устунлигини кашф этади. Унинг кўзини наргиси шаҳлодан, қадини сарв ва шамшоддан, жаннат дарахти тўбидан, зулфини сунбулдан, юзини гулдан, лаълини ғунчадан, ҳатто унинг гуфторини ўликка жон ато этувчи Масиҳ нутқидан, ўн саккиз ёшли санамнинг ўзини эса саккиз жаннатнинг ҳурларидан устун қўяди.

Асос асар билан татаббуъ асарни қиёслаб, дадил айтиш мумкинки, Аваз татаббуъ ғазал табиати ва талабига катта масъулият

¹ Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1 – жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971.

² Аваз. Сайланма. – Б. 135.

билан ёндашган ва натижада бу борадаги маҳоратини тўлиқ намоён қила олган. Бу эса татаббуънавислик адабий анъанага ижодий муносабатда бўлишдан ташқари, унинг ижодини юксалтириш ва бадиий топилмалар кашф этишга имкон берувчи омил эканини ҳам кўрсатади.

2.2. Мухаммасларда анъана ва ўзига хослик

Аваз ижодида мураббаъ (10), мухаммас (215), мусаддас (15), мусаббаъ (1), мусамман (6) шаклларидаги мусамматлар мавжуд бўлиб, булар шоир ижодининг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Араб тилида "ипга ўтказилган марварид" маъносини англатувчи мусаммат ҳақида адабиётшунос А.Абдуғафуров "Мусамматларни ғазаллар ҳажмини зўрма – зўраки сунъий кенгайтириш йўлида шунчаки қилинган оддий машқлардан, деб ҳисоблаш хато бўлади. Аксинча, бошқа шоирлар ва ўз ғазаллари асосида мусаммат яратиш тўла маънодаги онгли ижодий фаолиятдир", – дея таъкидлайди¹.

Аваз меросида катта ўрин тутган мусамматнинг йирик жанри мухаммасдир. Бу жанр фақат салмоғи билангина эмас, балки мустақил мухаммас (таъби худ), ўз ғазалига ва ўзга шоирлар ғазаларига битилган тахмислар билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жанр имкониятлари кенглиги, муסיқийлик, оҳангдорликнинг кучлилиги мухаммаснинг Хоразмда кенг тарқалишининг омилларидан биридир. Чунки Хоразмда ижод жараёнида мухаммасга алоҳида эътибор билан қараш кузатилади. Ўзбек адабиётида Ҳофиз Хоразмий номи билан бошланган мухаммас яратиш анъанаси XX асрда ҳам жадал давом этди.

¹Абдуғафуров А. Алишер Навоий мусамматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 1. – Б. 31.

Мухаммас ўзбек адабиёти тарихида жуда фаол қўлланган. У фикр ва ҳис – туйғуларни ифодалашга қулай, ғазал ва рубоий каби маҳсулдор жанр сифатида такомиллашган. Ҳаттоки, адабий меросимиз хазинасида фақат мухаммаслардангина тузилган бутун бошли девонлар мавжуд. Мухаммас ёзмаган шоирнинг ўзи йўқ. Бу бешлик ҳақида Хоразм адабий муҳитининг кўзга кўринган йирик вакили Табибий ўзининг "Мажмуаи мухаммасот уш – шуарои Фирузшоҳий" асарида шундай деган:

Мухаммас чу яхшироқ ашъордур,
Тариқи ҳамага намудордур.
Қўшилганда чун икки шоир сўзи,
Малоҳатлиғ ўлғуси нукта тузи¹.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида инв. 1127, 1128, 1129, 1130 рақамлари остида сақланаётган мухаммасотлардан ҳам Аваз мухаммаслари ўрин олганлиги шоир меросидаги мухаммаслар кўрсатилгандан ортиқроқ бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришга асос бўла олади.

Авазнинг мухаммасчиликдаги ушбу мероси унинг юксак шеърий иқтидоридан далолат беради. Шоирнинг мустақил мухаммаслари бевосита унинг ўз истеъдоди, салоҳияти, меҳнати натижаси ўлароқ яратилган бўлса, тахмис мухаммаслар устозлардан ўрганиш, сабоқ олиш, уларга ҳамфикр бўлиш, эътиқод қўйиш, ҳурмат кўрсатиш асносида майдонга келган ва табиийки, Аваз ижоди равнақига сезиларли ижобий таъсир ўтказган.

Аваз мухаммаслари мавзу доираси жиҳатдан ҳам, бадиияти жиҳатидан ҳам ранг – баранг. Авазнинг мустақил мухаммасларини

¹ Аҳмад Табибий. Мажмуаи мухаммасоти уш – шуарои Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Инв. № 1134. – В. 2.

кўздан кечирсак, уларда етакчи мавзу ишқ — муҳаббат мавзуси эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шоирнинг "бўлмишам", "бир келсанг", "келмади", "нигорим" радифли, "Нўш этарман...", "Лаълинг ичра..." "Нигорим орази..." бошланмали мухаммасларида Авазнинг мухаммас яратиш маҳорати ёрқин акс этган. Аваз ўз ижодида ана шу маҳоратнинг муҳим омиллари бўлган шеърий санъатлардан, бадий тасвир воситалари, усулларидан самарали фойдаланган. Бу эса, ўз навбатида, асар қийматига ижобий таъсир ўтказди. Асарнинг ўқишлилигини, таъсирчанлигини таъминлайди.

Авазнинг "Лаълинг ичра...." матлаъли мухаммаси етти банддан иборат бўлиб, маҳбубанинг васфи баён қилинади:

Лаълинг ичра тишму ёхуд соф луълуълармудур?

Фарқ қилмон янги ой ё дилкаш абрўлармудур?

Қоматинг монанди ҳеч бир сарву ножулармудур?

Оразинг гулзори ичра чашми жодулармудур?

Йўқ эса Чин лолазори ичра оҳулармудур?¹

Шоир маҳбубани таърифлар экан, унинг лаъли ичра тишларини соф гавҳарларга, дилкаш қошларини янги ойга, қоматини сарв дарахтига, орази гулзори ичра чашми жодуларини Чин лолазори ичра оҳуларга бир вақтнинг ўзида ҳам менгзайди, ҳам қайсиниси эканлигини билиб туриб, ўзини билмасликка олиши натижасида муболағали ташбеҳ қилади. Кейинги бандларда ташбеҳлар янада ўткирроқ моҳият касб этади:

Ўтнинг атрофида соҳир ҳинду ё оташпараст,

Оташи юз узра йўқса холи минулармудур?

Одатда, оташпарастлик динидагилар ўтга сиғинадилар. Маъшуқанинг юзи — оташ. Лекин ана шу оташ атрофида соҳир

¹ Аваз. Девон. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 166^а — 166^б.

бўлганлар ҳиндуларми ёки оташпарастлар ёки бўлмаса маъшуқанинг юзи узра холими, буни ошиқ аниқлаёлмай қолади. Уни дарду аламлар бир лаҳза бўлсин тарк этмайди, насибаси фақат ранжу ғам, мақсади сари интилиб қайси ишга қўл урмасин, бари бефойда. Кейинги байтларда мухаммас ишқий мавзудан чекиниб, ижтимоийлик касб этади. Лирик қаҳрамоннинг қалбига бир қўрқинч таҳлика солади:

Ваҳшати ваҳши ҳабашлардурмуким, йўқ эрса рам —
Бизни этгон толеъу бахти сияҳрўлармудур?

Маълумки, ўтмишда ҳабашларни — қора танлиларни қул қилганлар. Лирик қаҳрамон қалбида қўрқинч туйғуси ана шу ҳабашларнинг куни бошига тушаётганидан, толею бахти кундан — кун қора бўлаётганидан чўчиш натижасида пайдо бўлади.

Шоирни маҳбубанинг лаъли шаҳдбори атрофидаги анбарин хатларидан тортиб, хуршид узори узра тушиб турган кокилигача, қизил юзидаги қора холларигача — қисқаси унинг гўзаллигини таъминлайдиган нимаики бўлса, ҳеч бири бефарқ қолдирмайди.

Мухаммаснинг якуний бандида шоир юқоридаги ишқий — интим қарашларини ривожлантириб, ижтимоий фикрларини илгари суради:

Мажлиси ағёрни сўр ул фарангизодадин,
Сўрма бадхўларни ҳолин хотири озодадин,
Сўрғосен не сўз, Аваз, ушшоқи зору содадин,
Фарқ эта олмон аммо не маст андоқ бодадин,
Шайхлар шаҳр ичра ё саҳрода тулкулармудур?

Қуйидаги мухаммасда маъшуқа таъриф — тавсифидан кўра ошиқ кечинмаларига кўпроқ эътибор қаратилади:

Лабларини завқидин тўтийи гўё бўлмишам,
Шавқи ишқидин жаҳонға рози ифшо бўлмишам,

Қошларин ёйини фикридин қади ё бўлмишам,
 Ваҳ, асири волаи бир чашми шаҳло бўлмишам,
 Бу сабабдин мажмаъи оламда расво бўлмишам¹.

Завқ, шавқ — инсоннинг гўзалликдан, эзгуликдан лаззатлана олиш қобилияти. Авазнинг лирик қаҳрамони ўз маҳбубаси лабларининг завқидан гўёки тўтига айланади, маҳбубанинг ишқи шавқи эса унинг розини жаҳонга ифшо айлайди. Ёри қошлари ёйининг фикри унинг қадини ёй каби эгади. Ошиқ шундай бир мажнунвор ҳолатга тушадики, натижада бу ҳолатидан мажмаъи оламда расво бўлади. Шу тариқа шоир ошиқ кечинмаларини баён қилишда давом этади:

Бўлмишам асру бу дам саҳбой васлиға хумор,
 Они йўлиға боқиб шаб — рўз тортиб интизор,
 Заррадек не қолди манда сабру орому қарор,
 Бўлғоли ул лаъли ширин ҳусниға мафтуну зор,
 Аҳли олам ичра ман Фарҳодосо бўлмишам.

Бир банднинг ўзида бир неча санъат қўлланган: тазод (шаб — рўз), таъдил (сабру орому қарор), талмеҳ (Фарҳод), ташбеҳ (фарҳодосо), ийҳом (ширин — Ширин).

Сўнги икки мисрада икки хил маъно ифода этилади. "Ширин" сўзи таъм маъносида, ҳам исм маъносида келган. Биринчи ҳолатда ширин лаъли (маҳбуба)нинг ҳусниға мафтуну зор бўлиш учун мен Фарҳодга ўхшадим, маъноси англашилса, иккинчи ҳолатда Шириннинг лаъли ҳусниға мафтуну зор бўлиш учун мен Фарҳод бўлдим, деган фикр тушунилади. Фарҳод бўлиш эса фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард эгаси бўлишдир.

Юз сори ашким равон ҳар дам бўлур Жайҳунсифат,

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 212^а.

Бори қойғудин бўлуб ҳижронда қаддим нунсифат,
 Ваҳки, бўлмиш лаъли ёди бирла бағрим хунсифат,
 Тушколи ул Лайли ишқиға мани Мажнунсифат,
 Пўяи дашти жунун этмақда танҳо бўлмишам.

"Юз сори ашк"нинг "Жайхун сифат равон бўлиши" ўта муболаға — гулувни вужудга келтиради, ошиқ қаддининг қайғудан "нун" бўлиши китобат санъатига мисол бўла олади. Лаъли ёди бирла лирик қаҳрамон қалбининг хун бўлиши — ташбеҳ. Охир — оқибатда, Лайли ишқиға асир бўлган Мажнун жунун дашти бўйлаб чопишда танҳо зотга айланади. Бу эса чин ошиқлик белгисидир.

Аваз мухаммасларининг кўпи етти банддан иборат. Қуйидаги мухаммасда ҳам худди ғазалларидаги каби ишқ мавзуси етакчи ўрин эгаллайди:

Нўш этарман ҳар нафас ҳажринг аро хуноблар,
 Кўрса айлар раҳм ҳолимға шайху шоблар,
 Кўзларим тўккуси шавқингдин дури ноблар,
 Тушгали кўнглумга зулфинг ҳалқасидин тоблар,
 Тушди бўйнуьмға ҳам ондин бир ажаб қуллоблар¹.

Лирик қаҳрамон ҳижрон дардида ўртанади, айрилиқда хуноблар ютади, кўзларидан дури ноблар тўқади. Унинг бу девонавор ҳолатини шайху шоблар кўрса раҳм қилишарди, аммо унга ёлғиз маҳбубасининггина раҳми келмайди. Бу ўринда дури ноблар — истиора, ошиқнинг кўз ёшлари. Шайху шоб — ёшу қари сўзлари тазод бўлиш билан бирга "ҳамма" олмошининг вазифасини ўз зиммасига олади. Унинг кўнглига маҳбубаси зулфининг ҳалқасидан тоблар тушгандан буён бўйнига ҳам ана шу зулф ҳалқасининг тобидан бир ажаб қуллоблар тушадикки, энди ундан қочиб

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 207^б.

қутулишнинг имкони йўқ. Бу ажаб қуллоблар — муҳаббат қармоғига илинган ошиқнинг кўзига маҳбубаси ҳусн ва чиройда тенги йўқ гўзал бир хилқат бўлиб кўринади.

Қоматинг зеболигин фикри қилиб қаддини дол,
 Қилғуси базм аҳлини гулдек юзинг ҳайратсигол,
 Ҳусн бобида санго, ваҳ, не бало бордур жамол?
 Оразинг устида борму қош ё икки ҳилол,
 Ёки Беҳзоди қазо нақш айлаган меҳроблар?

"Беҳзоди қазо" қандай тушунча? Аваздаги мазкур "Беҳзоди қазо" — истиора. Авазнинг ўзигагина хос янги истиора. Маълумки, Беҳзод Навоий даврида яшаган, жаҳонга донғи кетган тенги йўқ рассом. "Беҳзоди қазо" эса тақдир Беҳзоди, яъни Оллоҳ.

Шоир маҳбубани таърифлар экан, тажоҳули ориф санъатига мурожаат қилади. Оразинг устидаги қошми ё икки ҳилолми ва ёки "Беҳзоди қазо" нақш айлаган меҳробларми?

Мухаммаснинг бешинчи бандига келиб, Аваздаги ишқ дунёвий ишқ даражасидан илоҳий ишқ даражасига кўтарилади. Илоҳий ишқнинг қудрати шундаки, у ошиқ қалбини бир зум бўлса — да тинч қўймай, унда нурлар порлатиб изтироб ва қийноқлар гирдобига солади. Бу изтироб ва қийноқлар эса ошиқни чўчитмайди, аксинча унинг руҳини тетиклаштиради, қалбини музайян айлайди.

Ошиқ "руҳини музайян айлаган" Жайхун сўзи — истиора. Ошиқнинг кўзи маъносида ишлатилган. Ошиқнинг кўз ёшлари унинг руҳини, иқболи нигун қалбини, ҳасратда қонга тўлган бағрини музайян айлайди, яъни зийнатлайди, безайди. Ошиқ қалбига ана шу ишқ савдоси тушганидан сармаст. Чунки бу ишқ уни неча

фаслу боблардан иборат ишқ достонини яратишга, қоғозларни ашки гулгундан музайян айлашга қодир бир зотга айлантирди.

“Эй қуёшсиймо, кел, аҳволим кўруб раҳм айлаким” мисраси билан бошланувчи бешликдаги қуёшсиймо – Оллоҳ маърифатини, нуруни мужассамлаштирган зот. Лирик қаҳрамон фақат ундангина раҳм – шафқат тилайди.

Эй Аваз, маъдум ўлуб қалбимдин олом ила ғам,
 Не ажабким, оҳу нолам кўк сори чиқса бу дам?
 Бир илгига шишау бир илгига олиб жоми Жам,
 Сайри гулшан қилғоли отланди Юсуф – ул санам,
 Комин Ҳақ қилсун раво, айланг дуо, асҳоблар!

Лирик қаҳрамон оҳу ноласини кўк сори чиқиши, яъни Оллоҳга етиб боришини тилайди. Шу билан бирга, шоир жоми Жам, Юсуф – ул санам талмеҳларини ҳам қўллайдики, ишқдан маст бўлган ошиқнинг бир қўлига шиша, бир қўлига жоми Жамни олиб, Юсуф – ул санам сингари Ҳақ даргоҳига сайри гулшан қилғоли отланиши, яъни Оллоҳ васлига етиш истаги унинг энг олий мақсадидир.

Авазда мухаммаснинг ўзгача бир шакли ҳам учрайди. Қофияланиши бошқа мухаммаслар билан бир хил бўлиб, банд охиридаги мисра ҳар банднинг охирида, худди таржеъбанддаги бандлар охирида бир хил байт такрорланиб келганидек, такрор ҳолда қўлланади:

Субҳу масо чу булбул тортиб фиғон, нигорим,
 Ҳажрингда қолмади ҳеч тобу товон, нигорим,
 Бўлғуси кўз ёшимдин ҳолим аён, нигорим,
 Ҳолимға йиғлашурлар аҳли жаҳон, нигорим,
 Оромижон нигорим, сарви равон нигорим¹.

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 7102. – В. 191^а.

"Оромижон нигорим, сарви равон нигорим" ундалмаси ҳар бир банд охирида такрорланиб келган ва шу орқали мухаммаснинг муסיқийлигига, тилининг содда ва равонлигига, халқ оғзаки ижодига яқинлигига эришилган. Авазнинг мустақил мухаммаслари унинг иқтидорини баҳолашда муайян аҳамият касб этади.

Авазнинг поэтик маҳорати мустақил мухаммаслардан ташқари, тахмислар битишда ҳам ёрқин кўринади. Зеро, тахмисчилик мавжуд фикрни кенгайтириш, ривож топтириш, тўлароқ ҳис қилиш имконини берувчи ноёб туҳфадир.

Тахмисчиликнинг асосий шарти янги шеър аслиятга қараганда ҳам мазмунлироқ бўлиши керак. Шу жиҳатдан ўзга ғазални тахмис қилиш ўта масъулиятли фаолият бўлиб, бунинг учун шоир маълум поэтик маҳоратни эгаллаши, мазкур байтнинг ғоявий мазмунини давом эттириши, вазн, қофия, радифларни мумкин қадар ўз ҳолича сақламоғи керак. Хуллас, бундай мухаммасни яратишни ҳар бир ижодкор ўзи учун ижодий бир синов деб билади. Адабиётшунос О.Носировнинг таъкидлашича, бундай ижодий мусобақа ва ҳамкорлик адабиёт тараққиётига, адабий анъаналар ривожига, янги ижодий ютуқларнинг пайдо бўлишига хизмат қилувчи, кейинги шоирнинг қандай ғоявий позицияда турганини аниқлашга ёрдам берувчи омиллардан биридир¹.

Мухаммас жанри XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида, хусусан, Хоразмда ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарилди, десак тўғри бўлади. Чунки бу давр адабий муҳитида мазкур жанрда қалам тебратмаган шоирни учратиш қийин. Бутун бошли мухаммасотларнинг майдонга келиши ҳам фикримизни далиллайди. Шунингдек, Хоразм шоирлари орасида энг кўп мухаммас

¹ Носиров О. ва бошқалар. Ўзбек классик шеърини жанрлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1979. — Б. 117.

ёзган шоир сифатида эътироф этилувчи Табибийнинг "Мухаммасоти мажмуаи шуарои Ферузшоҳий" тазкирасидаги асос асарлар Огаҳий ва Феруз қаламига мансуб бўлиб, бошқа шоирлар ўз мухаммас ва мусаддасларини шу асарларга пайрав сифатида яратишган. Муосир адиблар орасида ўзига хос мавқега эга бўлган Аваз ҳам ушбу жанрда самарали қалам тебратган. Тадқиқотчиларимиз уни Табибийдан кейин энг кўп мухаммас ёзган шоир сифатида эътироф этишади.

Аваз Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий каби адабиёт дарғаларини ўзига устоз деб билган. У ўз салафлари шеърларига татаббуъ ёзиш, ғазалларига мухаммас боғлаш орқали адабиётнинг тараққийсига, ғазалчиликнинг, тахмисчиликнинг такомилга ўз ҳиссасини қўшган. Ўз девонини "Навоий дафтарига ҳамрадиф" қилишни истаган, бунинг учун бор кучини сарфлашга жаҳд қилган Аваз устознинг "бўлубдур", "оллида", "ўртанур", "айлаб", "ондин кўб" радифли ғазалларига тахмислар боғлаган. Шунингдек, "Тузуб ишратни базмин...", "Сунбул киби зулфингни...", "Бўлғоли кўнглим асир...", "Лойиқи ишқ ўлмағайлар..." бошланмали тахмислари ҳам Навоий ғазаллари асосида яратилган.

Аваз мухаммасларининг қийматини чуқур ижтимоий – эстетик мазмун ва бадииятсиз тасаввур қилиш қийин. Аваз ўз ижодида бадиий тасвир воситалари, усулларида самарали фойдаланганки, булар шоир асарлари моҳиятини, халқчилигини оширган ва ўқишлилигини, таъсирчанлигини таъминлаган.

Авазнинг Навоий ғазалига боғлаган "Лойиқи ишқ ўлмағайлар..." бошланмали мухаммаси, айниқса, фалсафий теранлиги, бадиий жиҳатдан мукамаллиги, ҳаётийлиги билан аҳамиятлидир. Мухаммас икки шоир руҳиятидаги уйғунлик асосида майдонга келган:

Лойиқи ишқ ўлмағайлар ҳар назаркўтоҳлар,

Ким қилурми шери нарларнинг ишин рўбоҳлар,
 Булбулу қумридек айлаб нолаи жонкоҳлар.
 Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлуғ оҳлар,
 Қайда билгай куймагин зарбофт кийган шоҳлар¹.

Умр — инсонга Оллоҳ томонидан ато этилган неъмат. Умр — синов. У кимгадир меҳнату машаққат, яна кимгадир роҳату фароғат ато этади. Лекин ҳаммасининг ҳисоб — китоби бор. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Ишқ дардидан етган ўтлуғ оҳлар ошиқ қалбини ёндиради. Лекин зарбофт кийган шоҳ ошиқнинг бу каби ҳолатини қаердан билсин?

Навоийнинг ушбу фикрини олдинги уч мисрада Аваз янада ривожлантиради. Назаркўтоҳлар, яъни узоқни кўра олмайдиган, фақат бугуни билан яшайдиганлар ишқ аҳлидан эмаслар. Шери нарларнинг ишин рўбоҳлар — тулкилар урдасидан чиқа олмаганларидек, назаркўтоҳлар ошиқлик учун даъвогар бўла олмайди. Демак, ошиқлик — огоҳлик. Учинчи мисра эса юқорида таъкидлаганимиздек, пайвандлаш вазифасини бажаради.

Хўблар ичра эди Ширин бути хунрезким,
 Фурқати дарди баче эрди аламангезким,
 Жисмин айлаб тешаи ғам резу резу резким,
 Шиддатин Фарҳод қилғай фаҳм, йўқ Парвезким,
 Дардни хокийлар англар, йўқ фалак даргоҳлар.

Таъкидланишича, маҳбуб аҳли йўқки, ўз муҳибини заррача бўлса — да, ҳижрон азобига ташламаган, айрилиқ ўтида ўртамаган бўлсин. Худди шунингдек, Ширин ҳам хўблар ичра хунрез, унинг фурқати дарди ошиқ қалбида алам қўзғайди. Аламдийда ошиқнинг жисмини ғам тешаси тилка — тилка қилади. Тешаи ғамнинг бу

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 7102. — В. 205^а.

шиддатини ёлғиз Фарҳод фаҳм эта олади. Чунки дардни фақат хокийлар англайдилар. Хисравга ўхшаган фалак даргоҳлар эса лойиқи ишқ эмасдирлар.

Тасаввуф таълимотига кўра, қалбида ишқ пайдо бўлган ошиқ бу дунёнинг ҳою ҳавасларидан кечади, хилватхоналарда бедор тунларини тоат – ибодат билан шуур – тахаййул оғушида ўтказади. Худди шундай, Авазнинг лирик қаҳрамонининг ҳам муҳаббат жоми ишқ шарбатидан тўлғач, у ғам даштига равона бўлади. Тўғрироғи, ундан олдин унинг жону кўнгли бу манзилни ихтиёр этадилар. Жону кўнглидан ўзга ҳамроҳи бўлмаган ошиқ ҳам улар танлаган йўлдан боришга жазм этади.

Ошиқ ўлма, ёр жавр айлаб намоён ўлтурур,
 Айлабон икки кўзинг хунбор гирён ўлтурур,
 Шавқи ўтиға қилиб жисмингни сўзон ўлтурур,
 Бўлсалар оғаҳки бир ғамгинни ҳижрон ўлтурур,
 Фикр этар ҳолиға ҳижрон дардидин огоҳлар.

Банднинг охириги икки мисрасида "тарди акс" санъати қўлланган, "оғаҳ", "ҳижрон" сўзлари кейинги мисрада ўрни алмашган ҳолда келган. Биринчи мисрада "огоҳ бўлмоқ" феъли маъносида келган сўз кейинги мисрада отлашиб, шахсни англаган. Байтдан шундай мазмун англашилади: Фақат ҳижрон дардидан огоҳ инсонларгина бу "ғамгин"ни ҳижрон ўлтурганлигининг огоҳи бўла оладилар. Кейинги байтда фикр давом эттирилади.

Ошиқнинг жонни ўртовчи афғону фарёдининг боиси, юзининг сомондек сарғайганлиги – ю, бу ошуфтаҳолининг сабаби не эканлигини ҳеч ким фаҳм этмайди. Базму ишрат даврида ўзларининг ҳалқасига, яъни даврасига эга бўлган дилхоҳлар ошиқнинг ҳажр занжиридаги дилхоҳини, истагини қайдан билсин?

Мухаммаснинг яқунловчи бандида шоир ўзаро зид тушунчаларни ёнма – ён қўллаш орқали даҳри дуннинг қабих ишлари ҳақида фалсафий хулоса қилади:

Бўлғай албатта, ғанийда бенаволар фикри йўқ,
 Эй Аваз, ҳам ошно, ноошнолар фикри йўқ,
 Комрон ўлғонда коми нораволар фикри йўқ,
 Эй Навоий, шоҳларда чун гадолар фикри йўқ,
 Айлагил сен тангри даргоҳига шайъанлиллоҳлар.

Ғаний – бенаво, ошно – ноошнолар, комрон – коми нораво, шоҳ – гадо зидловчи сўзлари асосий маънони таъкидлашга хизмат қилган. Ҳеч замонда шоҳлар гадолар учун қайғурмаган. Инсоннинг эса ёлғиз паноҳи – Оллоҳ. Оллоҳ – раҳмли. Оллоҳ – кечиримли. Оллоҳ – карамли. Бандалардан паноҳ кутмай, Тангри даргоҳига шайъанлиллоҳ айламоқлик энг тўғри йўлдир.

Навоийнинг "ондин кўб" радифли ғазалига Аваз боғлаган мухаммас ишқий мавзуда яратилган бўлиб, унда Аваз Навоийдан олган сабоқлари асосида ишқи мажозий билан ишқи илоҳийни – маъшуқага бўлган ишқ билан, Оллоҳга бўлган ишқни умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Навоий наздида ишқ покбозликдир, яъни: "Пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ". Бу фикр Аваз таърифида янада давом эттирилади:

Етиб қалбимга олому азият жона ондин кўб,
 Етар санги ситам бошга тани урёна ондин кўб,
 Боғирға доғи етмиш сийнаи сўзона ондин кўб,
 Бу оқшом ҳолима шам ўртанур парвона ондин кўб,

Чаманда оташин гул, булбули девона ондин кўб¹.

Ана шу ишқ туфайли ошиқнинг қалбига алам, жонига азият етади. Танию бошига дарду ситам тоши ёғилади. Қалбини ғаму андуҳ макон айлайди, ўртанган кўнгли янада бадтарроқ ўртанади. Ошиқнинг бу аҳволига тунда шаму парвона, чаманда оташин гулу булбули девона ўртанади.

Бу ўринда шам — гул, парвона — булбул образлари бир — бирига мутобиқ — параллел қўйилади. Шу билан бирга, уларга ўртаниш ҳолатини хослаштириш орқали ташхис санъати вужудга келади. Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, тасаввуфда шам — Оллоҳ, парвона — ошиқ инсон тимсоли, фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва яхши сифатларга эга бўлиш, ҳирсу ҳавасни тарк этиш йўли. Ошиқнинг бу ҳолатига шаму парвонанинг, гулу булбулнинг ўртанишига сабаб шуки, улар ҳам ишқ аҳлидандирлар. Улар ҳам ишқ савдосига гирифтор бўлган. Шу боис ошиқнинг чеккан азобу изтироблари уларни бефарқ қолдирмайди. Ошиқ маҳбубаси "фироқи шоми ичра" кўзларидан қонли ёш тўкади. Аҳволини маҳбубасига бориб айтишларини тилайди. Шунда шояд раҳм этиб, бир лаҳза бўлса — да қошимга келса, дея умид боғлайди.

Ошиқ ишқ йўлида дарвешга айлангач, табиийки, унинг макони ҳам вайрона бўлади. Унга ўз вайронасидаги гард — чанг — ғубор етмаганидек, фалак ҳам унинг бошига гарди фано ёғдиради.

Кўнгуллар гулситониға сочар зару дирам тухмин,
 Дикиб гоҳи фараҳ нахлин, экиб гоҳи алам тухмин,
 Терар ондин бори жонлар қуши муҳлик сам тухмин,
 Эмас анжум, қазо кўк мазраида сочти ғам тухмин,
 Вале тўқди кўзим ғам шоми мундоқ дона ондин кўб.

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 179 б.

Жонлар қуши — истиора. Бу ўринда ошиқлар аҳлига нисбатан ишлатилган. Ошиқлар аҳли тақдири азалнинг ана шу неъматлари ичидан муҳлик сам тухмини, яъни ҳалок қилувчи заҳар тухмини териб олишади. Бу уларга тақдир томонидан белгиланган улуш. Осмондаги юдузлар эмас. Улар тақдир томонидан кўк экинзорига сочилган ғам тухумлари бўлиб, шу қадар кўпки, лекин ғам шонида лирик қаҳрамон — ошиқнинг кўзидан тўккан кўз ёшлари ундан — да кўпроқдир. Маҳбубаси ҳажрида ошиқнинг дилу жонига жудолик етади. Ошиқ аҳли даврон ичра бу савдо ила расво бўлади. Лирик қаҳрамон айтадики, агар менинг ошиқлигим гуноҳ саналадиган бўлса, мени ҳижрон азобида қийнамасдан, менга ўлим жазосини тайинлаб қўяқол. Чунки мен учун ҳижрондан кўра ўлим афзал. Агар менинг гуноҳим кўп бўлса, ана шу гуноҳим учун тўлаётган ҳақим, товоним ундан — да кўпроқдир. Ошиқнинг ишқ йўлида чеккан азобу изтироблари, нолау фиғонлари — ошиқлик учун тўлов.

Лирик қаҳрамоннинг туйғулари банддан бандга кучайиб, унинг юрагидаги дарди, эҳтирослари жўшиб бораверади. Оқибатда унинг маскани — ғамхона, қиладиган иши — ғам — андуҳ чекмак бўлади. Унинг ҳижрондаги ҳаддан ортиқ қийин аҳволини кўргач, наинки ошнолар, ҳатто бегоналар ҳам андин малолат топадилар, яъни унинг бундай аҳволдан сиқиладилар, изтироб чекадилар, унга ачинадилар.

Аваз, ишқ ўти ҳар ошиқи фарзонани ўртар,
 Гадоу ағниёу оқилу девонани ўртар,
 Фиғону ноласи аҳбоб ила бегонани ўртар,
 Навоий, оҳи тун — кун булбулу парвонани ўртар,
 Ки ишқ ўтини даъво қилмағайлар ёна ондин кўб.

Ишқ ўти гадоу, ағниёғу оқилу девонани баравар ёндиради. Ишққа гирифтор бўлган ошиқнинг фиғону ноласи аҳбобни ҳам,

бегонани ҳам ўртайди. Гадо, агниё, оқил, девона сўзлари таъдил санъатини, аҳбоб, бегона сўзлари тазод санъатини ҳосил қилган.

Биринчи банддаги фикр мухаммаснинг охирги бандида яна такрорланади. Бу орқали, биринчидан, ишқ ўти барчани баравар ўрташи яна бир бор таъкидланса, иккинчидан, мухаммаснинг композиция жиҳатдан яқпоралиги таъминланади.

Аваз Навоийнинг машҳур бир ғазалига мухаммас боғлаган.

Кўзинг не бало қаро бўлубдур

Ким, жонга қаро бало бўлубдур

байти аслида Навоийга "ҳам дўст, ҳам фарзанд" бўлган самарқандлик Мирзо Алибек исми шоир қаламига мансубдур. Навоий Мирзо Алибекнинг ушбу байтини жуда юксак баҳолаб, ундан рағбат олиб, байтни давом эттириб, ана шу услуб, вазн ва оҳангни сақлаган ҳолда яна олти байт қўшиб мукамал ғазал битади.

Аваз эса ўзининг маъно мазмуни ва бадиияти билан ниҳоятда гўзал бўлган ушбу ғазалнинг иккинчи ва бешинчи байтларидан бошқа бешта байтига тахмис битади ва салафларининг фикрларига ҳамоҳанглик қилади. Мухаммаснинг биринчи банди қўйидагича:

Дил ишқинга мубтало бўлубдур,

Ҳам расми вафо онго бўлубдур,

Ойини жафо санго бўлубдур,

Кўзинг не бало қаро бўлубдур

Ким, жонга қаро бало бўлубдур¹.

Адабиётшунос Ғ.Каримов бу асарни юксак баҳолаб, "Аваз Ўтар икки улуғ санъаткор томонидан зўр маҳорат билан ёзилган ғазалга маҳорат ва санъатда сира қолишмайдиган мисралар илова қилиб, ажойиб мухаммас яратди", — деб ёзади¹.

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 7102. — В. 197 б.

¹ Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3— китоб. — Тошкент: Ўқитувчи, 1966. — Б. 265—266.

Мухаммаснинг якунловчи байтида Аваз "ишқ ояти"га ўзининг ишқ ривоятию ҳикояти билан жўр бўлади:

Дилдўз бaсе ривояти ишқ,
 Жонсўз, Аваз, ҳикояти ишқ,
 Бу навъдурур ниҳояти ишқ,
 То тузди Навоий ояти ишқ,
 Ишқ аҳли анго наво бўлубдур.

Навоий ва Аваз куйлаган ишқ Навоийнинг ғазалларини нурлантириб турган ва Авазнинг ғазалларига шуъла сочиб турган пок муҳаббатнинг — "ишқи ҳақиқат"нинг гўзал ва ёрқин ифодасидир.

Аваз тахмисларининг бир қисми Фузулий ғазалларига боғланган. У Фузулийнинг "керакмасму санго", "сўр" радифли ғазалларига татаббуъ ёзиш билан бирга, "ёзмишлар" радифли мухаммасини ҳам устоз ғазали асосида яратган бўлиб, шеър бадиияти, услуби, тилининг ширадорлиги билан аҳамиятлидир:

Зумуррадгун хатеким лаъли шаккарвора ёзмишлар,
 Онинг мазмунидир ошиқларин овора ёзмишлар,
 Вафосизлиғни иншосини ул дилдора ёзмишлар,
 Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар,
 Бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар².

Мухаммасда "ёзмишлар" сўзи тажнис ҳосил қилган. Бу сўз Фузулий байтининг биринчи мисрасида "тақдир қилмоқ", иккинчи мисрасида "ёзмоқ", "битмоқ" маъносида ишлатилган. Аваз мисраларида эса 1) "сочмоқ", "тарқатмоқ"; 2) "қилмоқ", "айламоқ"; 3) "ёзмоқ", "битмоқ" маъноларида қўлланган. Фузулий байтида "пешонасида борини кўрмоқ" иборасига монанд фикр қаламга

² Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 170^б.

олинган. Тақдири азал ошиқлар аҳлининг бахтини қора қилиб яратган ва бу мазмундаги хатни унинг сафҳаи рухсорига ёзиб қўйган.

Фузулий ошиқлар аҳли ҳақида сўз юритса, унга мос равишда Аваз мухаммасга маъшуқа образини олиб киради. "Хат" сўзи ҳам тажнисни ҳосил қилган. Фузулий мисрасида у "ёзув" маъносида ишлатилса, Авазда "янги чиққан мўйлаб" маъносида қўлланилади. Маъшуқанинг лаби атрофидаги зумуррадгун хатни Аваз ошиқларни овора қилиш мақсадида ато этилган тақдир инъоми деб баҳолайди. Учинчи мисрада дилдорнинг вафосизлиги ҳақида гап боради. Аслида ёр ҳам, вафо ҳам жуда кенг тушунча бўлиб, кўп ҳолларда ижтимоий моҳият касб этади ва умрнинг, дунёнинг, бойликнинг ва бошқаларнинг вафоси назарда тутилади.

Жаҳонни қилма тийра кокилинг юзга ниқоб айлаб,
Тани ушшоқдин жон олма қаҳр ила итоб айлаб,
Сани бадмеҳрни яктойи даврондин ҳисоб айлаб,
Гулистони сари кўйинг сифотин боб – боб айлаб,
Хати райҳон ила жадвал чекиб гулзора ёзмишлар.

Маҳбубанинг кокили унинг юзига ниқоб бўлиб қолмасдан, жаҳонни ҳам қоронғиликка буркайди. Чунки олам мунавварлиги маҳбубанинг пуранвор орази туфайлидир. Ошиқ уни даврон ичра ягона деб билади. Шу боис унинг кўйи, яъни маҳбубанинг васлига элтувчи йўл сифатини боб – боб айлаб, райҳон ила жадвал чекиб гулзора ёзмоқликни маъқул кўради. Маҳбуба шундай хилқатки, унга назари тушган одам шу заҳотиёқ шак – шубҳасиз ошиқи ҳайрон бўлади ва унинг шавқида нолау афгон чекади. Агар у бир такаллум айласа, сўзласа борми, ҳатто жонсиз нарсаларга ҳам жон киради.

Бировни айлабон офтоби иқболини фирўзи,
Бировга верди бахти бад чекарга оҳи дилсўзи,

Бирин шоду бирин ғамгин эдар байрам наврўзи,
 Муҳаррирлар ёзанда ҳар кима оламда бир сўзи,
 Банга ҳар кун дили садпорадин бир ёра ёзмишлар.

Бандда шоир ҳаётнинг қарама – қаршиликлардан иборат эканлигини ёритиб беради. Бу ҳаёт кимларгадир бахт, яна кимларгадир бахтсизлик ато этади. Оллоҳ инсонни тақдири билан бирга яратади. Бу ўринда тақдири азал тушунчаси ўрнида ишлатилган "муҳаррирлар" ҳар кимга бир сўз ёзса, яъни насиба улашса, лирик қаҳрамонга ҳар кун дили садпорадин бир ёра ёзмишлар.

Қўплаб шоирлар Огаҳий даҳосининг маҳорат мактабида таҳсил олиб, қаламларини чархлаганлар ва ўз овозларига эга бўлганлар. Булар орасида Аваз ҳам муносиб ўрин эгаллайди. У Огаҳийнинг ғазаларига мухаммаслар боғлаш орқали устоздан сўз қўллаш сирлари, образ яратиш маҳорати каби билимларни ўрганади. Аваз Огаҳийнинг "оразинг" радибли ғазалига тахмис боғлаган. Табибий бу тахмисга муносабат билдириб, қуйидаги маснавийни келтиради:

Аваз ҳам эрур шоири чувтгў,
 Қилур табъ ўлмоқ учун жустижў.
 Бу ашъор онинг пайравидиндурур
 Ки, бу маъризи ҳуснга еткурур¹.

Бу байтлар орқали Табибий Авазнинг қалами тез шоир эканлигини этироф этади ва Авазнинг "Оразинг" радибли тахмисини гўзалликнинг асоси, ажойиб намунаси сифатида баҳолайди. Нашрларга киритилмаган бу тахмисни Табибий "Мухаммасот..."ида берилган матн асосида таҳлилга тортамыз. Огаҳий ғазали тўққиз байтдан иборат. Аваз унинг етти байтига пайрав қилиб тахмис битган:

¹ Аҳмад Табибий. Мажмуаи мухаммасот уш – шуарои Ферузшоҳий. ЎЗР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. 1134.

Авжи сабоҳатда бўлуб хуршидосо оразинг,
 Ёритгусидур мажмуъи оламни гўё оразинг,
 Мафтун этарга даҳр элин, эй шўх, якто оразинг,
 Жонбахш лаълинг уза то хат қилди пайдо оразинг,
 Жамъ айлади хуршид уза Хизру Масиҳо оразинг.

Маҳбубанинг орази қуёшга монанд. У гўзалликнинг авжи, қуёш каби мажмуъи оламга ёруғлик ато этади, яъни унинг орази гўзаллигидан қалблар нурафшон бўлади. У шу қадар нафосатлики, ёлғиз ўзи даҳр элини мафтун этишга қодир. Огаҳий байтида ташбеҳ санъати қўлланилган. Маҳбубанинг лаби Масиҳга, лаби устидаги хати Хизрга, орази эса Хуршидга менгзалади. Лаб ўрнида лаъл сўзининг ишлатилиши истиорага асос бўлади. Шунингдек, Хуршид, Хизр, Масиҳ тимсолларига ишора қилиниши талмеҳни вужудга келтиради.

Очиб лабингни ҳуққасин сочиб бори оламга дур,
 Ушшоқ хайли базмиға рўзу ниятлар етур,
 Ман сориға ҳамки, гаҳи меҳр вафо рахшини сур,
 Ойдек юзинг маҳжурлар шоми ғамини ёритур,
 Партав менинг шомимға ҳам солғойму, оё оразинг.

Мумтоз адабиётда маъшуқанинг лаби қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича — ҳуққага ўхшатилади. Демак, унинг лабидан чиқадиган сўзлар — дур. Лирик қаҳрамон — ошиқ маҳбубадан лаби ҳуққасини очиб, бори оламга дур сочишини, ошиқлар аҳлига ризқ — рўз, насиба, жуда бўлмаганда, яхши нияту истаклар улашини тилайди. Шу қаторда, ўзини бу илтифотдан бебаҳра қўймаслигини, ҳар куни бўлмаса — да, гоҳ — гоҳида ўз меҳр чашмаси қатрасидан баҳраманд этишини ўтиниб сўрайди. Шом бу ўринда қоронғулик маъносида ишлатилган ва партав сўзи билан тазод ҳосил қилган. Маъшуқанинг ойдек юзи ҳижронда қолган ошиқлар шоми ғамини

ёритишдек қудратга эга. Шунинг учун ҳам маъшуқа илтифотидан умидвор ошиқ маҳбубаси келиб, тийра шомини мунаввар этишини, озгина бўлса—да меҳр ва вафони одат этиб, унга раҳм айлашини истайди. Лирик қаҳрамон ўша гўзалга шайдо бўлганидан буён гулдек умри ҳижронда хазон бўлади, жисми ҳасрат тирноғининг захмидан сарбасар яра бўлади. У маҳбубаси оразининг ҳажри ғамида ўлимга ҳам рози. Шу боисдан ҳам маҳбубасидан ё оразини кўрғазишини, ё бўлмаса ҳижронида ўртамасдан, тиф билан ўлдириб қўя қолишини сўрайди. Чунки ҳеч бўлмаганда маҳбубаси қўлида жон беришлик ошиқ учун шараф. Кейинги бандларда маҳбуба жаннатнинг ҳуру филмонларига, унинг оразию қомати эса жаннат гулу сарвига менгзалади ва улардан устун қўйилади.

Зоҳид жаннат илинжида дунё лаззатларию ташвишларидан воз кечиб, эртаю кеч тоат—ибодат билан машғул бўлади. Лирик қаҳрамон наздида, агар ўша зоҳид ҳам маҳбубанинг зебо қоматию ҳумро оразини кўрганида эди, жаннатнинг гулу сарвин тиламаган, зоҳидликдан воз кечиб, ошиқликни ихтиёр этган бўлар эди.

Солиб қулоқ мискин Аваз фарёд ила оҳиғаким,
 Ушбу замон ичра тушуб аҳли вафо роҳиғаким,
 Арз айлагай ҳолин бориб сан ҳусн эли шоҳиғаким,
 Ишқинг ўтиға куйгуси, раҳм айла Оғаҳийғаким,
 Токим, кўрубдур бир назар ул зори шайдо оразинг.

Охирги бандда лирик қаҳрамон — ошиқ даражасига кўтарилган шоир маҳбубаси оразига бир назар ташлаш билан унинг ишқи ўтига кўйганини баён қилади ва ёридан унга раҳм айламакликни илтижо қилади. Аваз ҳам Оғаҳий фикрларини ривожлантириб, унга ҳаммаслак бўлган ҳолда мисралар битади. Аваз лирик қаҳрамони ҳам ҳусн элининг шоҳи бўлган маҳбубага ҳолини арз айлаб, уни ўзининг

фарёду оҳларини эшитишга ва энг муҳими, вафо йўлига киришга чорлайди. Хуллас, икки ижодкор меҳнати самараси сифатида майдонга келган бу тахмис муҳаббат лирикасининг бир намунаси бўлиб, маҳбуба таъриф – тавсифига, мадҳига бағишланган.

Демак, мухаммас яратиш Хоразм адабий муҳити шоирлари ижодида муайян ўрин тутди. Аваз мухаммаслари ҳам унинг поэтик маҳорати қирраларини янада ёрқинроқ тасаввур қилишга ёрдам берувчи омил сифатида қимматлидир.

2.3. "Таржеъбанди хомиса" – издошликнинг мумтоз намунаси

Аваз ижодида мумтоз анъаналарга адабий издошлик кенг қамровли бўлиб, мавзу, гоё, образ, бадиият ва бошқа бадиий унсурларда ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Аваз ижодий бисотидаги "Таржеъбанди хомиса" асари алоҳида ажралиб туради. Бу Навоий эпик шеърятидан илҳомланишнинг яна бир намунаси бўлиб, "Хоразм адабий муҳитида Алишер Навоийнинг "Хамса"сидан таъсирланиб, таржеъбанд шаклида ёзилган асар учрамайди"¹. Афсуски, Авазнинг "Таржеъбанди хомиса" асари ҳозиргача тўла чоп этилмай ва махсус ўрганилмай келинмоқда. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 942 – рақами билан сақланаётган девонда таржеъбандлар қуйидаги тартибда берилади:

1. Таржеъбанди Аваз "Фарҳоду Ширин" вазни.
2. Таржеъбанди Аваз "Баҳром Гўр" вазни.
3. Таржеъбанди Аваз "Лайли, Мажнун" вазни.
4. Таржеъбанди Аваз "Ҳайрат..." вазни.
5. Таржеъбанди Аваз "...Искандар" вазни ¹.

¹ Мўминова В. Аваз Ўтар ўғли // Аваз ва унинг адабий муҳити. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 114.

Авазнинг эпик анъанага ижодий ёндашуви ва новаторлигини кўрсатувчи бу таржеъбандлар махсус туркум бўлиб, Навоийга издошлик масаласини ўрганишда алоҳида ўрин тутади.

"Таржеъбанди хомиса" асари "Хамса" сингари беш қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисми "Хамса" дostonларига вазн, мазмун ва ғоя жиҳатидан ҳамоҳангдир. "Хамса" маснавий шеърий шаклида (а – а, б – б, в – в) яратилгани ҳолда, Аваз асари таржеъбанд жанрида ёзилган, яъни ғазал сингари қофияланиб (а – а, б – а, в – а), ҳар банд охирида биринчи банднинг жуфт қофияли сўнгги икки мисраси айнан такрорланади. Асарнинг асосий мазмун – мундарижасини Ишқ фалсафаси ташкил этади. Навоий "Хамса"си каби ҳар бир қисмда етакчи мавзу бўлиб, фикр ва образлар, кечинмалар ана шу мавзу атрофида бирлашади.

Навоий "Хамса"сидаги "Ҳайрат ул – аброр" дostonи фалсафий – таълимий асар бўлиб, дoston бобларида ёритилган масалаларни шартли равишда фалсафий, ижтимоий – сиёсий ҳамда ахлоқий – таълимий масалаларга ажратиш ўринлидир. Навоий ахлоқий – таълимий масалалар сифатида карам, сахийлик, одоб, қаноат, ростгўйлик ва тўғрилиқ, илмга интилиш, элга манфаат етказиш каби хислатлар қаторида вафо ва садоқат, ишқ кабиларни ҳам тарғиб этади. Дostonнинг саккизинчи ва тўққизинчи мақолатлари вафо ва ишқ ўти таърифига бағишланади.

"Таржеъбанди хомиса"нинг биринчи қисми Навоий "Ҳайрат ул – аброр"и вазни – сарий баҳрида (рукн схемаси – VV – – VV – – V – муфтаилун, муфтаилун, фоилун) ёзилган бўлиб, шоирнинг устоз санъаткор куйлаган ишқ ва муҳаббат, вафо ва садоқат ғоясидан таъсирланганлиги сезилиб турибди.

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. №942. – В. 255^б – 262^б (Мисоллар шу манбадан олинади).

Алишер Навоий вафони қимматбаҳо ноёб дурга қиёслайди ва кимдаки ана шу гуҳар, яъни вафо бўлса, унга ранж — алам доим ёр бўлади, дейди:

Ким, бу гуҳар ҳар кишидин бўлди фош,
Бошиға ёғди гуҳар ўрниға тош¹.

Аваз ҳам шу фикрни давом эттиради ва вафо аҳлининг насибаси кечаю кундуз ҳижрон азобида ўртаниш эканлигини таъкидлайди:

Бўлса вафо аҳли насиби, не тонг,
Субҳу масо бекасу маҳжурлиғ.

Ҳар банд охирида такрорланиб келган “шўҳи жаҳонким, бор эрур бевафо, Золими бедодгару пуржафо” жумласи жаҳон шўхларининг бевафолигини таъкидлабгина қолмасдан, балки даҳри дуннинг пасткашлигини, мавжуд ижтимоий — сиёсий тузумнинг бедодгарлигини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Аваз ҳаётдаги зиддиятлар ҳақида гапирар экан, зоҳирда меҳрибон бўлиб кўринган кимсалар аслида душман эканликларини, кимгаки яхшилик қилган, вафо кўрсатган бўлса, эвазига ёмонлик ва жазога сазавор бўлганлигини мисралар замирига сингдириб юборади. Шоир маҳбубанинг гўзаллигини, бошдан — оёқ жон каби марғублигини, жаннат каби файз ато этувчи эканлигини, ҳатто унинг руҳи мужассамини кўриб Чин наққоши ҳам ҳайрат бармоғини тишлаганлигини тасвирлайди, лекин шунга қарамасдан, бу гўзалнинг ички дунёси ҳуснига монанд эмаслигини, у ғазаб ва кекни ўзига одат қилиб олганлигини ифодалаш орқали яна бир зиддиятни очиб беради:

Гарчи экан шаклу шамойилда ҳур,
Лек бўлуб одати хашм ила кин.

Навоий фикрича:

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 7 — жилд. — Тошкент. 1991. — Б. 178.

Ошиқ они билки, эрур дарднок,
 Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок¹.

Авазнинг лирик қаҳрамони ҳам Навоий тасвирлаган ошиқ сингари маҳбубадан етган озорни ўзига роҳат деб билади:

Истар эсанг васл аро масрурлиғ,
 Чек гами ҳажрида, ранжурлиғ...
 Ранжи миҳан чекмайин олам аро,
 Қилмади ҳеч бир киши ганжурлиғ.

Шоир фикрича, ҳақиқий ошиқ нечук офат бошига келса ҳам розиу масруреу мамнундир. Ана шундай машаққатларга бардош беролмайдиган кимсаларга нисбатан шоир:

Келса йигит жонингга ҳайфинг агар,
 Тутма олар одини эй нек ном, —

дейди.

Аваз жаҳон хўбларини Муштарий, Зуҳра, Меҳрга қиёслайди. Ружуъ санъатига мурожаат қилиш орқали Меҳр эмас, балки ҳар бири бир шоҳ, бир тахт эгаси, лекин уларни қалби фано (йўқлик) нуридан равшан бўлмаган киши тушуна олмайди, дейди. Бу билан ҳақиқий ошиқлар ҳеч қачон бир — бирларининг висолига эриша олмаганликларига, фақат ўлимгина уларни бир — бирларига етиштириши мумкинлигига ишора қилади.

Алишер Навоий фикрича, шоҳнинг агар ҳамдаму ёри бўлмаса, шоҳлигидан фойда йўқ, ундан ёри бор гадо афзал:

Ёр эрур андоқ гуҳари бебаҳо
 Ким, анга муҳтож не шоҳ, не гадо¹.

Ишқ — илоҳий неъмат. У на мол — давлат, на шон — шавкат на амал — мартаба танлайди. Шу боисдан ҳам Аваз:

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 7 — жилд. — Тошкент. 1991. — Б. 193.

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 7 — жилд. — Тошкент. 1991. — Б. 182.

Сўз будурур ишқ русуми аро,
Бил, тенг эрур шоҳу гадоу вазир, —

дейди. Бу фикр Навоий лирик қаҳрамони Фарҳод тилидан айтилган “Ишқ ичра тенгдир шоҳу дарвеш” жумласини эслатади. Аваз лирик қаҳрамони ишқ бобида Навоий лирик қаҳрамониға ҳаммаслак. У шўхи жаҳоннинг “бевафою пуржафо” эканлигини билса — да, унинг “ғами ҳажрида ранжурлиғ чекишни”, “дилбари мақдамиға нақди жонини садқа айламоқликни” ўзига раво кўради.

“Таржеъбанди хомиса”нинг иккинчи қисми Алишер Навоий “Хамса”сига киритилган иккинчи дoston “Фарҳод ва Ширин” билан ҳар томонлама ҳамоҳанг. Ҳар иккала асар арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилгани ҳолда (мафойилун, мафойилун, мафоил тарзида, яъни рукн схемаси V — — — V — — — V — —), мазмун жиҳатидан ҳам ўхшашлик, Навоийға эргашиш сезилиб туради.

Маълумки, “Фарҳод ва Ширин” ишқий — қаҳрамонлик дostonи. Авазнинг мазкур асарида ишқ билан бирга, одамийлик масаласи ёритилади. Буни шоир лирик қаҳрамони тилидан маъшуқага қарата айтилган ва уни инсофга, одамийликка чақирувчи:

Тараҳҳум айла аҳволимға изҳор

Ки, ҳижрон ранжиға бўлдим гирифтор

мисралари орқали кузатишимиз мумкин. Ҳар бандда такрорланиб келган бу байт яна бир вазифани — ошиқ ички олами, руҳиятидаги тушкунликни акс эттиришга ҳам хизмат қилган. Бу икки асар ўртасидаги асосий ўхшашлик маъшуқа таъриф — тавсифида, қолаверса, ошиқ руҳиятини акс эттиришда яққол сезилади. Навоий дostonининг 44 байти бевосита Ширин гўзаллиги таърифига бағишланади, ундаги кўпгина сифатлар Аваз лирик қаҳрамони

маъшуқасига ҳам хос. Жумладан, маҳбуба кўзи таърифида шундай мисраларни ўқиймиз:

Навоий: Кўзи ислом элига топибон даст,
Ўтиб мусҳаф юзига кофири маст.

Бўлуб сиҳҳат олурда гоҳ ранжур,
Бўлуб гаҳ айни усруклукта махмур¹.

Аваз: Аё номехрибон ҳури паризод
Кўзи хунхорау қаттолу жаллод.
Демай жаллод, эй кўнглим қушини
Қилурға сайд икки турфа сайёд.

Навоий ўхшатиш санъатига асосланиб, Шириннинг юзини мусҳафга, кўзини эса Ислом элини қўлга туширишни ният қилган кофири мастга қиёслайди. Шоир талқинича, бу кўзлар ўз мақсади йўлида турлича кўриниш касб этади. Баъзан соғ, баъзида хаста, яна баъзида эса усрукликда махмур қиёфага киради.

Аваз лирик қаҳрамони маҳбубасининг кўзлари эса хунхорлик, қаттоллик, жаллодликни ўзига касб қилиб олган. Шоир кейинги байтда ружуъ санъатига асосланиб, фикридан қайтгандай бўлади ва маъшуқа кўзларини жаллод эмас, балки кўнгил қушини сайд этишга чоғланган икки турфа сайёдга қиёслайди. Маъшуқанинг кўзлари қотил. Лекин унинг лабидан чиққан сўз Исо мўъжизаси каби ошиқнинг ўлган жисмига қайтадан жон бахш этади:

Нигоҳи кўзларинг қотил эрур, лек,
Лабинг ҳар бир сўзи эъжози Исо.

Навоий киприк таърифида шундай дейди:

Бўлуб ҳар кирпичи бир нўги хома,

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 8 – жилд. – Тошкент. 1991. – Б. 236.

Қарортиб қатл учун ёзмоққа нома.

Варақ айлаб анга лавҳи узорин,
Қарортиб олам аҳли рўзгорин¹.

Маҳбуба киприклари ошиқ қатли учун нома ёзишга шай турган қалам учига ўхшатилади. Аваз эса:

Эса лаълинг ҳаётафзо ва лекин,
Эрур киприкларинг андоқки ханжар, —

дея маҳбубанинг киприкларини ханжарга ўхшатади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам киприк ошиқни қатл этувчи сифатида таърифланади.

Маъшуқанинг зулфи мумтоз адабиётда сиртмоқ, арқон, тузоққа ўхшатилади. Навоий:

Тушуб ҳар ён мусалсал зулфи банди,
Бўлурга хора афганлар каманди², —

деб маъшуқанинг икки ўрим сочини ов пайтида тош отишга мўлжалланган камон сиртмоғига ўхшатса, Аваз:

Камандосо халойиқ гарданига,
Мусалсал турраи зулфинг муталло, —

дея маъшуқанинг ўрилган тилла ранг сочларини халойиқ қатли учун унинг гарданига — бўйнига солинган сиртмоқ дея таъриф этади.

Маъшуқа юзидаги хол ҳам шоирлар эътиборидан четда қолмайди. Навоий Ширин лабидаги холни таърифлашда гўзал манзара кашф этади. Унинг ўғриликка монанд саводи холи қанд элтиш учун лаби атрофига келади: "Олиб ширинлик аммо авд этар дам, Аёғлари бўлиб шаккарда маҳкам, Ўғурларда тузу шаккар ниҳони, Шакар тутмиш ва ё туз тутмиш они". Натижада, ҳусни таълилни чиройли намунаси майдонга келади. Аваз эса маъшуқанинг зулфини

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 8 — жилд. — Б. 237.

² Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 8 — жилд. — Б. 236.

ошиқ кўнгли қушини сайд этиш учун қўйилган домга, холини ундаги донага ўхшатади:

Гирифтор айлади кўнглум қушини,
Бўлуб зулф ила холинг дому дона.

Навойй лирик қаҳрамони маъшуқасини таърифлашда давом этар экан, қаддини озода жаннат савсанига, юзини гулга, балки юз гул хирманига ўхшатса, Аваз бу фикрни янада ривожлантиради ва маъшуқа портретини анъанавий ташбеҳлар орқали шундай таъриф этади:

Сочи мушкин сунбул, кўйи гулшан,
Руҳи гул, лаъли ғунча, қадди шамшод.

Таржеъбандда маъшуқа таърифи билан бирга, лирик қаҳрамон руҳияти ҳам ёрқин чизиб берилган. Маҳбубасидан айро тушган ошиқнинг кўзларига ёруғ дунё қоронғу, кўзларидан ёш ўрнига бағир қони равона бўлади, ўзга маҳвашни асло ихтиёр этмайди, ёридан жафо таркини айлаб, ўзига меҳр ила вафони атвор этишни тилайди:

Жафо таркини айлаб айла атвор,
Яна ўзингга меҳр ила вафони.

Ошиқ шу тариқа ёрини инсофга, одамийликка чақирар экан, уни Ширинга, ўзини эса ишқ аҳли ичра Фарҳодга қиёслайди:

Агарчи сен эрурсан мисли Ширин,
Вале ман хайли ошиқ ичра Фарҳод.

Хуллас, ошиқнинг ҳижрон азобида ўртаниши, маъшуқа илтифотидан умидворлиги таржеъбанд бу қисмининг асосий руҳини, ғоясини белгилайди.

“Таржеъбанди хомиса”нинг учинчи қисми “Лайли ва Мажнун” достони билан вазн жиҳатдан бир хил (ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбули маҳзуф). Навоййнинг достони ишқий — романтик дoston

бўлгани ҳолда, Аваз асарида ҳам муҳаббат дарди, ошиқ ҳасрати ифода этилади.

Лирик қаҳрамон “Кел, мендин эшит ҳикояти ишқ”, — дея ўз ҳасратини бошлайди. Бир куни унга бир маҳлиқо учраб қолганлигини ва шундан кейин ҳаловатини йўқотганини қуйидагича баён қилади:

Учрашди ман ҳазинга бир кун
 Бир шўх нигори чашми бодом.
 Жонларни қушини сайд этарга
 Сайёд кўзию кокили дом.

Алишер Навоий ўз асарида лирик қаҳрамони Мажнуннинг ҳижрондаги изтиробини қуйидагича ифодалайди:

Йўқ кундузу кеча хўрду хоби,
 Дом ичида қушдек изтироби.

Уйқу кўзидин тутуб канора,
 Ҳар кирпики уйқуга катора¹.

Лайли ишқида ўртанаётган Мажнун на кундузи таом ейди, на кечаси ухлайди. Худди домга тушган қушдек изтироб чекади. Уйқу кўздан ўзини олиб қочган, киприклари худди ўткир ханжар бўлиб уйқуни қувадилар. Аваз лирик қаҳрамони ҳам ишқ туфайли худди шу кўйга тушган. Навоий ўз қаҳрамони руҳиятида кечаётган жараёнларни учинчи шахс тилидан сўзласа, Аваз бу ҳолатни лирик қаҳрамон — ошиқ тилидан қуйидагича баён этади:

Бордур манга онсизин на уйқу,
 Шаб — рўз етиб малолу қайғу.
 Ҳижронида тийра ёғду олам,
 Икки кўзима келиб қаро сув.

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 9 – жилд. — Тошкент. 1992. — Б. 116.

Навоий лирик қаҳрамони бора – бора жунун бўлиш даражасига етади. Бу жараёни Навоий қуйидагича образли ифодалар билан тасвирлайди:

Савдо ўтидин ёниб чароғи,
Дудиға мақар бўлиб димоғи...

Бу навъ димоғи ичра ошўб,
Кўнгилни жунун этиб лагадкўб¹.

Мажнуннинг Лайли ишқи савдоси ўтида чароғи ёниб, дуди миясига ўрнашади. Бу дуд ортган сайин тақво ва ақл уни тарк эта бошлашади. Кейин димоғи ичида тўполон юз беради ва кўнглини жунун оёқ ости қилади. Аваз лирик қаҳрамонини эса бу савдо бемор айлайди:

Фарёдки, мен ғариб эрурман,
Субҳ ила масо ғамида бемор.

Ошиқнинг бошига офат ёғилади, иши мудом кулфат чекиш бўлади. Коми муроди ҳосил бўлмай, кўнглига ғам ва ҳасрат соя солади.

Васлидин эса муроди фирдавс,
Дўзахдин ўлур фироқ аломат.

Яъни, ёр васлидан мақсад жаннат бўлса, айрилиғи дўзахдан нишонадир, дея ҳижрон азобини образли тарзда ифода этади шоир.

Кейинги бандда маҳбубани таъриф – тавсиф эта бошлайди:

Ул ҳурнишон шўх жонон,
Абрў камону чашми фаттон,
Фархунда баса икки узори,
Ҳусн авжида ҳамчу меҳру рахшон.

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 9 – жилд. – Тошкент. 1992. – Б. 116.

Шу тариқа маҳбубанинг лаълининг зулолини кавсар суви ва оби ҳайвонга, кокиллари сунбули тарга, қаддини шамшодга, хатини эса райҳонга менгзайди. Юзини гулга ўхшатар экан, гул ишқида булбул каби оҳу афғон айламакликни ўзига эп кўради. Ёри васлини тилаб, лирик қаҳрамон — ошиқнинг бағри ҳижрон қиличидан афғор бўлади. Гоҳида ҳусн ичра машҳур маҳбубаси карамлар айлаб, ошиқ базми аро кириб келади ва у билан бирга соғар ичишга майл кўрсатади. Шунда қоронғу туни нурафшон кунга айланган, ёр илтифотидан боши кўкка етган ошиқ иккинчи марта унинг висоли қачон насиб этишини ўйлаб изтиробга тушади. Ўз аҳдида собитқадам ошиқ ҳижрон азобида қанчалик ўртанмасин, ўзга маҳбубларга рағбат айламайди. Бу жиҳати билан Авазнинг лирик қаҳрамони Навоийнинг:

Чек айнима ишқ тўтиёсин,

Ур қалбима ишқ кимиёсин!¹, —

дея Каъбада Оллоҳдан ишқ сўраб, нолалар қилган лирик қаҳрамони Мажнун билан ҳаммаслақдир.

Аваз таржеъбандининг тўртинчи қисми Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони таъсирида ёзилган (вазни ҳафиф баҳри рукн схемасида). Асарда ҳижрон фалсафаси асосий ифода планига чиқади. Аваз Навоий достонидаги ҳижрон дардида ўртанган Баҳромнинг руҳий — психологик ҳолати тасвирини ўз қаҳрамони руҳиятига сингдиради. Севгилиси Дилоромдан айрилган Баҳромнинг тасвири дostonда қуйидагича баён қилинади:

Шаҳға ҳажр ўти ул сифат тутошиб,

Ким, анинг дуди етти кўктин ошиб...

Ишқ ўтиким, кўнгулдин олди фароғ,

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 9 — жилд. — Тошкент. 1992. — Б. 145.

Ашк ул ўтқадур — сув ўрнига ёғ¹.

“Сабъаи сайёр”да лирик қаҳрамон ошиқ Баҳромнинг руҳий — психологик ҳолати муаллиф томонидан баён қилинса, “Таржеъбанди хомиса”да шоирнинг ўзи лирик қаҳрамон даражасига кўтарилади, яъни ошиқ руҳияти, ички ҳис — туйғулари лирик “мен” томонидан ифода этилади. Ҳар бандда такрорланувчи:

Қасди жон қилғуси балойи фироқ,
Бўлмағай кимса мубталойи фироқ

байти асарди ҳижрон мотиви асосий мавзу эканлигини кўрсатади. Лирик қаҳрамоннинг кўнгли бир ой — гўзалга гирифтор бўлгандан бери унинг иши фигон ва зор айламоқ бўлади. Ақлу ҳуши бошдан учиб, қазо домига сазовор бўлади. Лирик қаҳрамон ўз бошига тушган савдоларни ҳеч кимга раво кўрмайди. Роҳат истаб, ҳадсиз машаққатларга гирифтор бўлган, фурқат тиғи ила кўкси сарбасар яра бўлган ошиқ “ҳеч бир ошиқнинг чашми хунбори интизорлик ранжин чекмасин”, — дейди. Кейинги бандга келиб шоир лирик чекиниш қилади. У кўнгилга мурожаат қилиб:

Эй кўнгул, келки, шукри Яздон эт,
Бандалик расмини намоён эт.
Қисмати Тангрига бўлуб рози,
Шукрин онинг сояи фаровон эт...
Кечки ишқ мажозидин бешак,
То ҳақиқий сориға сайлон эт, —

дея ишқи мажозийдан ишқи ҳақиқийга кўтарилади. Тўртинчи бандга келиб, шоир тазод санъатига мурожаат қилиш орқали даҳри дуннинг кажравлигини ва шу асосда ўзи яшаб турган ижтимоий — сиёсий ҳаётнинг зиддиятларини қаламга олади:

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 10 — жилд. — Тошкент. 1992. — Б. 118.

Яхшилар хайли борҳо ноком,
 Лек, бaсе комёб бўлмиш дун.
 Дўстларға бўлуб вубол иқбол,
 Хайли аъдони толеи маймун.

Яхшилар муродига етмаган ҳолда, пасткаш одамларнинг муроди ҳосил бўлди. Дўстлар иқболи бахтсизликка чулғаниб, ёвлар гуруҳининг толеи саодатли бўлди. Кейинги бандда ишқ роҳида собитқадам ошиқнинг сабр – бардоши, садоқати акс этади. У фурқат кўксига ханжар урса – да, маҳбубасидан воз кечмайди. Қанчадан – қанча парирўю моҳпайкарлар ҳам унга манзур бўлмайди. Зухраву Муштарию Меҳри анвар ҳам суюклиси юзидек нурбахш эмас. Оби ҳайвон ва кавсар шарбати ҳам ёри лаъли ҳажрида ошиққа талх туюлади. Ёруғ жаҳон кўзларига қоронғу кўринади. Натижада, ошиқнинг ақлу ҳуши фурқат ичра адам даштига равона бўлади, яъни у жунунликни ихтиёр этади ва табиийки, энди бахт қуши ундан чўчиб қочади, дўстлари ҳам ундан юз ўтирадилар. Банддаги Зухро, Муштарий, Меҳри анвар талмеҳлари маҳбублар хайлини ифодалашга хизмат қилаяпти. Ниҳоят, ошиқ ишқ аҳли ҳеч замонда вафо топмаганлигини тушуниб этади:

Бўлмади субҳи васлига табдил
 Дилбарим ҳажрининг қаро шом.
 ...Васл шавқи солур дилға нор,
 Етса ҳар кимга ёр пайғоми.

Бу ўринда "субҳ васли" ва " қаро шом ҳажри" иборалари тазодга асос бўлиши билан бирга, фурқат ўтида ўртанган ошиқнинг қалб кечинмаларини ифодалашга хизмат қилади. Хуллас, шоҳ Баҳром қисмати Аваз лирик қаҳрамонига ҳам насиб этади.

"Хамса"нинг бешинчи достони "Садди Искандарий" мутақориб баҳрида ёзилган бўлиб, қаҳрамонлик достонидир. "Таржеъбанди хомиса"нинг бешинчи қисми ҳам шу вазнда ёзилган ва мазмун жиҳатдан ҳам Навоий асарига ҳамоҳанг. Аваз асарида асосан, фонийлик масаласи, вафосизлик мотивлари акс эттирилади. Ҳар банд охирида такрорланувчи:

Кимиким эрса оқилу ҳушёр,

Тажарруд тариқин қилур ихтиёр

байти ҳамма нарсадан воз кечиш, ёлғизликни ихтиёр этишни тарғиб этади, яъни, бу тасаввуфдаги фақру фано мақомини эслатади. Унга кўра, мол—дунёга меҳр қўймаслик, шайтоний нафс ва ҳирсга берилмаслик, Илоҳ йўлида ботиний оламнинг барча ҳавасларидан холи бўлишлик уқтирилади.

Алишер Навоий ўзининг "Садди Искандарий" достонида Искандар тимсолида идеал шоҳ образини яратади. Барча ижобий хислатларга эга бўлган шоҳ Искандар бутун дунёни забт этиб, адолатли давлат барпо этади. У ўлимидан олдин иккала қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини васият қилади. Токи, одамлар дунёдан ҳеч нарсасиз, очиқ қўл билан кетаётганлигини кўришсин ва гап нимадалигини англаб етишсин. Навоий ўз қаҳрамони ҳақида:

Скандарки бор эрди оламға шоҳ,

Бори олам аҳлиға зилли илоҳ¹, —

деса, Аваз Искандар тақдирига ишора қилиб:

Хусусанки, Искандари номдор,

Бор эрди жаҳон шоҳи соҳибқирон.

Муродига оламда сокин бўлиб,

Айш этдиму ул хисрави хурдадон? —

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 11 — жилд. — Тошкент. 1993. — Б. 547.

дейди ва бу дунёнинг ўткинчилигига, ҳеч ким унга устун бўлмаслигига ёки кетаётганида ундан нимадир олиб кетолмаслигига ишора қилади.

Алишер Навоий оламнинг вафосизлиги ҳақида шундай дейди:

Ки, билгилки, олам вафосиздурур,
Не оламдадур ҳам бақосиздурур.

Яъни, олам вафосиз, шунингдек, оламда нимаики бўлса, бақосиз, доимий эмас. Нимаики бетайин ва беқарор бўлса, унга эътиқод қўйиш – ишониш яхши эмас. Аваз ҳам бу фикрни давом эттириб шундай дейди:

Дариғо, бақосиздур ушбу жаҳон
Ки, анда вафо бўйидин йўқ нишон.

Аваз "Девон"ининг 1976 йилги нашрида бешинчи қисмнинг учинчи банди туширилиб қолдирилган. Шунини инобатга олган ҳолда, "Таржеъбанди хомиса" асарининг умумий ҳажми 532 мисрани ташкил қилади. Нашрда туширилиб қолдирилган бандни тўла келтирамиз:

Қаён кетди сибтайни Мустафо,
Имомайн икки дурри бебаҳо.
Имом Вали Зайн ул – обидин,
Али Акбар доғи Асфар яна.
Эдилар бори оламини зубдаси
Жаҳон айладиму аларға вафо.
Ҳаёт аҳлиға гар бақо айласа,
Қилур эрди онларға дунё бақо.
Машаққат баче чеқди аҳли иймон,
Тўкиб поклар қонидин Қарбало.
Керақдир ҳамиша чекиб дарду ранж,

Худо хоҳишига чу бўлмоқ ризо.
 Кимиким эрса оқилу ҳушёр,
 Тажарруд тариқин қилур ихтиёр¹.

Демак, ҳаммаси бу фоний дунёни тарк этишган, шоҳми, гадоми, олимми, жоҳилми, комронми ёки коми норавоми — ҳаммаси оқибат бу даҳрдин интиқол қилади. Лекин одам боласи учун яхши ном қолдирмоқ, ўзидан кейинги авлодга қайсидир маънода мерос қолдирмоқ “ажаб саодат эрур”.

Катта ижтимоий — фалсафий мазмун ифодаланган ушбу мисраларни Аваз ўз асарининг хотимаси учун асос қилиб олар экан, Навоийнинг Ҳаёт ва Ишқ, Одам ва Олам ҳақидаги қарашларини ўз замонаси учун ҳам ибратли сабоқ эканини таъкидлайди ва уларни янада бойитади. Умуман, бу таржеъбанд Навоий “Хамса”си билан боғлиқ адабий анъананинг XX асрдаги ижодий давоми бўлиб, унда устоз асари мазмуни ва шаклини давр руҳи билан янада бойитишга интилиш ёрқин акс этган. Иккинчидан, асарда Навоий дostonчилигига чуқур эҳтиром сақланган ҳолда, “Хамса”нинг умуминсоний ғояси, образлари талқинидаги эзгулик ва олижаноблик хислатлари Авазга хос иқтидор ва журъат билан таъкидланиб, сайқалланадики, устоз фикрларига бундай ҳамоҳанг бўлиш камдан — кам талантларга насиб этган.

Юқоридаги мулоҳазаларимизга таяниб, ушбу боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Авазнинг анъанага ижодий муносабати татаббуъларда акс этган. У Навоий, Мунис, Огаҳий ғазаларига қатор татаббуълар ёзди. Айниқса, Навоий ғазалари унга асос вазифасини ўтади. Аваз устоз

¹ Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. — В. 262^а.

ғазалларидаги мавзу, гоё ва образларга монанд равишда ғазал — татаббуълари билан ўз даври издошлик тажрибасини янада бойитди.

2. Авазнинг поэтик анъанага ижодий муносабати ва маҳоратини ёрқин намоён қилувчи жанрлардан бири мухаммасдир. XX аср Хоразм адабий муҳитида нисбатан кўп мухаммас яратган шоирлардан бири Авазнинг бу жанрга мурожаат этиши, назаримизда, икки омил билан изоҳланади: 1) Аваз воҳада мухаммаснавислик кенг авж олган, ҳатто фақат мухаммаслардан иборат девонлар тузиш анъанага айланган даврда яшаб ижод этди; 2) устозлар ижодига эҳтиром, улар билан ижодий беллашув истаги бошқа шоирлар қатори Авазни ҳам мухаммас битишга ундаган эди.

3. Аваз мустақил (таъби худ) ва ўзгалар ғазаларига (тахмис) мухаммаслар битиб, катта иқтидор соҳиби эканини кўрсатди. Айниқса, Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳий ғазаларига боғлаган мухаммасларида салафлар шеърларидаги фикрларни янада чуқурлаштиришга, кенгайтиришга ва янгича қарашлар билан бойитишга эришди. Жумладан, ишқий ғазаларга битилган мухаммасларида анъанавий мавзунини ўз даврининг долзарб ижтимоий — сиёсий, маънавий — ахлоқий қарашлари билан янада кучайтирди, унга халқчиллик ва ҳаққонийлик бағишлади.

4. Хоразм адабий муҳитида таржеъбанд жанри қатор шоирлар ижодида учрайди. Лекин Авазнинг "Таржеъбанди хомиса"си Навоий "Хамса"сидан таъсирланиб ёзилган ўзига хос асар бўлиб, улуғ шоирга издошликнинг янги қирраси эпик шеърятдан рағбатланиш намунасидир. Бу эса Навоийга ворисликнинг мавжуд икки шаклига татаббуъ ғазал ёзиш ва устоз ғазалига мухаммас битиш анъанасига яна бир ҳисса бўлиб қўшилди.

5. Ҳажман анча кўламдор бўлган "Таржеъбанди хомиса" Авазнинг "Ҳамса" дostonларидан олган таассуротларининг бадий ифодасидир. Бу таассуротлар Навоий гуманистик қарашларининг, ҳаёт ва ишқ фалсафасининг моҳиятини теран англашга ва таъсирчан талқин этишга қаратилган. Аваз новатор шоир сифатида ҳар бир дostonдаги инсон эрки ва адолатни улуғловчи ғояларнинг барча авлод ва замонлар учун, жумладан, ўз даври учун ҳам катта аҳамият касб этажигига алоҳида урғу бериб, уларни маҳорат билан таъкидлай олган.

III боб. БАДИИЯТ ВА МАҲОРАТ

3.1. Аваз шеърлятида бадий санъатлар

Ўтмиш адабиётимизда шоирларнинг иқтидорига уларнинг шеърй санъатларни қанчалик унумли ва маҳорат билан, яъни қанчалик "кўп ва хўб" қўллай олишига қараб баҳо берилган. Кўринадики, маълум маънода маҳорат — бадиият маҳсули. Бадиият асарнинг гўзаллигини таъминлайди, қимматини белгилаб беради. Аваз бадий санъатлардан барча шеърларида кенг фойдаланди. Бу ҳол унинг ғазалларида кўпроқ акс этди. Аваз "назм аҳли ичра" минг ғазал яратишни орзу қилган эди. У икки мингдан ортиқ ғазаллар ёзди. Аваз ғазалиётининг салмоқли қисмини мазмунан рангдор, шаклан кўркем шеърлар ташкил қилади. Адабиётшунос И.Ҳаққулов таъкидлаганидек, "Аваз классик шеърлятидаги асосий бадий санъатларни пухта билган ва маъно характери, образ талаби, оҳанг йўлларида қараб шеърларида изчил қўллаган"¹.

Аваз лирикасида ташбеҳ, талмеҳ, муболаға, тамсил, тажоҳули ориф, ташхис, ружуъ, истиора, тансиқ — ас сифат каби маънавий санъатларнинг, тажнис, ийҳом, радди матлаъ, тазмини муздаваж, тақрир, тазод, таъдил, раддул ажуз, тарду акс, жамъ ва тафриқ каби лафзий санъатларнинг кўплаб нодир ва кўркем намуналари мавжудлигининг гувоҳи бўламиз.

Мумтоз лирикамида жуда кенг тарқалган анъанавий ташбеҳлар Аваз ижодида ҳам салмоқлигина:

Монанди сан, нигоро, қайси париваш ўлғой,
Наргис кўзу шакар лаб, хушхулқ, қадди раъно ...

Кўнглумни олғон, эй дўст, бир шўх моҳталъат,

¹ Ҳаққулов И. Авазнинг шеърй маҳорати ҳақида // Аваз ва унинг адабий муҳити. — Тошкент: Фан, 1987. — Б. 177.

Сунбул сочу юзи гул, гунча лабу шакарҳо¹.

Кўзнинг наргисга, лабнинг шакарга, гунчага, қаднинг раънога, сочнинг сунбулга, юзнинг гулга ўхшатилиши мумтоз адабиётимизда қадимдан мавжуд. Лекин бу шеърӣй воситалар ҳар бир ижодкор асарида ўзига хос услуб, шакл ва мазмунни ифодалашга хизмат қилади.

Нечук жонлар қуши сайди шикоринг бўлмасун, бўлса,
Кўзинг – сайёд, холинг – дона, доминг – зулфи тоторинг².

Маъшуқанинг кўзи жонлар қушини сайд қилувчи сайёдга айланди, сочлари – сайд учун тузоқ, юзидаги холи эса – дон. Кейинги байтда қошлар камон бўлиб сайёдга ёрдамга келади.

Бир кўзлари қотил манго айлар ситам ўлтургудек,
Икки қаро қошин қилиб тиғи дудам ўлтургудек³

Қошлар энди камонликдан воз кечиб қўш тиғи дудамга қиличга айланишди.

Пайваста қошинг булжажаб меҳроб эрур, эй ёрим,
Гар сажда қилса, тонг эмас, кўргач сани аҳли намоз⁴.

Зоҳиран қошни ифодалаган меҳроб ботинан "масжид", "саждагоҳ"ни англатади.

Тўртунчи торамда агар бўлса Масиҳу офтоб,
Лаълинг Масиҳо ер уза, эй шўх, рухсоринг қуёш⁵.

Ушбу байтда шоир ниҳоятда усталик билан олтига санъатни қўллаган:

1. Ёрнинг лаъли Масиҳга, рухсори қуёшга ташбеҳ қилинган.

¹ Аваз. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 166. (Мисоллар шу манбадан олинади).

² Аваз. Девон. – Б. 48.

³ Аваз. Девон. – Б. 105.

⁴ Аваз. Девон. – Б. 75.

⁵ Аваз. Девон. – Б. 232.

2. Исо Масиҳ образига мурожаат қилиш талмеҳ санъатини вужудга келтирган.

3. Лаъл — истиора, маҳбубанинг лаби маъносида қўлланган.

4. Масиҳ билан офтоб осмондаги ўрнининг муштараклигига кўра жамъ санъатини ҳосил қилган.

5. Кейинги мисрада уларнинг турли белгиларига кўра тақсимланиши, яъни Масиҳнинг жон ато этиш хусусиятига асосланиб лаълга қиёсланиши, қуёшнинг пуранворлигига жиҳатидан рухсорга қиёс қилиниши тақсим санъатини юзага келтирган.

6. Ёрнинг лаби ўликка жон ато этиш хусусиятига кўра ташхис санъатини ҳам вужудга келтирган.

Аваз фойдаланган муҳим санъатлардан яна бири талмеҳдир. Бадиият илмининг билимдони Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатга “Талмеҳ каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмактин ибораттур”¹, — деб таъриф беради ва машҳур қиссага ишорат сифатида қуйидаги байтни келтиради:

Нури чашмам, би гули рўят ба бўстон ҳоли ман,
Гашта ҳамчун ҳолати Яъқуб дар байт — ул ҳазан².

(Эй кўзим нури, юзинг гулисиз бўстонда ҳолим Яъқубнинг ғам уйидаги ҳолатига ўхшаб қолди).

Кўринадики, бу байтда “Юсуф қиссаси”га ишора қилинади. Яъқуб пайғамбарнинг ўғли Юсуфдан ажралганда ғам чекиб ўтирган кулбаси “байт — ул ҳазан” (ғам уйи) ибораси билан ифодаланади.

Талмеҳ санъати ижодкорнинг машҳур тарихий воқеалар ва шахслар адабий асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари ҳақида қанчалик тасаввурга эга эканлигидан, шунингдек, географик билимлар билан

¹ Ҳусайний А. Бадоеъ ус — саноеъ. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. — Б. 133.

² Ўша манба. — Б. 133.

қай даражада қуролланганлигидан ва уларни ўз ижодида қай йўсинда инкишоф эта олганлигидан далолат беради.

Бу масалага Аваз ижоди мисолида ёндашадиган бўлсак, ижодкор бу санъатга жуда кўп ўринларда ва хилма хил шаклларда мурожаат этган. Буни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) диний тимсолларга ишора;
- 2) адабий асарлар қаҳрамонларига ишора;
- 3) тарихий шахсларга ишора;
- 4) тарихий – географик номларга ишора;
- 5) куй, асар номларига ишора;
- 6) самовий сайёралар номларига ишора.

Аваз ўз ижодида Исо (Масих), Яъқуб, Юсуф, Сулаймон, Муҳаммад (с.а.в.) каби пайғамбарлар исмини келтириш орқали талмеҳ санъатини қўллаган. Бунда асосан, Исо образи ва унинг сифатларидан маъшуқани таърифлаш, унга хос хусусиятларни кўрсатиш мақсадида фойдаланган. Авазнинг 1976 йил нашр этилган девонининг ўзида Исо образи ўн икки ўринда қўлланилган бўлиб, бу ном Исо, Масих, Исойи қудсуллоҳ, исосифат, масихосо, исонафас, исонишон каби шаклларда намоён бўлади.

Мумтоз шеърятимизда пайғамбарлар образига ишора қилиш орқали нафақат маъшуқа ва ошиқнинг маънавий қиёфаси очиб берилади, балки кишиларга ўғит бериш, яхшилик сари йўналтириш, таълим – тарбия ҳамда инсон маънавий гўзаллиги хусусида сўз боради. Адабиётшунос Ё.Исҳоқов тўғри таъкидлаганидек, "ҳар бир поэтик деталь ёки образ индивидуал поэтик услуб доирасида ўзининг функционал имкониятларини намоёиш этиши мумкин"¹. Шарқ шоирлари ижодининг миллий хусусиятлари умумислом ва

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 119.

умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ эканлиги, анъанавий образларнинг етакчи сифатларини сақлаган ҳолда уларни янгича ғоявий бўёқлар билан безаш янги ифода, тасвир воситаларини майдонга келтириши адабиётшунослиқда таъкидлаб келинади. Диний – тарихий сиймолар номидан лирик шеъриятда бадий муқояса сифатида фойдаланилиши Огаҳий ижоди мисолида махсус ўрганилган ¹. Қуръоний образлардан бўлган Исо образини Аваз лирикаси мисолида кузатиш исломий нуқтаи назардан ибратли бўлиш баробарида, ўзбек адабиётининг ислом дини билан шажаравий, мозийдан узилмас алоқаларини янада кенгроқ англашга ёрдам беради. Мазкур образнинг талқин қирраларини кузатиш шоир поэтик маҳоратига хос айрим хусусиятларни ҳам ойдинлаштиради.

Диний китобларда Исонинг Оллоҳ изни билан ўликни тирилтиргани, зот жиҳатдан яктолиги, ал – Масиҳ (силовчи) лақаби борлиги, дуо қилиши, силаши, пуфлаши каби жонсиз баданга руҳ киритиш усуллари ҳақида сўз боради. Исонинг бу сифатлари бадий адабиётга кўчирилиб, ёрга нисбатан қўлланиши анъанага айланган. Аваз наздида Исо мўъжизаси ҳаётни узайтириши мумкин, бироқ маъшуқанинг қип – қизил лаблари каби жонлантириш ва руҳлантириш қудратига эга эмас:

Гарчи Исо мўъжизин дерлар ҳаётафзо эрур,
Лекин эрмасдур ул ойнинг лаъли руҳафзосича ².

Ёки:

Жон берса ўлган жисмима, ваҳ, не ажаб аҳбобким,
Эрмас Масиҳо мўъжизи лаъли лаби гуфторича ³.

¹ Матёкубова Т. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини. Ф.ф.н. дисс. автореферати. – Тошкент. 2001.

² Аваз. Девон. – Б. 13.

³ Аваз. Девон. – Б. 24.

Исо ўликни тирилтирар экан, бу мўъжизани Оллоҳнинг изни билангина уддалай олади. Аваз ул ой, лаъл образларини байтлар қатига сингдириш орқали Оллоҳнинг сифатларига ишора қилади. Ошиқ – муҳаббатнинг оддий фарзанди. У ўз тирклиги ва қисматини маҳбуба меҳру эҳсони, шафқату марҳаматисиз тасаввур эта олмайди. Маҳбуба эса дард аҳлининг тириклиги сабабчисидир.

Ўз гўзаллиги, сеҳру жодуси билан маъшуқа кўзлари ошиқни қатл этса, иккита лаби Масиҳ каби ўликка жон бағишлайди, жонга роҳат беради:

Наргисинг кимсани гар этса қатл,
Анга икки лабинг Масиҳосо ¹.

Маъшуқа лабининг жонлантирувчи қудратигина ошиқнинг жисми – жонига роҳат бериши ва тирилтириши мумкин, деган фикрни илгари суради шоир. Афсонавий тириклик суви “оби ҳайвон шарбати” ҳам жаннат суви “оби кавсар” ҳам маъшуқа “анфоси” – нафасига тенг эмас. Масиҳ нафасидан руҳ топиб учган қуш (кўршапалак) ҳақидаги ривоятга таянган Аваз мумтоз адабиёт анъанасига эргашиб, тажоҳули орифона санъатидан моҳирона фойдаланади:

Аё Исо нафас, ушбу ўлук жисмимга жон берган,
Лабингму, оби ҳайвон шарбати ё оби кавсарму? ².

Лирик қаҳрамон учун маҳбуб нафасининг ҳаётбахшлиги муҳим бўлса – да, диний ривоятларга таяниб, ўзини билиб – билмасликка солади. Диний афсона ва ривоятлар мазмунидан чуқур хабардор бўлган Аваз улардан лирик асарларида моҳирона фойдаланган.

Маъшуқанинг бефарқлиги, ҳижрон азобларида қийналаётган бечора ошиқ ҳолидан хабар олмаслиги лирик қаҳрамон

¹ Аваз. Девон. – Б. 154.

² Аваз. Девон. – Б. 213.

дилхасталигига боисдир. Лирик қаҳрамон маъшуқа номехрибонлигидан ўртанади, унинг меҳрини қозониш учун ўзликдан кечишга, йўқлик сари кетишга шитоб айлаганини айтмоқчи бўлади. Бунинг учун Масиҳ нафасига ишора қилади, унинг жонбахшлик сифатига урғу беради:

Ул лаъли анфоси Масиҳ, номехрибон маҳбубга,
Бўйла адам майдонига қилгон шитобим ким дегай?¹.

Бошқа бир ўринда Масиҳ нутқига ишора қилиш орқали ҳижрон ғамида ўртанаётган кўнгилинг суврати чизилади. Ошиқ маъшуқа хабарини эшитиб шодланади. Унинг гўзаллиги, қадди – бастии, қудратига таҳсин ўқийди. Раҳмдилликда маъшуқа сифатлари Исога монанддир. Ширин сўз ёрига мурожаат қилар экан, унинг ҳар бир сўзи жонга лаззат, кўнгилга роҳат бағишлаши таърифланади. Ҳижронда қийналаётган ошиқнинг марҳаматдан бебаҳра қолмаслиги, меҳр – илтифот кўрсатилишига умидворлигини ифодалайди. Маъшуқанинг "бир ғамза"си Исонинг барча сифатларидан устун қўйилади. Зеро, Исо ҳам илоҳий муҳаббатдан яралган, ундан қувват олиб самовотга кўтарилган. Ёрнинг кулиб турган лабларидаги ширин табассум ўликни тирилтиришга қодирдир. Бинобарин, худди Масиҳдек келиб, ўлик жисмга жон бағишласа, не ажаб:

Жон берса ўлган жисмима, тонг йўқ, Масиҳдек келиб,
Ширин табассум кўргузуб ул лаъли хандон, эй рафиқ².

Малул ўлма, Аваз, зиндони фурқат ичра қолдим деб,
Ки шаҳ бўлмоқға Юсуф Миср аро зиндон эрур боис³.

¹ Аваз. Девон. – Б. 99.

² Аваз. Девон. – Б. 242.

³ Аваз. Девон. – Б. 193.

Байтда пайғамбар Юсуфнинг зиндон азобларини енгиб, пировардида шоҳлик мақомига эришганига ишора қилинмоқда. Шу сабабли лирик қаҳрамон фироқ зиндонида қолдим деб ранжимагилки, худди Юсуф зиндонда сабр қилиш орқали шоҳлик мартабасига кўтарилгани каби, бир кун сен ҳам ёруғ кунларга чиқажаксан, деб мурожаат қилади.

Қуйидаги мисолда эса талмеҳ сифатида тарихий жой номига мурожаат қилинади:

Сан итобу қаҳр бирла ҳар қачон боқсанг қиё,
Қойтадин ғавғои дашти Карбало қўзғолғуси ¹.

Хўш, шоир ишора қилаётган Карбало даштидаги ғавғо нимадан иборат? Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли набираси Имом Ҳусайн Карбало даштида шаҳид бўлган. Зоҳиран Исломни байроқ қилиб олиб, аслида мунофиқлик билан салтанат талашган бир гуруҳ разил кимсалар Кўфа аҳолиси ва имом Ҳусайнни Абу Суфённинг невараси, Муовия ўғли Язидга қасамёд қилишга мажбур қилишади. Лекин унга бош эгишдан кўра ўлимни ўзига афзал кўрган Ҳусайн сувсиз, гиёҳсиз Карбало даштига қараб йўл олади. Ниҳоят, мана шу Карбало аталмиш даҳшатли маконда ўзларидан бир неча юз баробар кўп бўлган Язиднинг қўшини билан имом Ҳусайннинг одамлари ўртасида даҳшатли жанг бўлади. Табиийки, жангда Ҳусайн енгилди, душман унинг узилган бошини найза учига санчиб, Кўфа кўчаларидан кўтариб ўтади. Карбалодаги можаро ана шундай ниҳоя топади. Авазнинг лирик қаҳрамони маҳбубага мурожаат қилар экан, агар сен таънаю маломат билан, қаҳр билан менга боқсанг, худди ана шу Карбало даштидаги ғавғо қайтадан қўзғалади—ю, мен худди Имом

¹ Аваз. Девон. — Б. 94.

Ҳусайн каби мана шу гавфонинг шаҳиди бўламан, сенинг қаҳрли нигоҳинг мени қатл қилади, дейди.

Ижодкор адабий асар қаҳрамонларидан кўпроқ Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Вомиқ, Узро каби тимсолларга мурожаат этиб, лирик қаҳрамон — ошиқ образини кашф этишда уларга хос сифатларни Фарҳоди маҳзун, Кўҳкан, мажнуншиор, мажнунмасаллик, вомиқсифат тарзида беради. Маъшуқага хос хусусиятларни эса лайлинасаб, лайливаши марғуб, ширинлиқо, шириншамойил, узронишон каби кўринишларда акс эттиради:

Тушуб бошимга бир лайлинасабнинг зулфи савдоси,
 Бўлубдур масканим монанди Мажнун ишқ саҳроси.
 Ҳамоноким бу соат бўлмишам Фарҳоди маҳзундек,
 Ҳамул шириншамойил ишқининг мафтуну шайдоси¹.

Шоир тарихий шахслардан Жамшид, Искандар, Доро, Ибн Сино, Луқмони Ҳаким, Фаридун, Кайхисрав, Ҳотам каби анъанавий тимсолларни талмеҳ сифатида қўллайди. Талмеҳлар форсий изофа — жоми Жам, Луқмони донишвар, тожи Доро, тахти Кай шаклида берилган. Маълумки, бу шахсларнинг айримлари донишмандлиги, яна бирлари жаҳонгашталиги билан ном қолдирганлар. Аваз ушбу тимсолларни талмеҳ сифатида келтирар экан, умрнинг ўткинчилигига ишора этади:

Даҳр иззу жоҳиға, эй кимса, мағрур ўлмаким,
 Гар бақо бўлса анга Жамшиду Искандар қони?

Эй Аваз, гар ушбу олам қилса оқилға вафо,
 Бу Али Сино била Луқмони донишвар қони? ²

¹ Аваз. Девон. — Б. 91.

² Аваз. Девон. — Б. 85.

Аваз талмеҳ сифатида географик номларга ҳам ишора этади. Шоир маъшуқанинг кўзларини Ҳайбар кофарига, Чин ва Хито оҳуларига қиёслайди, сочини, шабранг зулфини Чин гулзорининг сунбулига менгзайди, мужгонларини Рус ва Яфун аскарларига ўхшатади:

Қошларинг андоқки шамшири жаллоди ажал,
Кўзларинг хунрезлиғда шаҳри Ҳайбар кофари.

Зулфи шабрангинг дурур ҳам сунбули гулзори Чин,
Ҳам эрур мавзун қадинг боғи назокат ар — ари ¹.

Шунингдек, Жайхун талмеҳи воситасида ошиқнинг кўз ёшларини ифодаласа, Карбало талмеҳига ишора қилиш орқали унинг тугёнларини акс эттиради. Мисрда зиндонбанд бўлган Юсуф қисматини эслатиш билан уни сабр — тоқатли бўлишга чақиради.

Аваз талмеҳ санъатидан фойдаланганда куй номларидан "Сувора", "Наво", "Сегоҳ", "Ироқ" кабиларга мурожаат этади. Аваз ижодида самовий сайёраларга ишора қилинган ўринлар ҳам кўп учрайди. Унинг "ўртанур" радифли Навоий ғазалига боғланган мухаммасидаги "Меҳру Моҳу Муштарий, Зуҳро бебок ўртанур" мисраси фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Аваз тамсил санъатидан ҳам унумли фойдаланган. Маълумки, тамсил санъати шоир баён қилаётган фикрни бирон — бир ҳаётий мисол билан тасдиқлашга асосланади:

Ман ҳазинни кулбаси бўйла бузуқ, айб айламанг,
Чунки булбул ошёни хас била хошок эса².

Ошиқ кулбасининг вайронлиги булбул ошёнининг хас ва ҳашақдан иборатлигига қиёсланади. Булбулнинг ошёни тикан бўлгани ҳолда,

¹ Аваз. Девон. — Б. 87.

² Аваз. Девон. — Б. 15.

ошиқнинг Ватани ўша вайронадир. Ошиқ ўз вайронасидан ҳеч қачон кўнгили узмайди, вайрона унинг ошиқлигига путур етказа олмайди:

Айб эмасдур хонумонимдин жудо бўлсам агар
Ким, кули гулхан бўлур манзилгоҳи зору ғариб.

Ёр рухсорин кўриб гар нола қилсам не ажаб
Ким, қилур гул фаслида фарёду афғон андалиб ¹.

Хонумонидан айро тушган ошиқ ўзи учун “кули гулхан”ни манзил айлаган ғарибга қиёс қилинмоқда. Кейинги байтда ошиқнинг ёр рухсорини кўргандаги нолаю афғони булбулнинг гул фаслидаги фарёдига ўхшатилади.

Авазда ташхис санъатининг гўзал ва бетакрор намуналарини жуда кўплаб учратиш мумкин:

Пайваста қошинг ё қилиб жаллод чашминг, эй пари,
Жонимни қасдиға қилур бир – бириси бирла кенгош².

Пайваста қошлар билан жаллод кўзлар гўё ошиқ жонига қасд қилиш мақсадида бир – бири билан кенгашиш учун яқин жойлашгандек. Бу байтда шоирнинг чиройли далили ҳусни таълил санъатига асос бўлаяпти.

Меҳри жамолинг бўлғоли олам ичра нурфош,
Туфроқға ҳар кун юз қўяр гўё уёлғондин қуёш³.

Ёки:

Ботди бу кеча асру хижолат чекиб қамар,
Олғоч ниқобин ул юзи анвар жамолидин⁴.

Биринчи мисолда маъшуқа юзининг чиройи олдида қуёш уялса, иккинчи мисолда бу хижолат ойга ҳам кўчади. Қуёш ҳам, ой ҳам

¹ Аваз. Девон. – Б. 43.

² Аваз. Девон. – Б. 232.

³ Аваз. Девон. – Б. 234.

⁴ Аваз. Девон. – Б. 144.

маъшуқа гўзаллиги олдида ип эша олмасдан, ботиб кетишга мажбур бўлишади. Биринчи мисолни ҳеч иккиланмасдан ҳусни таълил санъатига мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Аваз ижодида муболағанинг даражасига кўра хилма – хил турларини кўрамиз.

Ниҳоятсиз эрур нозук агарчи сочларинг тори,
Вале эрмас назокатликда ул нозук миёнингча¹.

Бу муболағанинг учинчи – ўта кучли даражаси ғулувдур. Шу билан бирга, бу байтда тафриқ санъати ҳам қўлланилган. Биринчи мисрадаги сочларнинг тори кейинги мисрадаги нозик миёндан – ёр белидан, белнинг соч торидан ҳам нозиклиги билан фарқланаяпти. Маълумки, соч тасаввуф адабиётида илоҳий қудрат ва ҳусну жамол тажаллисининг сифати янглиғ тавсиф этилади. Бу ўринда соч торининг ниҳоятсизлиги ҳижрон водийсининг бепоёнлиги тимсоли бўлиб, ошиқнинг маҳбуба жамолига ошуфталигига ишорадир.

Сан агар мандин жудо бўлсанг, аё номехрибон,
Сарсари оҳим била арзу само қўзғолғуси².

Бу байтда муболағанинг иккинчи даражаси – игроқ қўлланган. Маъшуқадан жудо бўлган ошиқнинг оҳу фиғони шамолига еру осмоннинг қўзғалишига ақлан ишониш мумкин бўлса-да, лекин ҳаётда бундай ҳодиса бўлмаслиги игроқ санъатига хос хусусиятдир.

Эй дилбари номехрибон, раҳм айлагил ман зорға,
Ким қолмишам ҳажринг аро юз минг туман озорға³

байтининг иккинчи мисрасида таблиғ санъати қўлланган.

Навоийшунос Ё. Исҳоқовнинг маълумотига кўра, Навоийгача яшаб ижод этган ўзбек шоирлари ижодида раддул матлаъга хос

¹ Аваз. Девон. – Б. 12.

² Аваз. Девон. – Б. 94.

³ Аваз. Девон. – Б. 18

хусусиятлар мавжуд бўлган иккитагина ғазал учрайди. Навоийда эса у ўзбек шеърятининг етук санъати қаторига кўтарилган¹. И.Ҳаққуловнинг фикрича, Навоийдан кейин ушбу санъатни изчил ва ўринли тадқиқ этган классикларимиздан бири Аваз Ўтардир².

Аваз раддул матлаъ санъатини шеърларида изчил тадқиқ этган бўлиб, унинг юзлаб шеърлари шу санъат асосида яратилган. Раддул матлаъ санъати "матлаъни такрорлаш" деган маънони англатиб, ғазалнинг биринчи мисраси асар охирида такрорланишини назарда тутуди ва шоир ифодалаётган ғояни яна бир бор таъкидлашга хизмат қилади. Авазнинг:

Вафо қилмоқ экан ошиққа пеша ишқ бобинда,
Ҳамул мазмунни ман кўрдум вафо аҳлин китобинда³,

Фурқат бошингга тушмайин вуслатни қадрин билмадинг,
Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни қадрин билмадинг⁴
матлаъли ғазаллари шу санъат асосига қурилган.

Аваз ижодида жамъ, тафриқ, тақсим, жамъ ва тақсим, жамъ ва тафриқ лафзий санъатларининг гўзал ва бетакрор намуналари шу қадар кўпки, бундай поэтик манзаралар Авазнинг истеъдодли шоир эканлигини яна бир карра исботлайди.

Агарчи гул уза сунбул муфарриҳдур, вале эрмас,
Жамолинг узра тушган кокили анбарфишонингча⁵.

Биринчи мисрада кишининг дилига хурсандчилик ато этиш хусусиятига кўра гул ва сунбул жамланиб, кейинги мисрада гул

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. — Тошкент: Фан, 1983. — Б. 133—134.

² Ҳаққулов И. Ўша мақола. — Б. 182.

³ Аваз. Девон. — Б. 11.

⁴ Аваз. Девон. — Б. 45.

⁵ Аваз. Девон. — Б. 12.

ёрнинг жамолидан, сунбул эса кокилидан фарқланишига кўра жамъ ва тафриқ санъатининг ёрқин намунаси намоён бўлади.

Найлай шакар бирла гуҳар таърифин айлабким, онинг —
Бордур тиши гавҳаргина, лаъли лаби шаккаргина.

Райҳону анбарни нетай, аҳбобким, ул ёрни —
Райҳони тардек хатлари, ҳам кокили анбаргина¹.

Биринчи мисрада шакли ва қийматига кўра жамланган шакар билан гавҳар иккинчи мисрада тақсимланади: гавҳар шакл жиҳатдан маъшуқанинг тишига, шакар эса лабига қиёсланади. Кейинги байтда райҳон билан анбар хушбўйлигига кўра жамъни ҳосил қилиб, райҳон маъшуқанинг хатларига, анбар эса кокилига ташбеҳ қилинади.

Чиқди хат, деюб, жоно, айби йўқ, малул ўлма,
Зеб сафҳага бергай, гар нуқат эрур, гар хат².

Ҳар икки мисрадаги хат сўзлари жинсдош сўз. Хат (мўй) чиқди деб ғамгин бўлмагилки, саҳифанинг гўзаллиги қиймати хат (ёзув) ила нуқтадандир. Маъшуқанинг юзи саҳифага, мўйлари хатга, холи — нуқтага қиёс қилинади ва бу қиёс орқали оригинал ҳусни таълил вужудга келади.

Вуслат куни айшу тараб беҳадду сон айлар эдим,
Эмди фироқида ғамим ҳар дам бор онинг борича³.

Бу байтда "бор" сўзи тажнис ҳосил қилиб, биринчи бор "мавжудлик"ни, иккинчи бор — "марта", "шунча" деган маънони англатади, яъни, ошиқнинг ёри фироқидаги ғами вуслат кунида айлаган айшу тарабичалик бордир. Тажоҳули ориф санъати ёрнинг

¹ Аваз. Девон. — Б. 26.

² Аваз. Девон. — Б. 196.

³ Аваз. Девон. — Б. 24.

ташқи қиёфасини муболағали тарзда, ташбеҳлар асосида тасвирлашга асосланади. Авазнинг:

Юзингму ҳусн авжида, дурахшон меҳри анварму?

Тишингму, ё латофат дуржида дур ила гавҳарму?¹

матлаъли ғазали бадиияти тажоҳули орифга асосланган.

Бу ғазалда маъшуқанинг юзи, тиши, лаби, кўзи, қоши, хати, илгидаги жоми, ниҳоят ўзи ҳам шубҳага олинганки, ғазални шарҳлашнинг асло ҳожати йўқ.

Оразингмудур икки зулфинг ажаб,

Ой аро келгуси икки ялдо?²

Шоирнинг юқоридаги шубҳалари анъанавий бўлса, буниси — кашфиёт. Кашфиёт бўлганда ҳам ташбеҳларга бой, бебаҳо кашфиёт. Маълумки, ялдо — қишнинг энг узун, энг қоронғу туни. Шоирнинг мақсади, маъшуқанинг икки зулфини ҳам узунлигига кўра, ҳам қоп—қоралигига кўра ялдога, юзини ойга ўхшатишдир. Ўзини билиб билмасликка солиш билан шоир ўхшатмасдан гўёки сўраётгандек бўлиб кўринади.

Авазда кучли мантиқли ружуълар бор. Масалан:

Нетайки, сиймбарим аҳдиға вафо қилмас,

Демай вафо, манго жуз жавр ила жафо қилмас³.

Ул шўхнинг лаъли мангодур оби ҳайвондин малиҳ,

Не оби ҳайвон, балки жисмимдоғи жондин малиҳ⁴.

Тансиқ ас — сифат санъати шеърда тасвирланаётган шахс ёки нарсага хос белгиларни кетма—кет келтириш, уларни бир неча жиҳатдан тасвирлашни назарда тутати:

Ул паривашким эрур ҳусн аҳлининг сардафтари,

¹ Аваз. Девон. — Б. 213.

² Аваз. Девон. — Б. 154.

³ Аваз. Девон. — Б. 184.

⁴ Аваз. Девон. — Б. 260.

Нозанину маҳлиқо, абрукамон дерлар они¹.

Ул ойким, эрур асру соҳибжамол,

Суханвор, сухандону ширинмақол².

байтларида маҳбубага хос бўлган ижобий сифатлар таъриф этилган.

Қуйидаги байтда эса сифатлар лирик қаҳрамон — ошиқ қиёфасини тасвирлашга хизмат қилган:

Не ажабким, гар эсам, ғамгину мискину ҳазин,

Ёр ила суҳбат қуриб, айлар мани ағёр доғ³.

Авазда энг кўп учрайдиган санъатлардан бири таъдил санъатидир. Таъдил ғазалнинг таъсирчанлигини, музиқийлигини, тилининг содда ва равонлигини таъминлайди. Авазнинг юзлаб ғазалларида хилма — хил жарангдор таъдиллар мавжуд.

Тарки ишқ эт, эй биродар, гар санго олам аро

Меҳнату андуҳу кулфатни чекардин бок эса⁴.

Ақлу шикебу сабрим маъдум билкулл айлади,

Ким зору шайдо бўлса ул шўх пари рухсорға⁵.

Аваз шеъриятида фаол қўлланилган санъатлардан бири тазод ҳисобланади. Аваз ҳаёт баланд — пастликлари, яхшилик ва ёмонлик, васл ва ҳижрон, эрк ва тутқунлик, қаноат ва сабрсизлик, мардлик ва номардлик, вафо ва жафо, ёруғлик ва зулмат каби бир — бирига тескари моҳиятлар заминида юзага чиқадиган тушунчаларни тазод санъатида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган.

Бировлардур ҳамиша васл аро шод,

Бировлардур вале ҳижронда ношод⁶.

¹ Аваз. Девон. — Б. 86.

² Аваз. Девон. — Б. 115.

³ Аваз. Девон. — Б. 254.

⁴ Аваз. Девон. — Б. 15.

⁵ Аваз. Девон. — Б. 18.

⁶ Аваз. Девон. — Б. 52.

Хуллас, Аваз девонида тазоднинг юзлаб нодир намуналарини кузатиш мумкин. Қуйидаги тарди акс санъатига мисол тариқасида келтирмоқчи бўлган байтимиз ҳам тазод асосига қурилган:

Ажойиб чекиб бенаволар наво,
Наво аҳли кўб бенаво бўддило¹.

"Бенаво" ва "наво" сўзлари тазодни юзага келтирса, биринчи мисрадаги мазкур сўзларнинг кейинги мисрада тескари ҳолда такрорланиши тарди акс санъати учун хос хусусиятдир.

Аваз ижодида тазмини муздаваж, таносуб, мувозана, китобат, истифҳом, нидо, саволу жавоб, илтифот каби яна ўнлаб поэтик усулларнинг кенг қўлланилганини эътироф этган ҳолда, шоирнинг тақрир санъати асосига қурилган гўзал бир ғазалининг таҳлили билан шеърий санъатлар борасидаги мулоҳазаларимизга яқун ясаймиз:

Кел элдин, аё шўхи абрукамон,
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.
Қилурсан ситамларни ишқ аҳлиға
Аёну аёну аёну аён².

Байтларнинг иккинчи мисраларидаги такрорлар ушбу сўзларда ифодаланаётган маъноларни, фикрларни таъкидлашга хизмат қилади, уларни кучайтиради, кечинмалар, туйғулар мавжини, эҳтирослар оламининг бениҳоялигини акс эттиради, бинобарин, асар қаҳрамони бўлган ошиқ қиёфасини ёрқинроқ гавдалантириш, унинг дил дардларини таъсирчанроқ мужассамлантириш вазифасини бажаради.

Аваз маҳоратининг муайян жиҳатларини ойдинлаштирган ушбу шеърий санъатлар шоирнинг мумтоз поэтика тажрибаларини ҳар

¹ Аваз. Девон. – Б. 158.

² Аваз. Девон. – Б. 147.

томонлама ўзлаштириб, уларни новаторона бойитганига гувоҳликдир. Дарҳақиқат, Аваз талқинидаги маънавий, лафзий ва муштарак шеърий санъатларнинг ҳар бир турига мансуб намуналар мазмунни образли, таъсирчан ва ранг—баранг услубий шаклларда ифодалашга хизмат қилган.

3.2. Шакл унсурлари ва поэтик маъно талқинлари

Аваз маҳоратининг бир қирраси — унинг турли жанрлар ва мавзуларга монанд вазн, қофия, радиф ва услубни ўринли қўллашида кўринади. Жумладан, ғазалларининг аксарияти 7—9 байтли, бир қисми эса 11—13 байтли вазнларда бўлиб, оддий, ҳусни матлаъ, ғазали—қитъа, ғазали—мусажжаъ, ғазали—муламмаъ, ғазали—зулқофиятайн каби шакллар ўз ифодасини топган. Ҳар бир байтда эса 4 ёки 6 ёки 8 тадан рукн учрайди.

Ўзбек мумтоз шеъриятида кўп қўлланиладиган рамал, ҳазаж, ражаз, мутақориб баҳрлари Аваз лирикасига ҳам хосдир. Хусусан, жўшқин лирик кайфият ва ошиқона оҳанглари ифодалашга ҳазаж баҳри, ички руҳий олам изтиробларини талқин этишга ражаз баҳри вазнлари қўл келганини кўрамиз. Зеро, вазн, қофия, радиф каби поэтика унсурлари ғазалнинг барча турларида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Аваз ижодида энг кўп учрайдиган ғазал тури якпора ғазал бўлиб, улардаги ҳар байт мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байтларга изчил боғланади. Якпора ғазалнинг мазмуни матлаъда кўтарилган бир мавзунини изчил ёритиш жараёнида вужудга келади. Мисол тариқасида Авазнинг бир неча ғазалларини таҳлил қиламиз:

Қачон чеккай фиғон қумри бу зори нотаваинингча?

Ки сарве борму зебо қомати сарви равонингча?¹

Ғазал ишқий мавзуда битилган бўлиб, ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

Мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун.

V — — — V — — — V — — — V — — —

Ғазал маҳбубани мадҳ этишга қаратилган. Шаклий тузилишига, мантиқий изчиллигига кўра якпора ғазал. Радиф йўқ. "Нотавонингча", "равонингча", "анбарфишонингча", "даҳонингча", "миёнингча", "ниҳонингча", "гулситонингча", "ҳуронишонингча" сўзлари қофияни вужудга келтирган. Ғазал, гувоҳи бўлганимиздек, лирик қаҳрамоннинг ўз маҳбубасига илтижоси билан бошланади. Қумри, сарв тимсолларини қўллаш орқали лирик қаҳрамон ўзининг руҳий изтиробларини қумри фиғонига, маҳбубанинг қоматини эса сарвга қиёс қилади. Нафақат қиёс қилади, балки ўзининг руҳий изтиробларини қумри ноласидан, маҳбубанинг зебо қоматини сарвдан устун қўяди. Иккинчи байтда жамъ ва тафриқ санъатидан усталик билан фойдаланиш орқали биринчи мисрада гул ва сунбулни кишига завқ бағишлаш хусусиятига кўра жамлаб, иккинчи мисрада эса гулни маҳбубанинг жамолига, сунбулни унинг анбар сочувчи кокилига ўхшашлигига кўра бир — биридан фарқлайди:

Агарчи гул уза сунбул муфарриҳдур, вале эрмас,

Жамолинг узра тушган кокили анбарфишонингча.

Чашмаи ҳайвон одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмаси, нуқтаи ширин даҳон — маҳбубанинг оғзи. Ошиққа жон бахш этувчи маҳбубанинг нуқтаи ширин даҳони чашмаи ҳайвондан устун қўйилади. Ажалнинг минг йил халойиқ жонига қасд қилиши маҳбубанинг бир имосичалик кучга

¹ Аваз. Девон. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. — Б. 12. (Мисоллар шу манбадан олинади).

эга эмас. Ана шу бир имонинг ўзи ошиқ тақдирини ҳал қилади. Энди ошиқ учун фирдавсу ризвон керак эмас. Улар ошиққа маҳбубанинг кўйи гулситонича файз ато эта олмайди. Ғазал мақтаъсида лирик қаҳрамон қатъий қарорга келади. Жаҳон ичра ҳурвашлар кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири ўз маҳбубасичалик марғуб эмас:

Агарчи ҳурвашлар, эй Аваз, кўбдур жаҳон ичра,
 Вале кўнглума марғуб эрмас ул ҳуро нишонингча.
 Эй дилбари номехрибон, раҳм айлагил ман зорға,
 Ким қолмишам ҳажринг аро юз минг туман озорға¹

матлаъли ғазал ҳам ишқий мавзуда, композиция жиҳатидан якпора ғазал. Арузнинг мустафъилун рукнида, ражази мусаммани солим вазнида ёзилган:

Мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун
 — — V — — — V — — — V — — — V —

Ғазалда радиф иштирок этмаган, "зорға", "озорға", "дилдорға", "хунхорға", "рухсорға", "дийдорға", "торға", "хунборға" сўзлари қофияни вужудга келтирган. Ғазалнинг матлаъсидаёқ лирик қаҳрамон ҳижрон азобларидан озор чекиб, дилбарига зорланади. "Юз минг туман озор" бирикмаси бу ўринда асосий ғояни очишга кўмаклашади. Кейинги байтларида лирик қаҳрамоннинг кайфияти янада тушкунлашади. Жафоу жаврдан бир нафас бўлсин халос бўлмаган ошиқнинг пуржафо дилдорға мафтунлиги янада ошади.

Соз айласа олғусидур мандин хирад мутриб магар,
 Ёримни зулфи торидин тор этдимуса торға.

Бир мисрада "тор" сўзи уч ўринда қўлланилиб, тажнис санъатини — омонимликни ҳосил қилган. Биринчи "тор" — ёр сочининг толаси, иккинчи "тор" — сознинг тори, учинчи "тор" эса

¹ Аваз. Девон. — Б. 18.

чолғу асбоби маъносини ифодалайди. Ғазал мақтаъси ҳам матлаъ сингари маҳбубанинг раҳмсизлигини, ошиққа нисбатан чексиз ситамлар айлашини образли ифодалашга хизмат қилади. Бу эса ғазалнинг тугал таркибий бутунликка эга эканлигини кўрсатади.

Авазнинг қуйидаги “гул” радифли татаббуъ ғазали ҳам композиция ва услуб жиҳатидан ўзига хосдир:

Токи осғоч бошиға ул шўхи гулрухсора гул,
Топти онинг ҳусни бирла зеб бора – бора гул¹.

Ғазал рамали мусаммани маҳзуфда ёзилган.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
– V – – – V – – – V – – – V –

Шоир қўлаган ушбу вазн ёр гўзаллигини турли бадий – тасвирий воситалар орқали маҳорат билан чизиб беради. Биринчи байтда у ҳусни таълил санъатига мурожаат қилади. Гул, биламизки, гўзаллик рамзи. Лекин унинг гўзаллигининг асл сабабчиси мафтункор маҳбуба. Негаки, ўша шўхи гулрухсора гулни бошига осганидан кейин гул унинг ҳусни билан зеб топти. Шоир табиат ва инсон гўзаллигини умумлаштириб, мукамал бир гўзаллик кашф этади.

Кейинги байтларда мана шу иккита гўзаллик соҳибалари ўртасида ўзаро баҳс кетади. Гул ўз гўзаллигини маҳбуба гўзаллигидан устун деб билади. Натижада, бу баҳснинг гувоҳи бўлган тонг ели унинг жайбини пора айлайди. Энди эса маҳбуба олида гул чорасиз қолади. Шеър:

Чекмагил беҳуда меҳнат гул экибон, эй Аваз

Ким, насиб бўлғусидур, очилса ўзга ёра гул

байти билан ниҳоя топади.

¹ Аваз. Девон. – Б. 118.

Биринчидан, матлаъда бошланган гул ва маҳбуба ҳақидаги фикрнинг мақтаъга қадар давом этиши унинг композицион яхлитлигини таъминласа, иккинчидан, охирги байтда давр руҳи ҳам ўз ифодасини топиши — заҳматни меҳнат аҳли чекиб, роҳатини ўзгалар кўриши Аваз ижодига хос бўлган халқчиллик руҳини акс эттириб беришга хизмат қилади.

Авазнинг кўпгина ғазаллари нисбатан қисқа ҳижоларда ёзилган бўлиб, бу ҳодиса шоир ижодининг халқ оғзаки ижодига яқинлигидан далолат беради.

Кўрмасам меҳри руҳинг бу чашми бинони нетай?

Сўрмасам ширин лабингни жамъи ақвони нетай?¹

матлаъли ғазал ҳам рамал баҳрида яратилган. Ғазалдаги радиф вазифасини ўтаб келган "нетай" сўзи истифҳомга асос бўлган. Ғазал маҳбуба васфига бағишланган, лирик қаҳрамон ўз ёри учун ҳамма нарсага шай. Унга фақат ёри васли муяссар бўлса бас. У Машрабнинг "Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай? Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?" дегувчи лирик қаҳрамонига маслақдошдай. Ғазал олтинчи байтга бориб ўзининг кульминацион нуқтасига кўтарилади:

То муҳаббатни кулоҳин киймасам ушшоқ аро,

Эмди Искандар масаллик тожи Дорони нетай?

Бунда лирик қаҳрамон ўзининг дарвеш сифат ҳолатини талмеҳ санъати воситасида изҳор этади. У Искандарга ўхшаб тожи Доро учун эмас, балки ушшоқ аҳли аро муҳаббат кулоҳи учун курашади. Унга Доро тожидан муҳаббат кулоҳи афзал. У шундай хокисор зотки, ҳатто ўзи учун азиз бўлган жонини ҳам маҳбубаси қадами остига нисор этишни истайди:

¹ Аваз. Девон. — Б. 100.

Мақсудим исор қилмоқ мақдамиға бўлмаса,
Эй Аваз, жону дил отлиғ нақди аднони нетай?

Умуман, Аваз ғазалларини вазн жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, унда фоилотун, мофойилун, мустафъилун рукнларидаги, яъни рамал, ҳазаж ва ражаз баҳрларидаги ғазаллар кўпчиликни ташкил қилишини кузатамиз. Бундай ғазалларни муסיқага солиш осон. Бу ҳодиса эса шоир шеърий услубида халқона оҳангнинг кучлилигидан, руҳиятида муסיқага ихлоснинг баландлигидан дарак беради. Шу ўринда Равнақ ғазалига боғланган қуйидаги тахмисни ҳам эътироф этиш ўринли:

Букун исирға осфоч икки қулоға дилбар,
Қилди сироят ишқинг бошдин аёға дилбар,
Ушбу нафас бўлубман сандин садоға дилбар,
Қурбон ўлай шакардек ширин дудоға дилбар,
Тушмиш азалда завқим бодом қабоға дилбар¹.

Бу ўринда жўналиш келишиги қўшимчаси Хоразм ўғуз шевасида — “қулоға”, “оёға”, “дудоға”, “қабоға” шаклида қўлланилади.

Шеър бадииятининг асосий қирраларидан яна бири қофия ва радиф масаласидир. Қофия назмий асарнинг муסיқийлигини, таъсирчанлигини таъминлайди ҳамда ундаги ғоялар моҳияти тимсоллар руҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам ижод аҳли аруз илми, бадиият илми сингари қофия илмини ҳам мукамал билмоғи лозим. Бу ҳақда Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий шундай ёзади: “Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъға қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки, табънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас”¹.

¹ Аваз. Девон. — Б. 323.

¹ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул—балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. № 3. — Б. 75.

Шеърятимизда зулқофиятайн, зулқавофиъ, тарсеъ, тажнисли қофия, мусажжаъ, тажзия каби қофия билан боғлиқ бир қанча санъатлар мавжудки, ғазалга ушбу санъатлар билан қанчалик жило берилганлиги шоирнинг истеъдод ва иқтидоридан далолат беради.

Авазнинг қофия илмидан яхшигина хабардор бўлганлигини, қофия санъатларини усталик билан қўллаганлигини кўрамиз.

"Зулқофиятайн деб ул шеърни айтурларким, анда икки қофия лозим кўргайлар ва охирги қофиядан олдинги қофияда тўхталганда назмнинг дуруст ва маънони тўғри чиқишин шарт қилғайлар..." — деб ёзади Атоуллоҳ Ҳусайний "Бадоеъ ус — саноеъ" асарида"².

Бу қофиядош икки сўз мисралар охирида кетма — кет келтирилиши ёки мисранинг турли ўринларида келтирилиши мумкин:

Эй **суманбар**, моҳ сиймо, нозпуро **дилрабо**

В — эй **ситамгар**, чашми қотил, киприки ўқ, **қошиё**³.

Байтда қофиядош сўзлар мисранинг турли ўринларида, яъни "суманбар ва ситамгар" мисра бошида келтирилган бўлса, "дилрабо ва қоши ё" мисра охирида келтирилган. Бундай қўшқофия келтириш **маҳжуб қофия** дейилади. Тузилишига кўра ҳар иккаласи ҳам мужаррад қофия ҳисобланади. Биринчиси — равий ундош билан тугаган мужаррад қофия бўлса, иккинчиси равий чўзиқ унли билан тугаган мужаррад қофиядир.

Ё **сўзинг** эрдиму Исо, нотиқи **жонпарвари**,

Ё **ўзинг** эрдингму, де филмон, ҳуру **ё пари**⁴.

Бу байтда "сўзинг, ўзинг" сўзлари ва "жонпарвари ва пари" сўзлари ўзаро қофияланиб, зулқофиятайн санъатига асос бўлган. Бунда қўлланилган қофиядош сўзлар мутлақ қофия саналади. Чунки

² Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ ус — саноеъ. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. — Б. 174.

³ Аваз. Сайланма. — Б. 234.

⁴ Аваз. Сайланма. — Б. 234.

равийдан кейин қофия давом этган. Айнаи чоғда “сўзинг, ўзинг” қофиядош сўзлари тажниси зойид (орртирилган тажнис)ни ҳам юзага келтирган. Бу “сўзинг” сўзидаги “ўзинг” сўзига нисбатан бир ҳарф (“с” ундоши) нинг ортиқчалигида кўзга ташланади.

Ишқ ичра **ман** каби йўқ қилган вафони **муътод**,

Ҳусн ичра **сан** сифат ҳам бир маъваши **паризод**¹.

Мазкур байтда қофиялар мисранинг ўртаси ва охирида қўлланилган бўлиб, “ман”, “сан” ҳамда “муътод”, “паризод” сўзлари ўзаро қофиядошдир. Аваз қофиядош сўзларни ошиқнинг вафодорлиги ва маъшуқанинг ҳуснда тенгсизлигини тасвирлашга хизмат қилдира олган. Ушбу байт ўртасида қўлланган қофиядош сўзлар олдида жойлашган “ичра” сўзи ҳожиб вазифасини ўтайди.

Санго ҳусн ичра **яктолиғ** мусаллам,

Манго ишқингда **шайдолиғ** мусаллам².

Бунда шоир зулқофиятайн санъатига мурожаат қилиб, ҳусни барча томонидан эътироф этилган ягона зотга бўлган чексиз шайдолигини ва муҳаббатини изҳор этади.

Қачон чеккай фиғон қумри бу **зори нотавонингча?**

Ки сарве борму зебо қомати **сарви равонингча?**³

Байтдаги қўш қофия мисралар охирида жойлашган. Қўш қофия асос бўлган “зори ва сарви”, “нотавонингча ва равонингча” сўзлари **мутакаррин қофияни** вужудга келтирган.

Аваз ижодида қофия қўллашнинг хилма – хил усулларидан фойдаланган. Қуйидаги ғазалида эса у байт охиридаги сўзни икки маротаба такрорлаш орқали зулқофиятайн санъатига мурожаат этган:

Эй гавҳари хаёлиға қалбим **садаф, садаф,**

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 66.

² Аваз. Сайланма. – Б. 115.

Ким йўқ онинг киби бу жаҳонда **шараф, шараф**.

Дарди жафоу жавр чекиб фурқатинг аро,
Умримни бор – йўқи бўлубдур **талаф, талаф**.

Кофир кўзинг хадангиға, эй шўхи қоши ё,
Бўлмишдурур жаҳон эли кўнгли **ҳадаф, ҳадаф**.

...Мужгонларинг тутубдурур ушшоқ қатлиға
Русу Яфун асокири ёнглиғ **чу саф, чу саф**.

Не иш қилайки, йиғламайин, эй Аваз, бу навъ,
Бошимда бордурур неча офат **тараф, тараф**¹.

Шоир бу хилдаги такрор қофиялар орқали айтилаётган фикр ва туйғуларни таъкидлаш, айти пайтда асар жозибаторлигини кучайтиришга ҳаракат қилган. Бундай сўзларни истифода қилиш орқали поэтик фикрни гўзал ва таъсирчан ифодалашга муваффақ бўлган. Буни қуйидаги байт мисолида ҳам кўриш мумкин:

Базмимға келса ул санам, айлаб **карам–карам**,
Токим қўярға бошу кўзимга **қадам–қадам**².

Аваз ўз ижодида **тажзия** усулидан ҳам самарали фойдаланган. Тажзия байт мисраларининг ҳар бирини икки бўлакка ажратиб, мисралардаги биринчи бўлакларни ҳам иккинчи бўлакларни ҳам ўзаро қофиялаш санъатидир.

Гулзор аро **гул** бир тараф, ул юзи **ҳумро** бир тараф,
Ишқ ичра **булбул** бир тараф, ман зори **шайдо** бир тараф¹.

³ Аваз. Сайланма. – Б. 44.

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 197.

² Аваз. Сайланма. – Б.118.

Бу байтларда бир хилдаги икки қофиядан ташқари, икки радиф ҳам қўлланиб, сержилва байт юзага келган.

Туркий шеърятда **мусажжаъ** усулини илк бор Алишер Навоий қўллаган. Мусажжаъ байтлари ички қофияли бўлган шеърый асардир. Мусажжаъ шеърларда байтлардаги мисралар тўрт бўлакка бўлиниб, олдинги уч бўлак мустақил ҳолда қофияланиб, тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади.

Бу хил қофия усули тўртта тенг бўлакка бўлинадиган саккиз рукнли (мусамман) байтлардагина қўлланиши мумкин. Навоийда матлаъси оддий усулда битилган, лекин иккинчи байтдан то охиригача ички қофияларга эга бўлган ғазаллар салмоқлигина. Қуйида келтирмоқчи бўлганимиз, Навоийнинг:

Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам,

Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам²

матлаъли ғазалига Аваз тахмис боғлаган бўлиб, бу тахмиснинг иккинчи бандидан еттинчи бандигача мусажжаъ асосига қурилганлиги шоирнинг бадий тафаккур салоҳиятининг кенглигидан далолат беради:

Қилур гаҳ жилвалар **пинҳон**, кўзумга ул кўзи **фаттон**,

Танимдан то олурға **жон**, қилиб бедод **бепоён**,

Не тонгким қумридек **нолон**, гар ўлсам айлабон **афғон**,

Чаман сарви бўлиб **хайрон**, менинг сарвим қилиб **жавлон**,

Онинг шайдоси бир **деҳқон**, мунга шайдо бори олам¹.

Кўринадики, бир бандда тўққизта сўз қофиядош бўлиб келган. Тахмис боғлашнинг ўзи масъулиятли вазифа бўлгани ҳолда, бир

¹ Аваз. Сайланма. – Б. 198.

² Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 6–жилд. – Тошкент: 1990. – Б. 286.

¹ Аваз. Сайланма. – Б.255.

бандда тўққизта сўзни қофиядош қилиб келтириш шоирдан, албатта, жуда катта маҳорат, билим ва салоҳият талаб қилади.

Аваз Огаҳийнинг “басе” радифли мусажжаъ ғазалига ҳам тахмис боғлаган:

Хунобаи қалбим **шароб**, бағрим ғам ўтиға **кабоб**,
 Кўюнг аро чашмим **пуроб**, айлаб тани зорим **туроб**,
 Қошингда қилғум **беҳисоб**, зарра мисоли **изтироб**,
 Эй юзи рашки **офтоб**, эт раҳм ила тарки **итоб**,
 Ким даҳрни қилди **хароб**, оҳу кўзимдин нам басе².

Мазкур тахмис ҳам етти банддан иборат бўлиб, биринчи банддан ташқари, барча бандлар мусажжаъ асосига қурилган.

Мусажжаъ ғазаларга тахмислар битиб анча тажриба орттирган Аваз ўзи ҳам шу усулда ғазалар битишга ҳаракат қилган. Қуйида биз келтирмоқчи бўлган байтларни ана шундай уринишлар самараси дейиш мумкин:

Ҳосидлиғ айлаб бу **замон**, ким берди, дер аҳли **жаҳон**,
 Кийса янги хилъат агар қашшоқу қаллош устина³.
 Чашми сиёҳин **ўйнатиб**, ширин сўз ила **олдотиб**,
 Ушшоқ аро қилди мани девонаи бесаргина⁴.

Воқеан, мусажжаъ ғазаларда 3 та рукн ўзаро қофиядош бўлиб келгани ҳолда, Аваз 2 та рукнда оҳангдош сўзларни қўллашга эришган. Бу тахлит ёзилган ғазалар шоир ижодида кўп учрамаса — да, ижодкор маҳоратининг тадрижий такомилдан далолат беради.

Қуйидаги байтда эса тўртала рукнда ҳам қофиядош сўзлар иштирок этганлигини кузатамиз:

Танимдин чиқди **жон** ҳижронда, **жонон** ўлмади воқиф,

² Аваз. Девон. — Б.311.

³ Аваз. Сайланма. — Б.36

⁴ Аваз. Девон. — Б.26.

Нечукким мулк **вайрон** ўлди, **султон** ўлмади воқиф¹

Маълумки, тажнисда шеър байтида маъно жиҳатдан ҳар хил, аммо шакли бир хил, ёки шаклан бир—бирига яқин икки сўзни келтириб, улар воситасида муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодаланади. Тажнисли қофия эса тажнисларни қофиялар ўрнида қўллашни назарда тутади. Мумтоз шеърятимизда тажниснинг 12 тури мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятидан тажнисли қофиялар қўллашда фойдаланиб келинган. Аваз ҳам ушбу анъанага риоя қилиб, ўз асарларида тажнисли қофияга кенг ўрин берган. Аваз ижодида **тажниси мураккаб, тажниси зойид, тажниси музориъ, тажниси мукаррар, тажниси хатти** каби тажнис турларининг қофия ўрнида келган ҳолатларини кузатиш мумкин.

Қош ила кўзи олғусидир жон **иккилаб**,

Жон бермак ишин қилса намоён **икки лаб**.

Юз мурда ёнғидин бўлур эҳё шаксиз.

Минг ишва билан гар очса жанон **икки лаб**².

Бу ўринда "иккилаб" ва "икки лаб" қофиялари **мураккаб тажнис** сифатида ишлатилган. Чунки биринчи қофия бир сўздан, иккинчиси икки сўздан ташкил топган.

Авазда **тажниси музориъ** қўлланилган байтлар ҳам анчагина. Тажниси музориъ шаклан яқин бўлган икки сўзнинг сўз боши, ўртаси ёки охирида бир, баъзан икки ҳарф билан бир—биридан фарқланишига асосланади. Мисоллар:

Қўй, эй пари пайкар, қадам айлаб карам **бош** устина,

Қаҳру ғазаб таркин қилиб, чин солмағил **қош** устина¹.

Таололлоҳ, сиз оромижон, ваҳ, не **балодурсиз**?

¹ Аваз. Девон. — Б.216.

² Аваз. Сайланма. — Б. 312.

Ки бир ғамза билан жонимга ишқ ўтин **солодурсиз!**²

Эй, не хушдур ўйлаким кабки дари **рафторингиз,**

В – эй, ҳаловат бобида шаккар каби **гуфторингиз**³.

Биринчи байтда шаклан яқин бўлган “бош”, “қош” сўзлари бир ҳарф билан бир – биридан фарқланса, иккинчи ва учинчи мисоллардаги “балодурсиз”, “солодурсиз”, “рафторингиз”, “гуфторингиз” қофиядош сўзлари иккита ҳарф билан бир – биридан фарқ қилади. Икки ҳарф ўзгача бўлган сўзлардан ташкил топган шаклдошликни **тажниси мутаррад** деб ҳам атайдилар. Бундан ташқари, учинчи мисолдаги мисралар бошида жойлашган “эй”, “в – эй” сўзлари ҳам қофиядошликни юзага келтириб, кейинги қофиялар билан биргаликда зулқофиятайнга асос бўлган.

Қуйидаги ғазалда қофияларнинг ҳаммаси бир – биридан фақат битта ҳарф (д, с, ф, з, н) билан фарқланади:

Фурқат уза юзлангуси ҳар дам манга дард узра **дард,**

Чексам не тонг, бу ғуссадин шому саҳарда оҳи **сард.**

Токим ҳамул Ширинлиқо ҳуснин назора қилғоли,

Фарҳодосо бўлмишам ишқ ичра шайдолиғда **фард.**

Даъвои меҳр айлар эсанг, эйким, манго қасд айлаюб,

Икки гувоҳидур они: кўз ёши бирла ранги **зард.**

...Зийраклигига қилмишам таҳсинки ўтди неча йил,

Шум муддаий бирла ул ой ўйнар чоғи шатранжу **нард.**

¹ Аваз. Сайланма. — Б.36.

² Аваз. Сайланма. — Б.76.

³ Аваз. Девон. — Б.74

Не навъ ношод, эй Аваз, бўлмай мани дилхастаким,
Фурқат аро юзлангуси ҳар дам манго дард узра **дард**¹.

Тажнислардаги қофиянинг битта ҳарф билан фарқ қиладиган бошқа бир тури **тажниси хатти** ("ёзув тажниси") бўлиб, бу санъат асосан, араб ёзувидаги сўзларнинг нуқталардан ташқари тўла мослигига асосланади:

Бордур муносиб ичмак фасли **баҳор** шарбат,
Бир юзи гул қўлидан лайлу **наҳор** шарбат ².

Тажниси зойид орттирилган тажнис маъносини билдиради. Бу хил тажнисларда шаклан ўзаро яқин қофия сўзларининг бирида бир ёки икки ҳарф ортиқча бўлади.

Бировким, ишқ аро бўлса асиру **зор** ман янглиғ,
Иши чекмак ҳамиша бўлғуси **озор** ман янглиғ³.

Байтдаги "зор" ва "озор" сўзлари тажниси зойидни юзага келтирган. Тажниси зойидларда бир сўздаги ортиқча ҳарф ёки икки ҳарф сўз бошида, ўртасида ёки охирида келиши мумкин.

Тажниси мукаррар (такрорланувчи тажнис)да бир хил шаклдаги ёки биридан иккинчиси бир ёхуд бир неча ҳарф ортиқ бўлган икки сўз, қофия мисра охирида ёнма—ён келади. Авазда ҳам бундай байтларни учратиш мумкин. Мисол тариқасида, зулқофиятайн усулида битилган қуйидаги байтни келтириш ўринлидир:

Элга лутфингдин етиб оғозу то **анжом жом**,
Субҳидам май нўш этиб ҳуноби заҳр **ошом шом**¹.

¹ Аваз. Девон. — Б.56.

² Аваз. Девон. — Б.199.

³ Аваз. Девон. — Б.251.

¹ Аваз. Девон. — Б. 278.

Авазда ғазалнинг турли байтларида тажнисли қофиялар қўлланган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Икки сўз бир – бирига ҳарфлар жиҳатидан ҳам, араб ёзувида нуқта ва ҳаракатлари жиҳатидан ҳам тўла мос бўлса, бу хил тажнислар **тажниси томм**, яъни тўлиқ тажнис деб юритилади. Айнан шаклдош икки сўз бир хил сўз туркумига мансуб бўлса, мумосил тажнисни, икки хил сўз туркумига мансуб бўлса, муставкавий тажнисни ҳосил қилади.

Букун бўлғусидир пинҳон сирим фош,

Ки ҳар дам кўзларимдан оқғуси **ёш**.

...Нетай эмди, Аваз, суду зиённи,

Ки одам ўғлиға ўлчоклидур **ёш**².

Матлаъ ва мақтаъдаги ёш сўзларининг иккови ҳам от туркумига мансуб. Биринчи байтдаги "ёш" — кўз ёши, иккинчи мисрадагиси эса инсонга яшаш учун бериладиган ёш. Буни **мумосил тажниси томм**нинг бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин.

Хуллас, шоир мусажжаъ ғазаллар яратиш, тажзия ва қофия санъатларига мурожаат этиш орқали бетакрор тасвир, жозибали манзаралар, ҳайратомуз лавҳалар ярата олди. Шоирнинг ранг – баранг қофия санъатларини янгича шаклда ўз шеъриятига тадбиқ этиши унинг бадий тафаккур салоҳиятининг кенглиги, ижодий даҳосининг юксаклиги, хаёлот оламининг бепоёнлиги билан белгиланади.

Мумтоз шеъриятимиздаги кўпгина ҳолатларда қофиядан сўнг такрорланиб келиб, шеърга алоҳида жозоба, муסיқийлик бахш этувчи воситалардан бири **радиф** ҳисобланади. Радифлар, шунингдек, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиш, шоир ниятини ўқувчи қалбига янада яқинроқ, чуқурроқ етказиш вазифасини ҳам бажаради. Шеъриятимизда бир сўздан, сўз бирикмаларидан, жуфт сўзлардан,

² Аваз. Девон. — Б.233.

такрорий сўзлардан иборат бўлган, шунингдек, ундалма вазифасида келган радифлар ҳам анчагина.

Аваз ижодида “эй кўнгил”, “эй биродар”, “эй дўстлар”, “эй гулрў”, “эй маҳваш”, “эй рафиқ”, “аё шўх” каби ундалмаларнинг радиф вазифасида келишини кўплаб кузатиш мумкин.

Ман найлайн раҳм этмаса аҳволингга ёр, **эй кўнгул**,

Чексанг доғи минг меҳнату ранж ила озор, **эй кўнгул**¹.

Ёки:

Бу дамни бил ғанимат, **эй биродар**,

Кидур айёми вуслат, **эй биродар**².

Кўринадики, радиф вазифасида келган мурожаатлар баъзан лирик қаҳрамоннинг ўзига, баъзан дўстга, баъзан эса маҳбубага нисбатан қўлланилган ва барча ҳолатларда шоир ғоявий ниятини ўқувчига тўлақонли етказиб беришга хизмат қилган. Авазда ундалмаларнинг такрор ҳолда қўлланиб, радиф ҳосил қилган ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

Золим эдинг, ваҳ, не бало, **эй қоши ё, эй қоши ё**,

Ким раҳм этмассан манго, **эй қоши ё, эй қоши ё**³.

Радифнинг кўп сўзлардан тузилганлиги унга алоҳида масъулият юклайди. Юқоридаги байт саккиз рукни бўлиб, унинг ярми, яъни тўрт рукни радифдан иборат. Бунда у қуйидаги шаклга эга бўлади:

Золим эдинг, ваҳ, не бало,

Эй қоши ё, эй қоши ё,

Ким раҳм этмассан манго,

Эй қоши ё, эй қоши ё.

¹ Аваз. Девон. – Б.119.

² Аваз. Девон. – Б.172.

³ Аваз. Девон. – Б.58.

Шеърнинг барча жуфт мисраларини "эй", "қоши", "ё" сўз ва товушларидан иборат таркибли радиф ташкил этади. Ғазал ошиқнинг маъшуқасидан шикоят руҳида ёзилган. Ҳар байтда "эй қоши ё, эй қоши ё" жумласининг такрор қўлланиши ошиқ ички оламини ёритиб беришга, маҳбубага қилган илтижоларини таъсирчанроқ етказишга хизмат қилган.

Аваз ижодида жуфт сўзларнинг ва такрорий сўзларнинг радиф вазифасида келган ҳолатларини ҳам кўплаб кузатиш мумкин.

Бир дам қарор этмасдуру, эй сиймбар, **қошу кўзинг**.

Жону дилим ўртағали қилмай ҳазар **қошу кўзинг**¹.

Вафо расмин тутуб ул дилрабо **оҳиста–оҳиста**,

Жафо таркини ҳам айлар, хушо, **оҳиста–оҳиста**².

Аваз шеъриятида қофия ва радифнинг оҳангдош бўлиб келишидан юзага келган гўзал ғазал намуналари ҳам учрайди:

Балои жон экан **ҳижрони онинг**,

Басе дарду алам **ҳирмони онинг**.

Чу қадрин билмадинг ул ёрниким,

Ғанимат бор экандур **они онинг**.

Нечук борсам кўрарман қадру иззат,

Рақибни шум эрур **меҳмони онинг**.

Тўқарга элни қонин мойил ўлмиш,

Ҳамиша наргиси **фаттони онинг**¹.

¹ Аваз. Девон. – Б.50.

² Аваз. Девон. – Б.28.

¹ Аваз. Девон. – Б.49.

Ушбу парчадаги ҳар бир қофияни (ҳижрони, ҳирмони, они, меҳмони, фаттони) “онинг” радифи билан оҳангдошлиги, бир томондан, музиқийлик ва таъсирчанликни кучайтиришга, иккинчи жиҳатдан, ёр ҳақидаги қаҳрамон фикрларини ифодаловчи маънони таъкидлашга хизмат қилган.

Умуман, Авазнинг вазн, қофия ва радифни қўллашдаги маҳорати кўп асрлик мумтоз поэтика анъаналарини пухта эгаллаш ва уларни ижодий давом эттириш намунасидир. Учинчи боб юзасидан кузатишларимизни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Аваз шеърятти фақат гоё ва мазмун жиҳатидан эмас, балки бадиияти билан ҳам ўрганишга арзийдиган юксак шеърятдир. Унда кўп асрлик шеърятимиздаги мазмун ва шакл уйғунлиги анъанасининг XX асрдаги давоми ва ижодий такомилни кўрамиз. Зеро, шоир талқинидаги бадиият, аввало, умуминсоний қарашларни, ишқ ва маърифий қарашларни гўзал ва таъсирчан ифодалашда намоён бўлади.

2. Шоир поэтик маҳоратининг бир қирраси шеърый санъатларни моҳирлик билан қўллашда кўринади. У ғазал, мухаммас, мусаддас ва бошқа лирик жанрларда шеърый санъатларнинг маънавий, лафзий ва муштарак турларидан усталик билан фойдаланди ва асарларининг таъсирчан ва ўқишли бўлишига эриша олди.

3. Аваз шеърятти шакл унсурларининг пухта ва мукамаллиги билан ҳам ўзига хосдир. Ундаги вазн, қофия ва радифлар поэтик маҳорат талабларига мувофиқ бўлиб, шоир ижтимоий – эстетик қарашларини, умуман, маъно теранлиги билан шаклий кўркемлик ифодасини таъминловчи воситалардир.

4. Аваз шеърятда шакл унсурларидан муваффақиятли фойдаланиш натижасида бадий асарлар мазмунини бойитишга

ҳаракат қилди. Вазн, қофия ва радифлар шунчаки мумтоз адабиёт анъаналарига мос равишда қўлланилибгина қолмасдан, уларнинг имкониятларидан мазмунни тўлатишга ва унинг янги қирраларини очишда фойдаланди.

ХУЛОСА

XIX асрнинг охири ва XX аср бошида ўзбек миллий маданияти равнақ топган масканлардан бири Хоразм адабий муҳити эди. Шоҳ ва шоир Феруз (1844–1910) номи билан боғлиқ бу муҳитда адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларига мансуб ижодкорлар фаолият кўрсатганлар. Булар орасида фахрли ўринлардан бирини Аваз эгаллайди. Зеро, унинг номи ўша даврдаги деярли барча тазкира, мажмуа ва бошқа адабий манбаларда қайд этилиши бежиз эмас. Жумладан, Табибий тазкираларида, Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий”, Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асарларида Аваз “шоири тоза” ва “тозалиф ичра овоза”, умуман, истеъдод соҳиби сифатида эътироф қилинган. Авазнинг ижод йўли тақлидчиликдан оригиналликка, умумий фикрлашдан бадиий тафаккурга интилиш йўли бўлиб, бу жараёнда адабий анъана, асрий мумтоз тажрибалар муҳим аҳамият касб этди. Турли даврларга мансуб ижодкорларни ўзаро боғловчи адабий ворислик ва издошлик Аваз учун ҳам маҳорат мактаби ҳамда ижодий камолот синови эди. Халқ оғзаки поэтик ижоди ва Шарқ мумтоз шеъриятининг даҳо санъаткорлари асарларидан озиқ ва илҳом олган Аваз устозлар анъанасини давом эттириш ва бойитишга мушараф бўлди. Табиийки, у бу жараёнда мавжуд тамойиллар доирасида қолиб кетмади, балки уларга ижодий ёндашиб, ўз даврининг долзарб ҳаётий муаммоларини, хусусан, инсон, унинг эрки ва маънавий камолотини ўз ижодининг асосий объектига айлантирди.

Аваз мероси асосан анъанавий лирик асарлардан ташкил топган бўлса ҳам, мавзу қамрови кенг, жанрий ранг—баранг, мазмунан теран ижод маҳсулидир. Бу мероснинг Навоий лирик мероси ҳажмига яқинлиги, хилма—хил жанрларда яратилгани, икки мингдан ортиқ

ғазал, икки юздан зиёд мухаммас, шунингдек, бошқа қатор шеърый шакллардан иборат эканлиги шоир истеъдодидан нишонадир.

Аваз ижоди тадрижий характерга эга бўлиб босқичма—босқич мазмунан теранлашиб, шаклан такомиллашиб борди, давр хусусиятларини акс эттирди. Бу жараён уч босқичда (1900—1906; 1907—1909 ва 1910—1919 йиллар) намоён бўлиб, уларнинг ҳар бирида шоир ижодининг эволюцияси, етакчи жиҳатлари ифодаланди. Жумладан, биринчи босқичда илк девони, иккинчи босқичда мукамал девони, учинчи босқичда эса маърифатпарварлик ғоялари устувор бўлган шеърлар туркуми майдонга келди. Бу босқичларнинг ҳаммасида шоир бир томондан, мумтоз адабиёт анъаналарига суянган бўлса, иккинчи томондан, XX аср бошида кенг тарқала бошлаган янги шеърый шаклларда жаҳолатга қарши ижтимоий—маърифий қарашларни тарғиб этди. Унинг “Халқ”, “Миллат”, “Фидоий халқим”, “Ҳуррият” каби шеърлари шоир ижоди халқчиллиги ва бадий—поэтик даражасини янада оширди.

Аваз шеърыйати ўз даври ўзбек миллий поэзиясининг устувор жиҳатларини ўзида мужассам этган шеърыйатдир. Булар ғоявий—мазмуний йўналишда инсонпарварлик, ватанпарварлик, комиллик, шаклий—услубий йўналишда эса бадий юксаклик, образлилик ва таъсирчанлик тамойилларидир. Умуман, Аваз анъанавий лириканинг асосий жанрларида самарали ижод қилиб, новатор шоир мақомига эришган санъаткордир.

Аваз меросининг асосий қисми ҳозиргача қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда. Унинг шу кунгача нашр этилган асарлари умумий меросининг бешдан бир қисми бўлиб, етарли ўрганилмаган. Аваз девонларининг мавжуд қўлёзмаларидаги ва адабиёт ихлосмандлари бисотидаги шеърларининг салмоғи қирқ минг мисрадан ортиқ бўлиб,

мумтоз поэзиянинг ўн иккита жанрида яратилган ва анъанавий лирикага ижодий ёндашувнинг ибратли намунасидир.

Аваз ижоди тадрижий ҳарактерда бўлиб, унинг такомилли анъана → ижодий изланиш → маҳорат → новаторлик тарзида намоён бўлади. Ижодининг дастлабки давридаги изланишлар, асосан, ошиқона мавзу доирасида бўлса, кейинги босқичларда у янада кенгайди, ижтимоий – сиёсий масалалар билан бойиди, шоирнинг ижодий фаоллиги кучайди.

Аваз шеърий меросида ғазал жанри асосий ўринда туради. Шоир анъанавий ғазалчиликка ижодий ёндашиб, Навоий, Фузулий, Огаҳий каби сўз санъаткорлари тажрибаларидан файз топди, улардан рағбатланиб, дилбар ғазаллар яратди. Унинг ишқий, ҳажвий ва ижтимоий – сиёсий характердаги ғазаллари ғазалчиликни мазмун жиҳатдан бойитган бўлса, вазн, қофия, радиф каби поэтика унсурлари шаклий – услубий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилди. Зеро, икки мингдан ортиқ ғазал кўп асрлик ғазалчилик анъанасига ўтган асрда қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Бу ҳиссанинг бир қисми анъанавий ғазалиётни янгилик сифатида бойитган маърифатпарварлик ва демократик руҳдаги ижтимоий оҳанглар эди.

Аваз шеърияти анъанавийлик асосида шаклланиб, новаторлик мақомида интиҳо топган шеъриятдир. Новаторлик эса унинг ғазалларидан ташқари, бошқа жанрлардаги асарларига ҳам хосдир. Булардан, айниқса, мухаммас ва рубоийлар ўз маъно кўлами ва миқдор салмоғи билан ҳам ўша давр адабий муҳитида катта ўрин тутади. Аваз лирик қаҳрамони чинакам ошиқ, шу билан бирга, ўз даврининг зукко вакили, жаҳолат ва зулмга қарши маърифат ва ҳуррият учун кураш фидойиси ҳамдир. Унинг тадрижий такомиллидаги вафо ва садоқат каби типологик хусусиятлар давр

тақозосига кўра янги фазилатлар — адолатсизликка ва хўрликка қарши мурасизлик ҳамда эрксеварлик билан бойиди.

Аваз шеърияти жанрлар ранг — баранглиги билан ҳам ажралиб туради. Унда мусамматнинг мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман каби турлари мумтоз намуналарини кўрамиз. Хусусан, мухаммаснинг мустақил (таъби худ) ва тахмис каби шаклларидаги ўзига хослик, шунингдек, татаббуъ битиш, умуман, ижодий издошлик, салафлар билан беллашиш каби омилар маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Қасида, қитъа, соқийнома, таржеъбанд каби жанрларда ҳам Авазга хос ижодий салоҳият, ҳар бир жанрга мансуб асосий хусусиятлар ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Авазнинг "Таржеъбанди хомиса" асари Навоий "Хамса"сидан илҳомланишнинг ибратли намунаси бўлиб, унда Ишқ, Ҳаёт ва Эзгулик фалсафаси навоийона талқинларининг Аваз қалбидаги садоси куйланди. Хоразмда "Хамса" анъаналарига эргашиш Умар Боқий (XVIII аср)дан бошланган бўлиб, Аваз уларни шеърий шаклда давом эттирди.

Аваз маҳоратининг яна бир қирраси шеърлар бадииятининг юксаклигида кўринади. Аруз тизимининг турли рукн ва баҳрларида битилган шеърлардаги вазн имкониятлари, қофия ва радиф эврилишлари шоир бадий иқтидоридан далолатдир. Шунингдек, шеърий санъатлар, бадий — тасвирий воситалар жилolari, содда услуб ва халқ тили бойлиги ҳамда ҳикматларидан усталик билан фойдаланиш ҳам Аваз санъаткорлигининг ёрқин ифодасидир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т: Ўзбекистон, 1998. –686 б.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5–том. –Т: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1–том. –Т: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
4. Каримов И.А. Жамятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. –Т: Ўзбекистон, 1998. –30 б.
5. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9–том. –Т: Ўзбекистон, 2001. –398 б.

I. Матн ва манбалар

1. Аваз Ўтар. Танланган асарлар. –Т: ЎзР ФА, 1951. –76 б.
2. Аваз Ўтар. Танланган асарлар. –Т: Ўздавнашр, 1956. –320 б.
3. Аваз. Девон. –Т: Адабиёт ва санъат, 1976. –392 б.
4. Аваз. Сайланма. –Т: Адабиёт ва санъат, 1984. –368 б.
5. Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 7102. –209 в.
6. Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 942. –282 в.
7. Аваз. Девон. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 3451. –160 в.
8. Баёзлар. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 1143, 1157, 1183, 1182, 1195, 1131, 1191, 1275, 1177, 1186, 1179, 1196, 1175, 1184, 6928.

9. Мухаммасотлар. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 1127, 1128, 1129, 1130.
10. Мусаддасот. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 1133.
11. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1 – 11 жилдлар. – Т: Фан, 1987 – 1993.
12. Аҳмад Табибий. Танланган асарлар. – Т: Бадиий адабиёт, 1968. – 228 б.
13. Аҳмад Табибий. Мажмуаи мухаммасот уш – шуарои Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 1134.
14. Аҳмад Табабий. Мажмуаи си шуаро пайрави Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 1152.
15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Т: Фан, 1994. – 144 б.
16. Лаффасий. Хоразм шоирларининг таржимаи ҳоллари. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 9494.
17. Мунис. Танланган асарлар. – Т: Ўздадабийнашр, 1957. – 384б.
18. Мунис. Мунис ул – ушшоқ. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 63.
19. Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1, 2 – жилдлар. – Т: Адабиёт ва санъат, 1971. – 392 б; 1972. – 424 б.
20. Огаҳий. Таъвиз ул – ошиқин. – Т: Ўздавнашр, 1960. – 448 б.
21. Фузулий. Асарлар. 1 – жилд. – Т: Бадиий адабиёт, 1968. – 384б.
22. Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2 – китоб. – Т: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1981. – 304 б.

II. Илмий тадқиқот, монография ва рисоалар

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2 – китоб. – Т: Ўқитувчи, 1964. – 383 б.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т: Ўзбекистон, 1980. – 346 б.

3. Абдуллаев Ҳ. Қадрият қатралари. — Урганч: Хоразм, 1996. — 90 б.
4. Абдуллаев Ҳ. Хоразм адиблари. — Урганч: Хоразм, 1998. — 70 б.
5. Абдуллаев Ҳ. Ҳайрат бўстони. — Т: нашриётсиз, 2001. — 45б
6. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. Т: нашриётсиз, 2005. — 60 б.
7. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. — Т: Адабиёт ва санъат, 1979. — 159 б.
8. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. — Т: Адабиёт ва санъат, 1983. — 184 б.
9. Аристотель. Поэтика. — Т: Адабиёт ва санъат, 1980. — 150 б.
10. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. — Т: Адабиёт ва санъат, 1979. — 68 б.
11. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. — Т: Камалак, 1991. — 176 б.
12. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (Мақолалар тўплами). — Т: Фан, 1993. — 208 б.
13. Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) 3 жилдлик. — Т: Фан, 1992. — 248 б.
14. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажараи Хоразмшоҳий. — Т: Адабиёт ва санъат, 1994. — 105 б.
15. Бобожон Тарроқ Азизов — Ходим. Хоразм навозандалари. — Т: Адабиёт ва санъат, 1994. — 96 б.
16. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. — Т: Адолат, 2004. — 192 б.
17. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X—XIX асрлар). — Т: Ўзбекистон, 1993. — 191 б.
18. Ёқубов И. Илмий тадқиқот асослари. — Урганч: Хоразм, 1995. — 46 б.

19. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – 407 с.
20. Жалолов А. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. – Т: Фан, 1991. – 154 б.
21. Жомбоқиев Х., Ҳасанов С. Хоразм – кўҳна маданият ўчоғи. – Т: Фан, 1983. – 64 б.
22. Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т: Фан, 1991. – 160 б.
23. Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. – Т: Фан, 1995. – 89 б.
24. Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т: Ўзбекистон, 1995. – 152 б.
25. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т: Фан, 1983. – 168 б.
26. Ислом тасаввуфи манбалари (тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Болтабоев Ҳ. – Т: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.
27. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. 3–китоб. – Т: Ўқитувчи, 1966. – 308 б.
28. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т: Фан, 1993. – 50 б.
29. Комилов Н. Тасаввуф. 1–китоб. – Т: Адабиёт ва санъат, 1996. – 272 б.
30. Комилов Н. Тасаввуф. 2–китоб. – Т: Адабиёт ва санъат, 1999. – 208 б.
31. Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – 120 б.
32. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1–китоб. – Т: Ўқитувчи, 1963. – 496 б.
33. Маллаев Н., Каримов Ф., Исматов С. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Т: Ўқитувчи, 1984. – 224 б.

34. Мажидий Р. Огаҳий лирикаси. – Т: Фан, 1963. – 138 б.
35. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т: Чўлпон, 1998. – 80 б.
36. Машарипова Г. Хоразмда битилган қўлёмалар. – Т: Фан, 1997. – 84 б.
37. Матёқубова Т. Образ ва талқин (Огаҳий шеъриятидаги анъанавий образлар мисолида). – Т. нашриётсиз. 2002. – 86 б.
38. Мирзаев В. Аваз Ўтар ўғли (маърифатпарвар ва революцион демократ куйчи). – Т: ЎзР ФА нашриёти, 1961. – 72 б.
39. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т: ЎзР ФА нашриёти, 1960. – 171 б.
40. Мўминова В. Ўзбек демократик адабиётида лирика. – Т: Фан, 1979. – 104 б.
41. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Т: Адабиёт ва санъат, 1972. – 134 б.
42. Носиров О ва бошқалар. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. – Т: Ўқитувчи, 1979. – 183 б.
43. Навойга армуғон. – Т: Фан, 1968. – 208 б.
44. Навойга армуғон (иккинчи китоб) – Т: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 109 б.
45. Навойга армуғон (тўртинчи китоб). – Т: Фан, 2004. – 162 б.
46. Навой асарлари учун қисқача луғат. – Т: Фан, 1993. – 374б.
47. Огаҳий абадияти. – Т: Ўзбекистон, 1999. – 152 б.
48. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т: Фан, 1976. – 120 б.
49. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т: Адабиёт ва санъат, 1976. – 168 б.

50. Отабоев Б. Аваз Ўтарнинг ижтимоий – сиёсий қарашлари. – Т: Ўзбекистон, 1980. – 20 б.
51. Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. – Т: нашриётсиз, 1998. – 124 б.
52. Расулова Ф., Ҳасанов С. Аваз Ўтарнинг маърифий – тарбиявий қарашлари. – Т: Ўқитувчи, – 32 б.
53. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т: Фан, 1995. – 155 б.
54. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод. 1972.
55. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
56. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т: Фан, 2004. – 128 б.
57. Самандарова С. Тазкираи Қайюмий – қўлёзма манба. – Т: нашриётсиз. 1996. – 22 б.
58. Солаева М. Навоий ва Хоразм шоирлари. – Урганч. Мураббий. 1993. – 116 б.
59. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т: Ўқитувчи, 1986. – 406 б.
60. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т: Ўқитувчи, 1995. – 109 б.
61. Холлиева Г. Ўзбек адабиётида мусаммат. – Урганч: Хоразм, 2002. – 32 б.
62. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т: Адабиёт ва санъат, 2004. – 263 б.
63. Шайх Аҳмад Тарозий, Фунун ул – балоға. – Т: Хазина, 1996.
64. Юсупов Ю. Аваз. Адабий – биографик очерк. – Т: ЎзР ФА, 1954. – 38 б.
65. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Т: Бадиий адабиёт, 1967. – 40 б.
66. Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Т: Фан, 1976. – 150 б.

67. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 5—жилд. —Т: Фан,, 1980. — 420 б.
68. Қобулов Н. Аваз Ўтар ўғли — мутафаккир шоир. —Т: Билим, 1984. — 27 б.
69. Қобулов Н. Аваз Ўтар — ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили. —Т: Адабиёт ва санъат, 1985. — 88 б.
70. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. 1—китоб. —Урганч: Хоразм, 1998. — 145 б.
71. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. 2—китоб. —Урганч: Хоразм, 1998. — 220 б.
72. Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. —Т: Фан, 1987. — 198 б.
73. Фанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. —Т: Фан, 1978. — 80 б.
74. Фафур Фулом. Адабий—танқидий мақолалар. 2—жилд. —Т: Фан, 1973. — 232 б.
75. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. —Т: Фан, 1996. — 160 б.
76. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. —Т: Фан, 1961. — 294 б.
77. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. —Т: Адабиёт ва санъат, 1974. — 165 б.
78. Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий—танқидий қарашлари. —Т: ЎзР ФА нашриёти, 1959. — 196 б.
79. Ҳасанов С. Хоразм маърифати — олам кўзгуси. —Т: Ўқитувчи, 1996. — 304 б.
80. Ҳасанов С. Аваз Ўтар ўғли. —Т: Ўқитувчи, 1985.
81. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. —Т: Адабиёт ва санъат, 1991, — 184 б.
82. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. —Т: Маънавият, 1998. — 160 б.

83. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: 2000. – 142 б.
84. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т: Шарқ 2004. – 206 б.
85. Ҳамидова М. Қўлзма баёзлар – адабий манба. – Т: Фан, 1981. – 124 б.
86. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Т: Шарқ, 1998. – 158 б.
87. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т: Шарқ, 1998. – 224б.
88. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т: Шарқ, 1999. – 240 б.
89. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т: Шарқ, 2001. – 96 б.
90. Ҳотамов Н ва бошқалар. Адабиётшунослик терминларининг русча – ўзбекча луғати. – Т: Фан, 1993. – 376 б.
91. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Т: Халқ мероси, 1994. – 112 б.
92. Ҳусайний А. Бадоеъ ус – саноеъ. – Т: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.

III. Илмий мақолалар ва вақтли матбуот материаллари

1. Абдуғафуров А. Навоий мусамматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. № 1. – Б. 3–9.
2. Абдуғафуров А. “Юғурмия” – ўзбекча инқилобий шеърлар тўплами // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. № 5. – Б. 3–10.
3. Абдуғафуров А. Демократ шоир // Хоразм ҳақиқати. 1984. сентябрь
4. Абдуқодиров А. Навоий татаббуъларида орифона тасвир маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. № 5 – Б. 10–14.

5. Абдулҳакимов М. Баҳрамандлик // Хоразм ҳақиқати. 1994. 11 сентябрь
6. Ваҳобов А. Аваз Ўтар // Қизил Ўзбекистон. 1954. — 3 октябрь
7. Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеърлятида услублар масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 5 — Б. 3—9.
8. Исмоилова Г. Қайноқ қалб нидолари // Хоразм ҳақиқати. 1994. 11 сентябрь.
9. Комил Аваз. Аваз Ўтар читойини масхаралаганми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2005. 2 декабрь.
10. Мадраҳимов О. Аваз Ўтар ижодида илм—фан таърифи // Хоразм ҳақиқати. 1994. 5 сентябрь
11. Мадраҳимов Ф. Ахлоқий идеал излаб // Хоразм ҳақиқати. 1984. 12 июль.
12. Маллаев Н. Аваз Ўтар ўғли // Ўқитувчилар газетаси. 1948. 6 апрель
13. Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожланишида Навоийнинг роли ҳақида // Навоийга армуғон. — Тошкент: 1968. — Б. 146—147.
14. Мирҳайдаров Х. Яна қофия ва шеър системаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 2. — Б. 60—68.
15. Мўминова В. Ўзбек демократик лирикасининг айрим жанр хусусиятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. № 1. — Б. 45—48.
16. Мўминова В. Устоз анъаналарига содиқ бўлиб // Хоразм ҳақиқати. 1994. 6 сентябрь
17. Саримсоқов Б. Қофия ва шеър системаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975. № 6. — Б. 36—42.
18. Солаева М. Аваз лирикасида Навоий анъаналари // Хоразм ҳақиқати. 1984. 12 июнь.

19. Файзуллоев Б. Татаббуънинг баъзи назарий масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. № 4.
20. Файзуллоев Б. Татаббуъда қофия // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. № 1. – Б. 53–54.
21. Хасанов С. Но не умрёт имя // Хорезмская правда. 1984. 2 август.
22. Холид Расул. Аваз Ўтар ўғлининг қўлёзма девонлари // Адабий мерос. 1982. № 2 (22). – Б. 103–107.
23. Шодиев Э. Навоий татаббуъларида оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. № 2. – Б. 7–13.
24. Эркинов С., Мўминова В. Аваз Ўтар ўғли / Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 5–жилд. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 345–366.
25. Эркинов С. “Хамса” адабий алоқалар матнида / Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 27–28.
26. Юсупов Ю. Аваз Ўтар ўғли // Гулистон. 1940. № 6.
27. Қобулов Н. Аваз лирикаси // Хоразм ҳақиқати. 1984. 11 сентябрь
28. Қўшжонов М. Зулматга – лаънат, хурриятга – олқиш // Хоразм ҳақиқати. 1994. 6 сентябрь
29. Ғафур Ғулом. Атоқли демократ санъаткор / Адабий–танқидий мақолалар. 2–жилд. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 232.
30. Ҳайитметов А. Аваз лирикасида жанр ранг–баранглиги // Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 42–46.
31. Ҳаққулов И., Очилов Э. Ўзбек адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. № 2. – Б. 57–71.

IV. Диссертация ва авторефератлар.

1. Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти: Филология фанлари номзоди дисс. – Тошкент. 1962. – 430 б.
2. Жумахўжа Н. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филология фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент. 1999. – 51 б.
3. Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити: Филология фанлари номзоди дисс. – Тошкент: 1995. – 139 б.
4. Матёқубова Т. Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: 2001. – 26 б.
5. Мирзаев В. Аваз Ўтар ўғли (ҳаёти ва ижоди): Филология фанлари номзоди дисс. Тошкент: 1962.
6. Отабоев Б. Аваз Ўтарнинг ижтимоий – ахлоқий қарашлари: Фалсафа фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: 1992. – 22 б.
7. Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий ижоди: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Самарқанд. 1974. – 19 б.
8. Сайдалиева Н.Ф. Муаззамхон шеъриятида адабий анъана ва бадий маҳорат: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Самарқанд. 2002. – 26 б.
9. Самандарова С. XX аср ўзбек тазкиралари: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 20 б.
10. Сафарбоев М. Огаҳийнинг ижтимоий – сиёсий ва эстетик қарашлари: Фалсафа фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 25 б.
11. Тожибаева М.А. Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди: Филология фанлари номзоди. дисс. автореф. – Тошкент: 1999. – 26 б.

12. Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: 2002. – 26 б.

13. Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеърлятининг шаклланиши ва тараққиёти. Филология фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент: 1994. – 32 б.

14. Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: – 26 б.

15. Хўжанова Г. “Ҳибат ул – ҳақойиқ” поэтикаси: Филология фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: 2001 – 26 б.